

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Мухтарам меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Мана шу кувончли айёмда сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Бундан йигирма саккиз йил олдин Биринчи Президентимиз, мухтарам Ислам Абдуганиевич Каримов халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Ўтган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиклол йўлини босиб ўтди.

Бугун бир ҳақиқатни қатта гуруҳ ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчаллик кийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустақкам продасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик кийёфаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган устувор ғоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунашимиз.

Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, биз ўз олдимизга қўйган ана шундай мақсадлар сари изчил қадам қўймоқдамиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари!  
Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойи-

ҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона, улуг бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнатқаш, заҳматқаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан энгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини энгил қилишдан иборатдир.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улуг мақсадларга ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Бундай марраларга фақат тинимсиз, оғир ва фидокорона меҳнат билан эришилади.

Шу мақсадда сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизimini такомиллаштириш, мамлакатимизнинг муҳофаза қудратини мустаҳкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича қатта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулк ва тadbиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиктисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу йилги табиат кийинчиликларига қарамасдан, миришқор фермер ва деҳқонларимиз мардона меҳнат қилиб, кўплаб соҳаларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча деҳқон ва фермерлар, дала меҳнатқашларини халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида эришяётган қатта ютуқлари билан самимий табриклашни ўз бурчим, деб биламан.

Азиз дўстлар!

Ўртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланимоқда. Бу борада «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар – келажагимиз», «Беш ижобий ташаббус» каби дастурларимиз аҳолини янгилаш фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида юзлаб туман, шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий кийёфаси тубдан янгиланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗНИНГ БОҚИЙ БАЙРАМИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ватанамиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди



(Давоми 3-саҳифада)

## ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ ВА ЗУЛМ-ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Халқимиз тарихнинг адалсиз тўфон ва сурунларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бутунги дорилмомон замонга безавол этиб келишида унинг қон-қонига сингиб кетган орийат туйғуси ва беназир жасорати муҳим аҳамият касб этади.

Бой тарихга эга ўзбек халқи юксак маданият, буюк маънавият, бекиёс илм-фан соҳиблари бўлган, ўз даврида цивилизацияларни тебратган улуг мутафаккир ва алломалар, тенги йўқ саркардалар ворисидир.

Жумладан, ўтмишимизнинг, Қодирий бобонинг истилоҳи билан айтганда, «онг оғир ва қора қулар»да – турли истибдод, босқин ва шафқатсиз қатагонлар даврида озодлик йўлида жон фидо қилганлар, адолатсизлик қурбони бўлганлар жасоратининг ҳам ворисидир. Мустабид ва истилолар даврида бу заминда минглаб бегунона инсонлар умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча онлар пароканда ва хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажақ авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизлари номларини, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида улар хотирасига эҳтиром туйғусини юксалтириш мақсадида 2001 йилдан буён 31 август санаси мамлакатимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонланади.

31 август. Субҳи сабоҳ. Шаҳидлар хиёбони.

Президент Шавкат Мирзиёев «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида ўтказилган халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросимида иштирок этди.

(Давоми 4-саҳифада)





# МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗНИНГ БОҚИЙ БАЙРАМИ

(Давоми.  
Бошланғич 1-сҳафадан)

Мустақиллик – халқимиз эришган энг улуғ, энг буюк неъмат. Ота-боболаримиз озодлик йўлида не-не оғир синовларни, машаққатларни босиб ўтган, жон олиб жон берган.

1991 йил 1 сентябрда Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши халқимиз учун оламшумул тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик туғайли биз озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйи-бастини бутун дунёга намоён қилмоқдамиз. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати боис Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати олам узра ёйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлол обод ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиши учун бекёёқ имкониятлар эшигини очди – нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир.



Бугун халқимиз Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистоннинг янги тарихини яратмоқда. Ҳар жабҳада, ҳар бир ҳудудда олиб борилаётган ўзгаришлар мамлакатимизнинг халқаро сиёсий нуфузини ошириб, иқтисодийни юксалтирмоқда, халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Ҳар йили Мустақиллик байрами тараккиёт йўлимизнинг янги босқичига ҳамоҳанг янги-янги марралар билан нишонланади. Бу йил бу марраларнинг қўламини янада кенг. Президентимиз қарорига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрамига кизгин тайёргарлик қўрилди. Кутлуғ санага бағишлаб ўтказилган тадбирлар «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган бoш ғояни ўзида мужассам этгани ҳар бир юрtdoшимизни эзгуликка руҳлантирди. Барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда энг улуғ, энг азиз ушбу байрамни муносиб нишонлашга алоҳида эътибор қаратилди.

31 август. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи.

Парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юртдошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтадиган байрам тантанасига йиғилган.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди. Давлатимиз раҳбари минбарга таклиф этилди. Президентимиз халқимизни Мустақиллик байрами билан муборакбод этиб, эзгу ниятларини изҳор қилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради. Йиғилганлар қўлларини кўксига қўйиб, мустақиллик кўшиғига жўр бўлди. Оҳанг оғушида бетакрор Ватан манзаралари, истиқлол тарихи лавҳаларда гавдаланди.

Мустақил Ўзбекистонимиз яна бир ёшга улғайди. Ушбу байрамни ҳар йили катта шоду



нинг 28 йиллиги арафасида Президент имзолаган "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармони давлатимиз юритаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи бўлди. Фармонга мувофиқ содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган фуқаролар афв этилди. Бу байрам кунлари қўлаб оилаларга қувонч олиб кирди.

Мамлакатимизда 2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилинди. Жорий йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш бўйича марралар қўйилган. Зеро, инвестициялар иқтисодиёт барқарорлигини оширади, янги қувватларни ишта гушириш ҳисобига етакчи соҳаларни ривожлантиришни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий йилдаги вазифаларнинг асосий йўналишларига тўхталиб, фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттирилишини таъкидлади. Чунки инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш реал даромадларни ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ўсатириш, пировардида ижтимоий

муаммоларни ҳал қилишга кенг йўл очди.

Кўрилаётган ана шундай тизимли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 5,8 фоиз ўсди. Қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилмоқда. Хуеусан, «Fitch Ratings» ва «Standart & Poor's» агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. «Барқарор» прогнозига эга бўлган бу рейтинг баҳолари Ўзбекистон эгаллаган поғона кўпгина ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини кўрсатади.

Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, қишлоқларни обод қилиш изчил давом этмоқда. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари энг чекка ҳудудларга ҳам янгилашни нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирди. Одамларда янада яхши яшашга иштиёқ, қишлоқда турмуш маданияти ошди.

Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз томонидан

иллари сурилган бешта муҳим ташаббус уларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳар бир туманда хотин-қизлар учун иш ўринлари ташкил этилмоқда, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва жисмонан чиникишига шароит, маънавиятини бойитишга имконият яратилмоқда.

Бу жиҳатлар – хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳаётдан мамнуллиги ошиб бораётгани байрам томошасида турли тилларда янграган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг очкилик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати ҳамкорларимиз сафини кенгайтирмоқда. Ривожланган давлатлар, дунёга доғри кетган банк ва компаниялар биз билан ҳамкорликка интилмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги янги чина ёндашувлари Марказий Осиёда сиёсий вазиятни соғломлаштирди.

Энг муҳими, мустақиллик туғайли қўлга киритилган бундай йотуқ ва натижалар моҳияти ҳар бир юрtdoшимизнинг қалби ва онига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда, янги, янада юксак марраларга илҳомлантирмоқда. Истиқлолнинг халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида тутган бекиёс ўрнини, ҳар биримиз учун қанчалик қадрли эканини яна бир қарра намоён этмоқда, энг улуғ, энг азиз байрамимизга янада теран мазмун бағишламоқда.

Истиқлол йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диндони, кўҳна урф-одат ва аъёнларимиз қайта тиклангани, конфессиялараро ва миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар миллий ва умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашиб, ҳаётимиз коидасига айланаб бораётгани ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Байрам тантанасида истиқлолни, озод ва хур Ватанини тараннум этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради. Болаларнинг шўҳ чиқишлари барчага табассум улашди. Ҳарбийларимизнинг мардонавор овози дилларга кўчди. Ҳаҳон мумтоз мусикаси намуналари бир олам завқ бағишлади.

Янграган куй-қўшиқлар диллардан дилларга кўчади, олис-олисаларга таралади ва акс-садо беради – ҳар бир вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва овул истиқлолни нишонлайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шуқуҳли байрам тантаналари, халқ сайиллари давом этмоқда.



Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА МУҲБИРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Александр Лукашечкони туғилган куни билан салимий муборакбод этиб, унга мустақкам соғлик, бахт-саодат ва катта зафарлар тилади.

набватида, илик қутлов учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини ва кўп миллатли Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан табриқлади.

Томонлар серкирра Ўзбе-

кистон – Беларусь муносабатлари бутунги кунда юқори сурьатлар билан ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг роппа-роса бир ой аввал Беларусь Республикасига амалга оширган илк расмий ташрифининг самарали натижалари икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб

чиқишга хизмат қилгани, уни аниқ мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари эришилган келишувлар, жумладан, савдо-иктисодий, инвестициявий, илмий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятта молик долзарб ма-

салалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини янада мустақкамлаш, кенг қўламли ҳамкорлик ва устувор йўналишларда кооперацияни кенгайтириш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

ЎЗА

## ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ ВА ЗУЛМ-ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

(Давоми. Бошланғиши 1-саҳифада)

Таомилга кўра ош тортидди. Курьон тиловат қилиниб, қатагон курьонлари ҳаққига дуо қилинди.

Барчамизга маълумки, курьон бўлганларнинг номларини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва «Қатагон курьонлари хотираси» музейи бунёд этилган.

Музей 2008 йилда қайта таъмирланиб, кенгайтирилган ва экспозиция заллари 3 тага етказилган. Ўша йилда янгиланган экспозиция 10 бўлимдан иборат бўлиб, 14 минг 665 экспонатни ўз ичига олади. Айни пайтда мингта яқин тарихий ашё намойиш этилмоқда. Уларнинг элликка яқини ноёб экспонат ҳисобланади. Замонавий техник воситалар билан жиҳозланган музейга ҳар йили 50 минг зиёратчи ташриф буюрмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қиладди.

Музей Германия, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Жазир ва қатор бошқа мамлакатлардаги турдош муассасалар, илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бутунги кун ёшлари учун ибрат мактаби экани инобатга олиниб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари хузурида Қатагон курьонлари хотираси музейлари ташкил этилди. Бу музейлар ёш авлоднинг ватанпарварлик ва миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маърифатпарвар ва жасоратли аждодлар билан фахрланиш тўғрисида шакллантириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари хиброндаги рамзий кабр ёнида нурунийлар, уламо ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Фидойи ва ватанпарвар аждодларимизнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга катта эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, қут-бараканинг қадрига етиш, «дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ғояга амал қилиб, ҳамма соҳаларни ривожлантиришга интилиш, ёшларни дунёқарашни кенг, ватанпарвар инсонлар қилиб воғна етказиш муҳимлиги таъкидланди.

Бутунги ёруғ ва дорилмомон қунар йўлида курьон бўлганлар руҳини шод этиш, омон-фаровонликнинг қадрига етиш ҳиссиёти барчага катта қувват бағишлайди, руҳиятни поклаб, янги-янги бунёдкорлик ишларига қорлайди. Зеро, озодлик учун курашган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди, халқимиз қалбида мангу яшайди.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси, Олий Мақлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйди.



## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз ва мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилб келатган хорижликлар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.**

Кўсарой қароргоҳида 31 август куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, уларнинг тимсолида жойлаб давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни муборакбод этди.

Бутун барча-барча жабҳаларда ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт, одамлар турмушида катта ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилаётгани ва уларнинг дастлабки натижалари кўзга ташланаётгани таъкидланди.

– Халқ билан ҳеч қачон бундай мулоқот бўлмаган. Одамларни эшитиб, уларнинг муаммоларига қулоқ солсақ, келажакда қила-

диган ишларимиз режаси тўғри бўлади. Энг асосийси, халқимиз ишончи бизга куч беради, – деди Президент.

Ўзбекистоннинг халқчил, инсонпарвар сифатини дунё ҳам-жамияти эътироф этмоқда. Ташқи ва ички сифат кенг қўламли мулоқот ва муносабатлар асосида, уйғун ҳолда олиб борилмоқда.

– Биз учун биттаю битта тўғри йўл, ягона мақсад миллатимиз, халқимиз, жонажон Ўзбекистонимиз манфаатини юқори тутишдир. Бунинг учун доимо етти ўлчаб, бир марта кесадиган сифат олиб боришимиз керак. Олдимизда мураккаб вазибалар турибди. Халқимизга, сизлар каби мард ва шижоатли юртдошларимизга ишониб, марафони катта олдик, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев маросимга йиғилганларни номма-ном тилга олиб, давлат мукофотлари билан табриқлади. Уларни Ватанимизнинг асл фарзандлари, виждони

пок, қалби уйғоқ одамлар деб атади. Самарали фаолияти, ҳалол ва фидойи меҳнати, ёшларга ибрат бўлаётгани учун уларга миннатдорлик билдириб, эзгу тилаklarини изхор этди.

Президентимиз тақдирланган юртдошларимиз ва хорижлик дипломатларга мукофотларни тантанали равишда топширди.

– Шундай юксак мукофотга муносиб кўргани учун Президентимиздан миннатдорман, – деди Ўзбекистон Қаҳрамони, "Нуруний" жамағармаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Ҳасан Нормуродов. – Вазифа, мартаба инсоннинг ўзига бино қўйиб, кибру ваҳога берилиши учун эмас, аксинча, эзгу амаллари билан ўзгалар қалбида яхшилик чаманзорларини яратиш учун берилган. Қайси бир раҳбар шу қондага амал қилиб иш кўрса, доимо халқнинг назарида бўлади. Бундан кейин ҳам қўлимдан келганича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириди.

**3. ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА музбири**



# Ислохотларнинг туб моҳияти — инсонларнинг эркин ҳаёти ва фаровон турмушини таъминлашдир

**Й**игирма саккиз йил... Аслида асрларни қаритган тарих учун бу мuddат лаҳзага тенг. Бироқ ана шу йиллар халқимиз учун нечоғли муҳим аҳамиятга эга бўлганини бугун ҳар биримиз юракдан теран ҳис қиламиз. Шу давр мобайнида янги авлод камолга етди. Энг муҳими, ҳаётнинг маъно-мазмуни, мақсад-муддаоси ва онгу дунёқараши тубдан ўзгарган юртдошларимизни мустақилликни янада мустаҳкамлаш, тинчлик ва оқсоқилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, баркамол авлодни тарбиялаб, Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузини тобора юксалтиришдек эзгу мақсадлар бирлаштирган.



Шавкат ЖАВЛОНОВ,  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси.

## Ҳар қадамда эзгуликлар нафаси

Тинчлик-осойишталик бор ерда яхши ният қилинади, эзгу тилаклар айтилади. Бундай элда тотувлик, фаровонлик барқарорлашади, дастурхон файзли, хирмон баракади бўлади. Мустақиллик ана шу файзу баракотни олиб келди. 28 йилдирки, биз бу муборак неъматнинг моҳиятини англаб, унинг нималарга қодирлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу боис ҳар йили жонажон Ўзбекистонимизнинг истиқлолга эришган кунини дилларда гурур ва ифтихор билан кутиб оламиз.

Бугун давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати туфайли Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичида илдам оқимлаётган. Фуқароларда янгиликлар фикрлаш, ишлаш шаклланиб, юртимизда кечаётган ислохотларга дахлдорлик ҳисси осяпти. Қувонарлиси, юртдошларимиз ислохотларни рўёбга чиқаришнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Ўзбекистондаги ўзгаришлар халқаро экспертлар томонидан «Шиддатли» дея баҳоланаётгани муҳим эътирофдир. Бу ислохотлар замирида инсон манфаатлари ётгани, долзарб масалалар аҳоли билан очик, мақбул ечим излаш йўли орқали муҳокама қилинаётгани таъкидланмоқда. Шунингдек, улар томонидан Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати туфайли Марказий Осиёдаги кўшни давлатлар билан алоқа-

ларнинг мустаҳкамлангани муҳим воқеа бўлгани айтилимоқда. Бундай юксак эътирофлар, албатта, ҳар биримизга улкан фахр-ифтихор бағишлайди.

## Қадриятлар ошени, ҳамжихатлик маскани

Мустақиллик йилларида дунёда ноёб, ўхшаши йўқ маҳалла тизими аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «*қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, уша ерда ҳамжихатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳўкм сурмоқда, ноҳуш ҳолатларга йўл қўйилмаётти*». Биргина сўнгги 2-3 йил ичида амалга оширилган ишларга назар ташлаб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Хукукий асос қанчалик мустаҳкам бўлса, ислохотлар самараси шунчалик жадаллашади. Бу ҳақиқатни ўтган қисқа мuddат оралиғида соҳага доир 34 та норматив-хукукий ҳужжат — 3 та қонун, Президентнинг 2 та фармони, 1 та қарори, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 25 та қарори ҳамда 1 та идоравий норматив-хукукий ҳужжати қабул қилингани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу ҳужжатлар маҳалла институтининг мавқенини тубдан ошириш, тизим иш фаолиятини самарали

ЎЗБЕКИСТОН БУНДАН ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛ ОЛДИН ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ МУСТАҚИЛ БЕЛГИЛАШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛДИ. МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ЧИҚДИ



ташқил этиш, уни том маънода халқчил тузилмага айлантиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Жумладан, 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони билан мазкур соҳани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ҳужжат асосида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши юридик шахс сифатида фуқаролар йиғинларининг уюшмаси шаклида ташқил этилди.

2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқенини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони маҳалла раислари учун моддий ва маънавий имкониятлар яратиши билан бирга, фуқаролар йиғинига кенг ваколатлар бергани билан ҳам эътиборлидир. 2017 йил 13 июлдаги «Маҳалла ифтихори» кўрак нишонини тасвир этиш тўғрисида»ги Президент қарори эса фидойи ва маҳалла-қўй, эл-юрт ташвишида тунларни тонгга улаб ишлаган юртдошларимиз меҳнатига муносиб рағбат бўлди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қатор хукукий ҳужжатлар билан йиғин ҳодимларининг вазифалари, ваколатлари белгилаб берилди.

## «Маҳалла фаоллари аҳиллик ва ҳамжихатлик тарғиботчиси бўлиши керак»

«*Маҳалла аҳли бир оила каби ишончли, мустаҳкам ристалар билан ўзаро узеви боғлангани керак. Бунинг учун маҳалла фаоллари, профилактика инспектори ҳар бир оила аҳволидан, қувонч ташвишидан доимо хабардор бўлиши, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик тарғиботчисига айланиши лозим. Шундагина одамлар маҳаллага келиб ўз фикрини, таклифини, дардини бемалол*

айта олади, муаммосига ечим топади».

Давлатимиз раҳбарининг юқоридagi фикрлари маҳалла ҳодимларининг дастуриламалига айланиб улгурди. Жумладан, Президент ташаббуси билан аҳоли мурожаатлари ва муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этишда «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» принципи асосидаги ҳамкорлик тизимининг жорий этилгани, муаммолар бевосита уйма-уй юриб, кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилаётгани фаоллар зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда.

Йилнинг ҳар чорағида маҳаллаларда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш тартиби йўлга қўйилгани аҳоли томонидан билдирилган муаммо ва қамчиликларни ўз вақтида бартараф этиш имконини бераётган. Келгусида фуқароларнинг мурожаатларию муаммолари маҳалланинг ўзида ечим топишини таъминлаш мақсадида ҳар бир йиғин идорасида давлат хизматларини кўрсатиш хонаси, тизимдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида Тошкент давлат юридик университети хузурида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кадрларини тайёрлаш институтининг ташқил этилиши эса соҳадаги яна бир муҳим воқеалиқдир.

## Муносиб шароит — самарали фаолият демак

Бугун халқимиз ислохотлар самарасини кундалик турмушида тўла-тўқис ҳис қилмоқда. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида олдий қишлоқ фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, дунёқараши ва ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартириш, янги иш ўринлари ташқил этиш орқали уларнинг фаровон яшашини таъминлаш каби эзгу сазй-ҳарақатлар бунинг исботидир. Мустақил юртимиз тарихида янги са-

ҳифа очаётган бундай хайрли бунёдкорликлар инсонларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаётган.

Шу ўринда, маҳалла ҳодимларининг самарали фаолият юритиши учун муносиб шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни 2017-2019 йиллар давомида 1 минг 265 та маҳалла биноси таъмирлангани, 447 таси реконструкция қилиниб, 394 та янги бино фойдаланишга топширилгани, маҳаллий кенгашириш учун юздан зиёд «Маҳалла маркази» мажмуалари қурилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўтган мuddат ичида маҳалла раисларининг мажбуриятлари билан бир қаторда, ваколатлари ҳам кенгайтирилди. Эндиликда уларни фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғинлашлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, фаолиятга асоссиз аралашини, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юқлаш, шунингдек, фуқаролар йиғинлари балансида бўлган биноларни бошқа шахсларга бириктириш ёки асоссиз равишда олиб кўйиш тақиқланади.

## Халқимиз манфаатига мос ўзгаришлар

Биз бугун халқимизнинг хоши-хиродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят қарафли йўлимизни сарҳисоб борасида улкан муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз. Бизга бундай улуг неъматларни мустақиллик ҳаётида этиди. Истиқлол озошлик, миллий тикланиш ва тараққиётда янги тарихий даврни бошлаб берди.

Шу маънода, ўзининг неча минг йиллик кўхна тарихида не-не синюваларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги — ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улуг, энг азиз сана сифатида кўп йиллар, замоналар ўтса-да, ўз аҳамияти, кадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода, оламшумул воқеа бўлиб абдий сақланиб қолади.

Фуқаролар йиғинлари ҳодимларига санаторийларга бепул йўлланма берилади.

# ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА

## Камтарона хизматга юксак эътибор



**Рўзимурот АБАЗОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби:

— Маҳалла фаоллари оилалардаги тотувлик, барқарорлик, ҳудудларимизнинг ободлиги, ёшлар тарбияси, аҳолини иш билан таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш каби кўплаб жабҳаларда тегишли идораларга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Ўйлаб қаралса, тизимимиз ваколатига кирмайдиган, биз шугулланмайдиган соҳалар кам. Шу боис юртимизда маҳалла институтининг мавқеи кун сайин ошиб бораётди. Буни биргина бизнинг вилоят мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, ўтган икки йил ичида 4 та — Ангор туманидаги «Маданият», «Гиламбоб», Денов туманида «Боғи Эрам» ва Жаргўрғон туманидаги «Порлок Юлдуз» маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. 27 та маҳалла биноси тасмириланди, 3 таси эса қайтадан реконструкция қилинди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ҳамда Термиз шаҳар кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридagi Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси учун замонавий 4 қаватли бино қурилиши жадал давом этмоқда. 29 та маҳалла фуқаролар йиғини тез орада янги бинога кўчиб ўтади.

Президентимизнинг маҳалла тизими вакилларига кўрсатаётган эътибори барча фаоллар миннатдорлигига сабаб бўлмоқда. Қувонарлиси, юртимиздаги бирор ислохот, янгиланиш жойлардаги аҳоли, бевосита маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашмасдан ўтказилмаётди. Бугун камтарона хизматларимиз учун давлатимизнинг юксак унвони — «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланганим учун чин дилдан миннатдорлик билдираман. Ушбу муқофотни давлатимиз раҳбари томонидан Сурхондарё вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, тизимда ишлаётган жонқуяр инсонлар меҳнатига берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман.

## Аслида бу маҳаллага билдирилган ишонч ва эътироф



**Нормурод ИСОҚОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби:

— Маҳалла тизимида фаолият кўрсатаётганимга саккиз йил бўлган бўлса-да, бутун ҳаётим шу ноёб тузилма билан чамбарчас, десам муволажа эмас. Чунки биз ким бўлмайлик, маҳаллада дунёга келиб, шу гўшада яшаб, умргузаронлик қиламиз. Ўзбек маҳаллалари азалдан мавжуд бўлса-да, истиқлол йилларида фуқаролик жамиятининг ҳақиқий институтига айланди.

Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Фармонга биноан истиқлол байрами арафасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгашининг замонавий биноси қуриб битказилди. Яқин йилларда барча ҳудудий кенгашлар ана шундай ўз биноларига эга бўлади. Фуқаролар йиғинларида эса маҳалла гузарлари ва маҳалла марказларини барпо этишга киришилган.

Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилинди. Бу — муаммоларни аниқлаш, ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатish имконини бермоқда.

Буларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад маҳалла институти фуқаронини кўтариш, обрўсини ошириш, фуқаролар йиғинларини халқнинг ҳақиқий суянчи ва таянчига айлантиришдан иборатдир.

Мухтасар айтганда, бугун маҳалла институти ривож учун ҳуқуқий асос ва моддий шарт-шароитлар етарли, фақат астойдил меҳнат қилиш керак, ҳолос. Шу маънода камтарона меҳнатим юксак кадрлиниб, истиқлол байрами арафасида Президентимиз фармонида биноан «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланганим ҳам маҳаллага берилган эътибор, унга билдирилган ишонч ифодасидир. Эътирофдан бошим кўкка етди. Бор билим ва салоҳиятимни, тажрибамни ишга солиб, маҳалла тизими ривож йўлида фидокорона хизмат қилиш, Юртбошимизнинг ишончини оқлашга ваъда бераман.

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИНИНГ БИР ГУРУҲ ФИДОЙИ

### Нуронийларнинг ўз ўрни ва сўзи бор

**Сайдулла БОЙЗАҚОВ,**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Пайарик тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби:

— Кексалардан дуо олган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Бугун Юртбошимиз томонидан нуронийларга қилинаётган ғамхўрлик ва эътибор алоҳида эътирофга молик. Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида улар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишаётди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, маҳалла раисларининг ўринбосарлари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилар лавозимларининг жорий этилиши биз, нуронийларга шижоат бағишлади.

Пенсияга чиққач, айримлар ўзини жамиятдан узилиб қолгандек ҳис қилиши мумкин. Шу боис ёши улугларни маҳалла ҳаётига, «Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари» ҳамда комиссиялар таркибига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Айниқса, ҳудудларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, оилалар, жумладан, низоли, нотинч хонадонларга кириб боришда нуронийларимиз маслаҳати ва кўмагига доимо суянаемиз.

Улар ҳар бир маҳалладаги нотинч оилаларга мунтазам бориб туришади. Диний экстремистик оқимга мойил оилани соғломлаштириш, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган фуқаролар ҳамда эҳтиёжманд хонадонларга ҳар томонлама кўмаклашиш ишларида 175 нафар нуроний фаоллик кўрсатаётди. Кексаларнинг ёшлар ўртасида олиб борган тарғибот ишлари самараси ўларок, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада қамайди. Туйлар ихчам, дабдабасиз, халқимизнинг урф-одатларига мос ўтказилаётди.

Ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида Юртбошимиз томонидан «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланганим қалбимни тоғдек ўстирди. Ўз навбатида, олдимиздаги вазифаларни адо этишда ушбу рағбат менга, қолаверса, туманимиз нуронийларига қанот бағишлади.

## Рағбат — янги ташаббусларга ундайди



**Бибихон УТАМБЕТОВА,**

Мўйноқ туманидаги «Таллик ўзак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси:

— Истиқлол мамлакатимизда маҳалла институтининг янада мустаҳкамланиши, миллий кадрияларимизнинг қайтиши, ота-боболаримизнинг орзулари рўёбига замин яратди. Қисқа фурсатларда нафақат шаҳар марказлари, балки чекка қишлоқлар қиёфаси ҳам гуллаб-яшнади. Республикаимизнинг барча ҳудудлари сингари Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили ноябрь ойида туманимизга ташрифидан сўнг мўйноқликлар турмуши бутунлай ўзгариб кетди. Мўйноқ шаҳри миллий фаолиятимдан келиб чиқиб айтаман, умрим давомида бунақа йирик иш ташкил қилинганни билмайман. Жорий йилги «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларига Мадели, Пўрлитов, Шеге, Чағирли, Қизилжар, Дўстлик қишлоқлари кирди. Туман марказида тўрт қаватли уй-жойнинг қурилишлари бошланди. Туман марказидан маданий дам олиш парки учун 10 гектар ер ажратилди. 2 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр. Ёшлар марказлари бинолари қад ростлади.

Аҳолини кўп йиллардан буён қийнаб келётган йўл, ичимлик суви муаммолари бартараф этилмоқда. Қувонарлиси, ободонлаштириш ишларида аҳоли ҳам фаоллик кўрсатаётди. Маҳалла раислигига сайланганимга ҳали кўп бўлмади. Аммо қисқа вақт ичида бу лавозимнинг залворли масъулиятини ҳис қилдим. Айни пайтда ҳудудимизни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида қалбим ҳеқсиз миннатдорлик туйғуларига тўлди. Кичик меҳнатларим давлатимиз томонидан эътироф этилиб, «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирландим. Бу эътироф мени кўпроқ ишлашга, жамиятим ривож йўлида янги ташаббусларни илгари суришга ундади.



# Қўшиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир!

РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН  
ХОДИМЛАРИНИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАДИ

## Мукофотнинг юки ҳамиша залворли бўлган



**Файзулло БЕБУТОВ,**  
Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги  
«Қозон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси,  
«Дўстлик» ордени соҳиби:

— Инсон ҳаётида ҳаяжонли дақиқалар жуда кўп бўлади. Лекин халқ, давлат ишончи рамзи сифатида тақдим этилган мукофот бунчалик жўшқин хисларни уйғотишини тасаввур қилмаган эканман. Тўғри, авваллари ҳам ташаккурнома ва кўрак нишонлари билан тақдирланганман, аммо тобора уларнинг залвори ортиб бораверар экан. Айниқса, эндигина сайланган раиснинг «Дўстлик» орденига муносиб кўрилиши замирида улкан масъулият сезилган.

Элик йилга яқин иқтисод соҳаси бўйича шу халқ, шу одамлар хизматида юрган бўлсам-да, маҳалла раислиги ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўплигини кўрсатмоқда. Шу боис ҳам маҳалламиз аҳолиси ҳолидан доимий хабардор бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Мутасаддилар билан уйма-уй юриб, муаммолари масалаларни, ўзаро келишмовчиликларни ҳамфикрликда бартараф этияпмиз. Олиб бораётган ишларимиз эса ўз самарасини кўрсатаяпти. Худудимизда ўтган ва жорий йилнинг шу даврига қадар жиноятчилик умуман қайд этилмади. 2019 йилнинг шу кунига қадар оилавий ажрашишлар ҳам кузатилмади. Бундай натижаларни кўрганда, ич-ичимиздан хурсанд бўламиз. Шу билан бирга, ижобий вазиятни бир маромда ушлаб туриш кераклиги ҳам ёдимизда.

Олдимизда ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Худудимизда маҳалла гузари, ёшлар маскани ва мактабгача таълим муассасаси барпо этишни режалаштирганмиз. Умидимиз эса шу халқ, шу одамларнинг фаровон турмуш кечирishi, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашига эришишдан иборат. Зеро, бу масала бугун биз каби масъул мутасаддиларнинг биринчи галдаги вазифаларидан бирига айланган.

## Ҳаётини тажрибамни маҳаллани янада обод этишга сарфлайман



**Шоиноят ШОАБДУРАҲИМОВ,**  
Тошкент шаҳар Миробод туманидаги  
«Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли,  
«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби:

— Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлар, юртимиз келажагининг нузли ва ёруғ бўлиши учун қилинаётган эзгу саъй-ҳаракатлар, аввало, она диёримизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, энг улуг, энг азиз неъмат — истиклол туғайлидир.

Айтиш керакки, ўтган 28 йил давомида мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзи, яшаш шароитини яхшилаш борасида қатор эзгу ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги йиллардаги бунёдкорликлар, ободончиликлар ҳақида ҳар қанча гапирсак, оз. Қолаверса, маҳалла тизимидаги ижобий ўзгаришлар биз каби кекса нурунийлар, ёши улуг инсонларни хурсанд қилмоқда. Жумладан, маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда кексалар ўрнини ошириш борасида эзгу ишлар қилинаётгани айни муддао бўлмоқда. Натижада маҳалланинг жамиятимиздаги нуфузи тобора юксалиб, унга одамларнинг ишончи ортиб бораёттир.

Яқинда улуг 90 ёшни қаршилайман. Бугун ёшим бир жойга бориб, босиб ўтган узок йиллик ҳаёт йўлимга назар ташлар эканман, қалбимда мамнулик хиссини туяман. Шукрки, салкам 70 йиллик меҳнат фаолиятим давомида халқим, юртим учун сидқидилдан хизмат қилдим. 20 йил темир йўл соҳасида ишладим. Кейинчалик Тошкент метрополитени қурилишида иштирок этдим.

Айниқса, маҳалла тизимидаги фаолиятим анчайин самарали бўлди. Эсимда, Тошкент шаҳар ижрокўмида ишлаб юрган кезларим пойтахтимизда атиги 55 та маҳалла бор эди. Яхши инсонларнинг кўмаги билан бошлаган эзгу ишларимиз боис улар сони кейинчалик 125 тага етди. Бугун эса Тошкент шаҳридаги 505 та маҳаллада ҳамшаҳарларимиз ахил-иноқликда умр кечирмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида кўпгина юртдошларимиз қатори Ўзбекистон Республикаси Президентини фармонига кўра, «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирландим. Юртбошимиз томонидан камтарона меҳнатларим шунчалик юқори даражада эътироф этилгани мени беҳад қувонтирди. Насиб қилса, билдирилган бу юксак ишончини тўла оқлаб, ҳаётини тажрибамни юртимиз маҳаллаларини янада обод бўлишига сарф этаман.

Тилагим, Ватанимиз тинч, осмонимиз доим мусаффо бўлсин!

## Намунали бўлишга бел боғлаганмиз

**Жалил КЕНЖАЕВ,**  
Дўстлик туманидаги Манас қишлоқ  
фуқаролар йиғини раиси, «Шухрат»  
медали соҳиби:

— Президентимизнинг оқилона ташаббуси — «Обод қишлоқ» дастури бизнинг худуд — Манас қишлоғидан бошланган.

Тан олиб айтиш керак, илгари марказдан олиса бўлган Манас қишлоғига ичимлик суви тармоғи етиб келмаган эди. Маҳалламиз худудидagi ички йўллар ёзда чанг, қишда лой бўлиб кетарди. Фарзандларимизнинг таълим олиши учун қулай шарт-шароитлар йўқ эди. 2017 йил декабрь ойида маҳалла раиси бўлиб сайланганимда халқ ишончини оқлай оламанми, деган ҳадик бор эди. Аммо саккиздан ортик миллат-элат вакиллари бўлиш маҳалладошлар бориға шукр қилиб, ахил-иноқликда умргузaronлик қилаётганини кўриб, бу вазифага қатъий киришдим.

Ўтган йили кўклам насими билан биргаликда маҳалламизга бунёдкорлик, ободонлик шомоли кириб келди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида 2018 йил февраль-март ойлари, аниқроғи, қирк беш кун ичида минг йилда амалга оширилган ислохот ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу бизнинг ахиллигимиз, тотувлигимиз учун берилган совға дея шукрона келтирдик.

Бугун маҳалладошларимиз яратиб берилган шарт-шароитлардан мамнун, юзларида қули-табассум билан бахтли турмуш кечиряпти. Қалбида масъулият ҳиссини туйиб, янгиланган масканимизни кўз қорачиғидек асраб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш туйғуси билан ёниб яшамоқда.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан менга берилган мукофот асида бугун манасликларнинг ютуғи, уларга кўрсатилган эътибор ва рағбат самараси деб биламан. Келгусида маҳалламизни республикамиздаги энг намунали худудга айлантириб, бизга билдирилган қатта ишонч ва имкониятларни оқлашга бел боғлаганмиз.



## Ишлайман деганга имконият кенг



**Наима ЖАББОРОВА,**  
Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги  
«Қатта Қорасув» маҳалла фуқаролар  
йиғини раиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси:

— Мамлакатимиздаги ҳар бир ўзгаришлар, ютуғу камчиликлари билан барчаси маҳалла институтига дахлдор деб биламан. Чунки ҳар бир соҳа кишиси у, аввало, маҳалла аъзоси ҳисобланади. Дейлик, таълимнинг ривожланиши учун ҳам маҳалланинг ўрни бекиёс.

Бугун маҳаллага ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилаяпти. Маҳалла фаолиятига ҳукукий асос яратилди. Президент фармон ва қарорлари билан вазифаларимиз аниқ белгилаб берилди. Моддий таъминотимиз мустаҳкамланди. Очiq айтиш керак, яқин-яқингача маҳалла раисининг фуқароларини қабул қилиши учун арзиғулик қабулхонаси йўқ эди. Оғиримизни енгил қилиши керак бўлган мутасаддилар ҳам ишни талаб қиларди, ахволимизга келганда мум тишлагани ҳам бор гап.

Бугун вазият тубдан ўзгарган. Ишлайман, халқимга хизмат қиламан деган одамга барча имконият яратиб берилди. Масалан, бизнинг «Қатта Қорасув» маҳалламиз худудида 2017 йил бошида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Йўллар, уларга кириш йўлақлари таъмирланиб, болалар учун майдонча қурилди. Қорасув анхори ёқасида нурунийларимиз учун ажойиб чойхона қад ростлади. Маҳалла биноси капитал таъмирдан чикди. Бугун нафақат фуқароларини қабул қилиш учун хона, мажлислар зали, кичик зал, қолаверса, қутубхона, тўғарақлар, тадбирлар ўтказиш учун хиёбонлар бунёд этилди. Бу, биз маҳалла раисларига янада қатта масъулият юклайди. Бу хонадонма-хонадон юрши, одамларнинг дардини билиш, уларга амалий ёрдам билан эртанги кун учун умид, ишонч бериш керак дегани.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан менга берилган мукофот асида мамлакатимизда маҳалла институтига қаратилган эътибор, фуқароларимизнинг бизга бўлган ишончи самараси деб биламан.

# Одамлар қалбида ҳаётга ишонч, келажакка умид мужассам

**Ю**ртимизда буй кўрсатаётган янгилашлар, шиддат билан кечаётган ўзгаришлар одамларимиз ҳаётида ҳам аксини толаётир. Биргина Қорақалпоғистон Республикасининг ўзи сўнги йилларда тамомила ўзгача қиёфа касб этди.



**Тожибай РАМАНОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

Чунончи, Нукус шаҳри тўрт томони — эски, янги қалъа деб аталувчи мавзелари, «Дўстлик», «Каттаоғар» каналларининг ҳар иккала соҳили обод гўшаларга айланди. Янги аэропорт, темир йўл вокзали ҳамisha сайёҳлар билан гавжум.

Айниқса, Савицкий музейига бундан дунё ҳамжамиятининг қизиқиши ортмоқда. Мўйноқда эса янги ҳаёт бошланган. Бундан 10-15 йиллар олдин экологияси бузилган бир воҳа сифатида қаралган ҳудудда мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2019-2021 йилларда 1 трлн. 485 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланди.

Буларнинг барчаси биз, қорақалпоқ эли учун чексиз фахр-ифтихор бахш этаётир. Қад ростлаётган янги иморатларга бокиб қадимиз ва кадримиз кун сайин юксалаётганини ҳис этаймиз. Аслида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган янгилашлар замирида одамларимиз ҳаётини фаровон қилишдек эзгу мақсад мужассам.

## Чимбой томонларда бахт балқиб турар

Чимбойдаги кўримсиз, деворлари нураб кетган дўкон бинолари ўрнида замонавий шаҳарча қад ростлаган.

Замонавий бозор, маданий-маиший, савдо шохобчалари, замонавий маъмурий бинолар, болалар ўйингоҳлари аҳолига талай қулайликлар яратди. Чимбой sanoati ривожланган шаҳарга айланди. Чунончи, ҳудудда хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда «ZANG TEX» ип-йигирув ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона бунёд этилмоқда. Шуниингдек, «Lanextrakt»,



«Marksmart» кўшма корхоналари ҳам тез орада ишини бошлайди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида Қамиш ариқ, Бахтли, Кўкча овул фуқаролар йиғинлари ҳудудида жами 44 та объект қайта таъмирланиши дилларни нурафшон этди.

## Янги ҳаёт йўлларида

Президентимизнинг аграр соҳани замон талаблари даражасида

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Байрам кунларида Кўнғирот тумани «Қирққиз» маҳалла фуқаролар йиғинида 70-қишлоқ оилавий поликлиникаси фойдаланишга топширилди. Тиббиёт муассасаси замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган.

Шуниингдек, тумандаги Қонират овул фуқаролар йиғини, «Алтинқол» ҳамда «Таллиқ» маҳалласида янги мактабгача таълим муассасаларининг тантанали очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Чимбой туманидаги «Кокши қала» маҳалласида замонавий типда қурилган тураржой мажмуалари фойдаланишга топширилди.

Амударёлик кичкинтойларнинг шодлиги ҳам оламни тутди. Бонси тумандаги «Олмасор» маҳалласида «Кўёшжон» оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади.

ривожлантириш, соҳага инновацион ғояларни олиб кириш бўйича берган қимматли кўрсатмаларига амал қилган Амударё тумани деҳқонлари қатта ютуқларга эришмоқда.

Шу йилнинг ўзиде ўнлаб хорижий инвестициялар мазкур соҳани ривожлантиришга йўналтирилди. Хусусан, «Амударё мева-сабзавотчилик илмий-тажриба кластери» масъулияти чекланган жамияти ташкил этиш, аччиқ қалампир ва каолинни қайта ишлашни йўлга қўйиш каби лойиҳалар амалга оширилди.

Қораўзақ туманида «Қаратау це-

## ДАРВОҚЕ...

Жорий йилнинг ўзиде Мўйноқда 8 та мактабгача таълим муассасаси, 7 та мактаб, 4 та спорт объекти, 6 та соғлиқни сақлаш, 8 та маданият маскани ҳамда 20 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошлаб юборилди. 800 ўринга мўлжалланган Амфитеатр ва Давлат хизматлари маркази қуриб битказилди. Шуниингдек, sanoat, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 75 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

мент» заводи қурилишига 38 млн. доллар, Беруний туманидаги «Беруний гигант азия цемент» заводи қурилишига 50 млн. доллар, Нукус шаҳридаги коврак (ферула) ўсимлигини қайта ишлаш ва доривор ўсимликларни ўрганиш бўйича лаборатория қурилишига 10 млн. долларлик хорижий инвестициялар киритилди.

## Маҳалла одамларни бир мақсад йўлида бирлаштиради

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида олиб борилаётган ислохотлар қўламдорлигини оширишда эса ҳудуддаги 411 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларининг ўрни бекиёс бўлмоқда. Айни пайтда ҳудуддаги 318 мингдан зиёд хонадонларнинг турмуш шароитини ўрганишда фаолларнинг ёрдами асқатмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 28600 та муаммо аниқланиб, уларнинг 18225 таси жойида ечим топгани ҳам мазкур тузилманинг тобора халқчил тизимга айланаётганини амалда исботлайди.

Маҳаллалардаги банд бўлмаган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида ёшлар учун «Тадбиркорлик сирлари» семинар-тренинглари мунтазамлик касб этган. Хотин-қизларни касб-хунарга тайёрлаш учун ўтказилаётган «Бизнес саёҳат»лар сабаб оқиллар ишбилармонликка кўркмасдан қўл уришмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳам ҳамisha эъ-

тибор макрзиде. Йўналишдаги ишларни жонлантиришда, аввало, ишсизлик даражаси юқори бўлган туманлар учун алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

«Ҳар бир оила — тадбиркор» ва «Yoshlar kelajagimiz» давлат дастурлари доирасида белгиланган вазибаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастури доирасида ҳар битта туман ва шаҳарда 3 тадан маҳалла ва қишлоқларимизни обод қилиш тадбирлари жадал давом этмоқда.

## Ўзбекистондаги ягона тажриба

Давлатимиз раҳбари раислигида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган 21 августдаги йиғилишда Қорақалпоғистонни янада тараққий эттириш бўйича бешта устувор йўналиш белгилаб берилди. Унга кўра, sanoatни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш биринчи йўналиш қилиб белгиланди. Иккинчи устувор йўналиш тадбиркорлик гуллаб-яшнаши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашдир. Қишлоқ хўжалигида илгор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, хосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш учинчи устувор йўналиш этиб белгиланди. Тўртинчиси — ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш. Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш эса бешинчи устувор йўналиш сифатида эълон қилинди.

## Бардавом қўшиқ

Қорақалпоғистон Республикасидаги ўзгаришлар ҳақида сўз юритиб, бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Аслида шундай дорилмомон онларни бизга мустикалик ҳаёда этди.

Нукус ва Зарафшон шаҳарлари яқинида шамол электр станциялари қурилади.



**И**нсон учун ўз Ватанида яшамоқ, унинг қорига ярамоқликдан юксак бахт йўқ. Шукрки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида меҳнат қилаётган фаолларга ана шундай бахт nasib этган. Биз ҳар куни халқ ичида, эл орасида бўлаемиз. Ватандошларимизнинг дарду қайғуси, қувончларига тенг шерикмиз. Юртимиздаги ўзгаришлар, ислохотларнинг айна бошида турамиз. Зеро, ҳар қандай ўзгариш, ислохот, аввало, маҳалладан бошланади. Айниқса, кейинги йилларда аҳолига қулайликлар яратиш, узок вақт давомида тўлланиб қолган муаммоларни ҳал этишда маҳалла тизимининг ўрни кенгайиб бораётгани қувонарли ҳол.



**Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Андижон вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.



# Андижонни озод ва обод мамлакатнинг олмосидек тиниқ равшан кўрамиз

## Бунёдкорлик кўлами кенг

Кейинги йилларда Андижонда бўлган ўзгаришлар салмоқли. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимизда «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла» ва «Обод марказ» дастурлари доирасида 254,2 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. «Обод кишлоқ» дастурига тушган 42 та маҳаллада таъмирлаш ва ободлаштириш ишлари 2019 йилнинг 1 октябрга қадар якунланади. Аниқроқ айтганда, 1 сентябрга — 9 та, 10 сентябрга — 2 та, 15 сентябрга — 4 та, 20 сентябрга — 6 та, 25 сентябрга — 5 та ва 30 сентябрга — 16 та маҳалла фуқаролар йиғини қайта қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Мухтарам Президентимизнинг таклифи билан «Обод туман маркази» дастурига тушган Марҳамат шаҳри аҳолисининг қувончи чексиз. Тан олиш керакки, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида анча оқсаб қолган. Бугун бу ерда «Обод марказ» дастури лойиҳаси асосида 300 миллиард сўм ҳажмда бунёдкорлик ишлари олиб борилляпти. 15 қақиримга чўзилган Асака — Марҳамат магистрал йўли кенгайтирилиб, кўчалар ободлаштирилмоқда. Бекатлар, зиёратгоҳлар, кўнгилочар масканлар қад ростляпти.

## Туризм — аҳоли даромадини оширишнинг самарали услуби

Шу йилнинг 16 май куни яна бир тарихий воқеа юз берди. Юртбошимиз Марҳамат туманидаги Мингтепа археологик ёдгорлигини ободлаштириш ва унинг базасида туризм маскани ташкил этиш тўғри-

сидаги 55 миллиард сўмлик лойиҳани кўлаб-қувватлади. Бугун амалга оширилаётган ишларни кузатиб, ишонч билан айтиш мумкинки, теъ орада Мингтепа водийнинг марваридига айланади.

Дарҳақиқат, бор-йўғи бир йил аввал вилоятда ўн та туроператорлик фирмаси мавжуд эди. Жорий йилнинг олти ойида улар сони 17 тага етди. Бир пайтлар Андижон шаҳрида атиги учта меҳмонхона бўлса, уч йил мобайнида кунига 955 нафар сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга 17 та меҳмонхона ишга туширилди. Бунинг натижасида ярим йилликда 93 минг сайёҳ вилоятнинг диққатга сазовор зиёратгоҳларини томоша қилиш имкониятига эга бўлди. Маълумот ўрнида шунга айтиш керакки, йил охирига қадар уларнинг сони 300 минг нафарга етиши кутилмоқда. Шулардан 25 минг нафари хорижий меҳмонлардир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қурилиб, кейинчалик ўз холига ташлаб қўйилган «Хонобод» сихатгоҳи атиги бир йилда, яъни 2018 йилнинг 11 июлда қадди-бастини тиклади. Денгиз сатҳидан 850 метр баландликда, 10,5 гектарли кўркам чаманзор бағрида жойлашган бу сихатгоҳ чин маънода давлатимиз раҳбарининг андижонликларга тухфаси бўлди. Ҳозир Хонобод шаҳрида

бирварақайига 3 минг сайёҳни қабул қилувчи минг дона дам олиш уйлари қуриляпти.

## Мундузнинг кечалари кундуз бўлди

Бир пайтлари Мундуз деб аталмиш манзилдан кечаси одам юришга юраги бетламас эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан эндиликда бу ҳудуд Андижон вилоятининг энг обод ва гавжум, кўркам ва файзли гўшасига айланди. Бир йил ичида баҳаво ва сўлим табиат қўйнида 700 та арзон уй-жой қуриди. Шу йилнинг 10 октябрга қадар бу рақам яна шунчага кўпайишини тасаввур қилиб кўринг.

Фақат бугина эмас, Мундуз массивида барча қулайликларга эга автомобиль бозори қурилиб, яқинда фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, Андижондан Хўжаобод туманига қадар йўлга рангли электр ёриткичлар ўрнатилиб, тунда ҳам кундузгидай чаро-

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

14 метрли байроқ Андижон узра ҳилпирай бошлади. 2019 йилнинг 29 август куни Андижон шаҳрининг эски шаҳар ҳудудидаги хиёбонга баландлиги 63 метрли махсус устуннинг чўққисига узунлиги 14 м, эни 7,5 м, оғирлиги 33 кг.ли юртимиз байроғи ўрнатилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанادا Фуқароларнинг мувофиқлаштириш бўйича Андижон вилояти Кенгаши раиси Шухратбек Абдураҳмонов нутқ сўзлади. «Андижоннинг 3 млн. дан ортиқ халқини ягона мақсад, ягона ғоя ва давлат байроғи бирлаштиради. Уни янада юксалтириш, мамлакат доврўғини ошириш, бунёдкор халқимизнинг жонажон ўзбекистонимизга бўлган фахр-ифтихор туйғулари элларга улашишдан чарчамайлик», деди у.

гонлаштирилди. Андижоннинг оғрикли нукталаридан бири четта маҳсулот чиқариш ҳажми камлиги эди. Мана, уч йилдирки, мамлакатимизда тadbиркорлик фаолиятига кенг йўл очилгани, ишбилармонлар манфаатлари қонун асосида қатъий химоя қилинаётгани, хорижга маҳсулот чиқариш рағбатлантирилаётгани туфайли бу жаҳада ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Биргина Хўжаобод тумани энгил саноатчилари Марказий Осиё ва Европанинг 36 та мамлакатини кийим-кечак билан таъминляпти. Ҳозир «Samon», «Барчиной», «Ал Ҳаким», «Фазо-М», «Нил-Гранит» каби хусусий корхоналарнинг ўнлаб

савдо уйлари Россия, Украина, Беларусь, ҳаттоки АҚШда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Шунинг баробарида, қўшма корхоналар сони ҳам ортиб борапти. Бугунги кунда 262 та қўшма корхона ишлаб турибди. Улар жорий йилнинг биринчи ярмида 131 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилдилар.

## Хулоса ўрнида

«Кимки ўз юртини севмас, у ҳеч кимни севолмайди» дейишади. Ҳақ гап. Зотан, салокатнинг энг ноёб жасуриликлари Ватанга муҳаббатдан туғналади. Хулоса шундай, андижонликлар ўз гўшасини қоракдан севгани, севганидан қувониб бунёдкорлик ишларига бел боғлашгани учун ҳам биз Андижонни озод ва обод мамлакатнинг олмос ёдусидай тиниқ рангда кўриб турибмиз.

## ДАРВОҚЕ...

Андижонликлар кишлоқ ҳўжалигининг истикболи кластерларга боғлиқ эканини англаб етган. Президентимизнинг ташрифидан кейин бу йўналиш бўйича кенг камровли тadbирлар рўёбга чиқарилмоқда. Жорий йил вилоятда 5 та мевасабзавотчилик кластерини ташкил қилиш режалаштирилган эди. Шу кунга қадар Андижон туманида «АГРОПРОДУКТ ЭКСПОРТ» МЧЖ, Жалақудук туманида «АЛ + АСАНБЎЙБЕК БОҒИ» номли кластерлар иш бошлади. Уларга 39 гектар ер ажратилиб, юзга яқин фермер ҳўжаликлари бириктирилди. Йил охирига қадар Олтинкўл туманида «Намуна серхосил ери», Булоқбоши туманида «Даврон», Кўрғонтепа туманида «Голден сеег преммум» фермер ҳўжаликлари базасида йирик кластерлар иш бошлайдилар.

«Қамчиқ» довоида янги ҳарбий шаҳарча фойдаланишга топширилди.



**Ахрор ГУЛОМОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини  
ўзи бошқариш органлари  
фаолиятини  
мувофиқлаштириш бўйича  
Бухоро вилояти кенгаши  
раисининг биринчи  
ўринбосари.

Бухорода Мустақиллик байрамининг асосий тантаналаридан бири Қорақўл туманида бўлиб ўтди. Савол туғилади: нега Қорақўл? Байрам қилиш учун шаҳарга яқинроқ эмас, айнан чегара туманлардан бирига бориш керак? Сабаби оддий, бу йил Қорақўлда олиб борилган ўзгаришлар, туман марказининг буткул қайта қурилиши нафақат ушбу туман, балки бутун вилоят ҳаётида ҳам ўзига хос ҳодиса бўлди.

Мухтарам Президентимиз жорий йил 29-30 март кунлари вилоятимизга ташрифлари чоғида анчадан буён қаровсиз қолган, инфратузилма ва хизмат кўрсатиш сифати паст бўлган Қорақўл тумани маркази бош режасини Мирзачўл тумани мисолида ишлаб чиқиш борасида топшириқ берган эдилар.

Ана шундан сўнг ўтган беш ой мобайнида туман маркази улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Ҳар бир объектнинг буюртмачиси, пудратчиси, қурувчилари, олиндирилган иш ҳақлари аниқ бўлди.

Қисқа муддатда туман маркази таниб бўлмас қиёфлага кирди. Йўللар асфальтланди, ичимлик сув таъминоти барқарорлаштирилди. Кўчаларнинг тунги кўринишига ёруғлик инди. Энг асосийси, туман марказида йигирмадан ортиқ йирик, замонавий лойиҳадаги иншоотлар барпо этилди.

Янгидан қурилган амфитеатр, Хотира майдони, маданият саройи, Давлат хизматлари маркази, «Агробанк», «Халк банки», Кадастр идораси, буткул қайта чирой оingan мактаб, тиббиёт коллежи, бозор, тиббиёт маркази... Ҳар бири туман мезморий қиёфасига буткул янги кўриниш билан тараққиёт шуқухини олиб қирган, қорақўлликлар шу вақтгача фақат орзу-сидагина тасаввур этган ушбу биналар умумлашиб, шаҳарчанинг уйғун қиёфасини вужудга келтирди.

Албатта, бу ўзгаришларнинг барчаси туман маҳаллаларида яшовчи кишиларга ўзгача байрам шуқухини тортиқ этди. Аммо шу кунги Қорақўл ма-



## Ўзгаришлар орзуларни ҳақиқатга айлантирди

ҳалла тизими фаоллари икки қарра байрам қилди. Ахир ўша мажмуа таркибида туман маҳаллалар кенгаши, «Хўжалар» маҳалла фуқаролар йиғини, Аёллар ижтимоий мослашув маркази ҳамда кутубхонани ўз ичига қамраган туман маҳалла маркази мажмуаси ҳам бор эди-да!

Бу каби бунёдкорлик ишлари вилоят ҳаётининг узвий қисмига айланиб қолди. Хусусан, пойдевори ташланган Вихого City, қурилиш ишлари якунланаётган, Марказий Осиёдаги энг йирик савдо маркази, 36 та обод қишлоқ, Бухоро шаҳрида қурилаётган 200 дан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар, Универсал спорт мажмуаси, шунингдек, хусусий секторда барпо этилаётган 500 га яқин йирик объектлар яратувчан халқнинг бунёдкор қайфиятидан далолат бермоқда.

### Қулай шароит – самарали меҳнат кафолати

Жамият бошқарувининг бир неча минг йиллик синовларидан ўтган маҳалла институти бугун ҳудудларда аҳоли ман-



журитиши, биринчи навбатда, яратилган шароит билан баҳоланади. Мазкур мақсадда мухтарам Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони фуқаролар йиғини фаолиятини янги босқичга кўтариш, моддий-техник базасини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Президентимизнинг баҳор ойларидаги ташрифлари чоғида мазкур фармон асосида янгидан бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган «Тараққиёт» маҳалла марказини кўздан кечирган ҳамда маҳалла тизимини ривожлантириш, ушбу соҳа моддий-техник базасини яхшилаш борасида тегишли кўрсатмаларни берган эдилар.

Мазкур топшириқлар ижроси ўларок, энг улуғ ва энг азият байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилган вилоят маҳалла маркази эса маҳалла тизими ходимлари учун энг катта байрам совғаси бўлди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла»

хайрия жамоат фонднинг 2,5 миллиард сўмга яқин маблағи эвазига барпо этилган мазкур иншоотдан ўрин олган иш кабинетлари, мажлислар зали, спорт хонасида вилоят ҳамда Бухоро шаҳар кенгашлари мутахассис-ҳодимларининг му-

носиб ишлашлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Шунингдек, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» лойиҳалари доирасида 25 та маҳалла идораси янгидан

гектардан иборат сунъий ҳовузда балиқ парваришланмоқда. Улар орасида соҳада янги инновацион технологияларни татбиқ эта олган «Бухоробаликсаноат» маъсуляти чекланган жамияти алоҳида ўрин тутади.

Жамиятни соҳанинг ўзига хос кичик кластери ҳам дейиш мумкин. Боиси, мазкур корхонада балиқ етиштириш билан боғлиқ жараёнлар узвий, яъни ягона технология занжир асосида боғланган.

Корхонада маҳсулотни тозалаш, қисқа муддатга музлатиш ва 200 тонна синимга эга со-

вувтиқларда узок вақт сақлаш учун махсус цехлар ҳам фаолият кўрсатади. Шунингдек, бу ерда балиқни қайта ишлаш, яъни дуллаш технологияси ҳам мавжуд. Хуллас, маҳсулот бозорга музлатилган ва тайёр маҳсулот ҳолида чиқарилади. Агар инкубациядан чиқарилган 60 миллион чавокнинг 48 миллиони шартнома асосида турдош хўжаликларга етказиб берилиши назар-

да тутилса, корхона кўшимча даромад манбаига эга бўлади.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида умумий майдони 56 минг гектар бўлган 8 та табиий кўл ва битта сув омбори, 1 минг 600 гектар сунъий ҳовузларда балиқ етиштириш йўлга қўйилган. Жорий йилда улардан ўтган йилга нисбатан деярли икки баробар кўп, аниқроғи, 8,6 минг тоннадан зиёд маҳсулот олинishi кўзда тутилган. Бунда балиқчилик хўжаликлари давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Бухоро вилоятида балиқчиликни ривожлантириш лойиҳаларига 2018-2019 йилларда 100 миллиард сўм миқдорда кредит маблағи ажратилгани ҳам соҳа истиқболига хизмат қилмоқда.

### БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони асосида вилоятдаги олтита туманда замонавий «Маҳалла маркази» мажмуалари фойдаланишга топширилди. Йигирма иккита фуқаролар йиғини биноси қуриб битказилди. Элликка яқин маҳалла идораси эса замонавий кўринишда мукамал таъмирланди. Барча фуқаролар йиғини замонавий компьютерлар билан таъминланди. Шаҳар ва туман кенгашлари бошқаруви раислари учун хизмат автомашиналари ажратилди.**

қурилиб, 14 та идора капитал таъмирланмоқда.

### Бухорода балиқчилик ривожланади

Табиий сув ресурслари нисбатан тақчил бўлгани учунми, Бухорода ушбу маҳсулотдан тайёрланган овқатлар тансиқ таом сифатида тортилади. Айнан минтақа аҳолиси овқат рақсониди балиқ маҳсулотлари камлиги боис, бўжук касаллигига чалиниш даражаси юқори бўлиб қолмоқда.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида мазкур соҳани янада ривожлантиришга оид кўрсатмалари эндиликда дастурхонларимизда балиқ маҳсулотлари тўқинлигини таъминламоқда.

Бугун вилоятда 240 та фермер хўжалиги ва бошқа субъектларга қарашли 1 минг 600

### ДАРВОҚЕ...

– Вилоятда 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастури доирасида жами 14,6 трлн. сўмлик 615 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бугунги кунда 208 та лойиҳа ишга туширилиб, 4 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

– Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда канализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 65,6 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бунинг натижасида 337 км. сув тармоқлари, 22,2 км.лик оқова тармоқлари фойдаланишга топширилди.

– Вилоятнинг барча туманларида 242 та кўп қаватли уй-жойлар қурилди. Биргина, Бухоро шаҳрида 420 та оилага мўлжалланган 10 та 7 қаватли тураржой биналари фойдаланишга топширилди.

фаатларини химоя қилувчи, соғлом муҳитни қарор топтириб, ёшлар, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширувчи тузилма сифатида ўзини намойён этмоқда.

Албатта, ҳар қандай тузилманинг самарали фаолият

Президент қарори: Ўзбекистонда Ёшлар академияси ташкил этилди.



# Дахлдорлик туйғуси билан яшаш — ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи

**Б**у йил Ватанимизда мустақиллигимизнинг йигирма саккиз йиллиги «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» бош ғояси остида нишонланмоқда. Ўзбекистон аталмиш шу буюк Ватанга халқимизнинг муҳаббатини ифодаловчи бу эзгу шиор ҳар бир хонадонга, ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз ғурур, фахр ва ифтихор бағишлаётгани бор ҳақиқат. Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда охириги уч йил давомида асрларга татиғулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Улуғвор ўзгаришлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари қиёфасида яққол кўзга ташланади.



**Абдумажид САТТОРОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Жиззах вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

## Бунёдкорликнинг шиддатли одими

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг январь ойи сўнгида вилоятимизга ташрифи чоғида худудни ривожлантиришга оид муҳим вазифаларни белгилаб берганди. Бугунги кунда шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда кенг миқёсли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. «Илгор худуд» синов лойиҳаси, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» дастурлари натижасида Жиззахдаги барча шаҳар ва туманлар қиёфаси кўркамлашаётган.

Дарҳақиқат, узок йиллар туман марказларининг инфратузилмаси тараққиёт мезонларидан анча орқада қолиб кетганди. Бугун барча туманларнинг маркази бутунлай кайтадан барпо этиляпти. Бундан 50-60 йил аввал гуваладан кўтарилган бинолар бузиб ташланиб, ўрнига кўп қаватли замонавий иморатлар қурилмоқда.

Ўзгаришлар нафасини, айниқса, Арнасой туманида яққол сезиш мумкин. Худуддаги 41 та кўп қаватли уй таъмирлангани, ўнлаб савдо, ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушгани, ичимлик суви, электр, газ, оқова сув тармоқлари янгилангани айни шундан дарак беради. Эътиборлиси, одамлар нафақат шароити қулай уйларида яшаётгани, балки иш жойларига ҳам эга бўлаётган.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан қатор иншоот ва ишлаб чиқариш объектилари фойдаланишга топширилгани туман аҳлига байрам кайфияти улашди. Хусусан, мато ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Атмасой gold teks» масъуляти чекланган



жамиятининг ишга туширилиши кўлаб одамларнинг бандлигини таъминлади. Йилига 50 миллион АҚШ долларига тенг қийматда маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонага дастлабки босқичда 800 нафар ишчи олиши, кейинчалик иш ўринлари сонини 1200 тага етказиш кўзда тутиляпти. Маҳсулотлар Туркия, Россия, Германия ва Осейнинг қатор давлатларига экспорт қилинади.

Туман ахборот-кутубхона марказининг очилиши ҳам қатта янгиллик бўлди. 50 минг дона китоб, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш имкониятига эга кутубхонани Президентимиз томонидан илгари сурилган

5 та муҳим ташаббусдан бирининг ижроси сифатида баҳолаш мумкин. Яна бир янгиллик — ўтган вақт давомида туман маданият маркази биноси ҳам капитал таъмирдан чиқарилиб, кўркам қиёфа касб этди.

Жиззахнинг энг чекка худуди ҳисобланган Янгиобод тумани — чин маънода янгидан обод бўлаётган. Жумладан, кенг қўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари натижасида туман марказидаги «Баркамол авлод» кўчаси таниб бўлмас қиёфага кирган. Айниқса, туман марказига олиб келувчи йўлга 5,0 км. икки томонлама асфальт ётқизирилиб, йўл четига янги бетон ариқлар ҳамда пиёдалар учун йўлаклар қилинаётгани эътиборга сазовор. Қолаверса, лойиҳа қиймати 500 млн. сўмга тенг бўлган ичимлик сув тармоқлари барпо этилмоқда. Шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, жумладан, «Yoshlar mehnat guzari», мехмонхона, 1 та ҳаммом, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳамда савдо дўконлари қурилиши ҳам туманнинг қиёфасини ўзгартириши шубҳасиз.

Булар ҳали ҳаммаси эмас, айни пайтда вилоятни илгор худудга айлантиришга қаратилган талбирлар қизгин давом этмоқда. Энг асосийси, бунёдкорлик хисси одамлар кўнглига кўчгани кишини қувонтиради.

## Маҳалланинг юксалаётган мақоми

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида маҳалла

## ДАРВОҚЕ...

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини янада мустақамлаш Кенгашнинг доимий эътиборида. Ўтган йили 70 та маҳалла фуқаролар йиғини замонавий мебель жиҳозлари, 40 таси эса компьютер жамланмалари билан қайта таъминланган эди. Шу йилнинг ўтган даврида эса янги мебелларга эга бўлган маҳаллалар сони 40 тани, компьютер олган маҳаллалар эса 25 тани ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даврида 7 та фуқаролар йиғинининг бинолари мукамал таъмирланди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Жиззах шаҳри, Ғаллаорол ва Зарбдор туман кенгашларига барча қўлайликларга эга бўлган бинолар қуриб берилди.

институтининг ўрни ва аҳамияти мислсиз даражада ортди. Буни маҳалла фуқаролар йиғинларининг қундалик ҳаётий муаммоларини, ижтимоий-иқтисодий масалаларининг жойида ҳал этилаётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Олдимизда турган муҳим вазифалар орасида ҳам таъминланган ижтимоий химояга муҳтож, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш алоҳида ўрин тутди. Ўтган йили 812 нафар ана шундай фуқарога моддий ёрдам берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида меҳр-мурувватга муҳтож, яқса-ёлғиз қариқлар, ногиронлар, шунингдек, тибий офатдан жабр кўрганлардан 640 нафарига 179 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

## Хулоса ўрнида

*Мамлакатимизда кечаётган шиддатли ўзгариш ва янгиланишларга ҳамқадам бўлиб фаолият юритиши — юрт тақдирига ўзини дахлдор деб билган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи. Давлатимиз раҳбари олга суратлаган улуғвор ғоя ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиши барчамиздан юртга муҳаббат ва садоқат, фидокорлик, эсонқўрликни талаб этади, зиммамизга улкан масъулият юклайди. Zero, Ватан тараққиёти йўлида бирлашиб ҳаракат қилсак, бу борада қийинчилик ва мушкулотлардан ўзимизни олиб қочмасак, қўзлаган эззу мақсадларимиз рўёбга чиқиши аниқ.*

1-синф ўқувчилари учун бериладиган «Президент совғаси» сифати янада яхшиланди.



**Мухохон АППАҚОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари фаолиятини  
мувофиқлаштириш бўйича  
Наманган вилояти кенгаши  
раисининг биринчи ўринбосари.

Мухтарам Президентимизнинг шу йил 28 февраль — 1 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи доирасида «Обод марказ» дастури ишлаб чиқилган эди. Унинг дастлабки натижалари сифатида яқиндагина Наманган ҳамда Норин туманларида ўтказилган тақдирот катта шодиёнага айланди. Мустиқилликнинг йигирма саккиз йиллиги тантаналари арафасида Тўрақўрғон ҳамда Поп туманлари марказлари ҳам бутунлай янгича киёфа касб этди.

Энг аввало, дастур доирасида аҳоли хонадонларидан тортиб, ижтимоий объектларгача замонавий кўринишга келтириляётгани, йўллар кенгайтирилиб, электр ҳамда тоза ичимлик суви тармоқлари янгидан тортиляётгани, савдо ва маиший хизмат шохобчалари сони ортиб, қўшимча иш ўринлари яратилаётгани эътиборга молик. Хусусан, биргина Наманган тумани маъмурий маркази Тошбулок шаҳарчасида «Обод марказ» дастури асосида таъмирланган, реконструкция қилинган ва янги қурилган жами 209 та ижтимоий ва иқтисодий, маданий ҳамда инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилган бўлса, бошқа туманлардаги ишлар ҳажми ҳам кам эмас. Масалан, Поп тумани марказида янги «Хотира хиёбони» кад ростлади, зиёрат туризми объектларидан ҳисобланган Ҳазрати Боб Фарғоний кадамжоси мукамал реконструкция қилинди. Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Очиг осмон остида болалар дам олиш маскани ва «Экопарк» туман аҳолиси ҳамда ёшлар учун ўз бағрини очди.

### ДАРВОҚЕ...

«Обод марказ» дастури доирасида Наманган вилоятида 601 та объект қурилиши режалаштирилган. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари учун бюджет, «Обод марказ» ҳамда маҳаллий маблағлар ҳисобидан 1 триллион 388 миллиард 391 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланади.

Тўрақўрғон туманида ижтимоий соҳада 10 та, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш йўналишида 31 та, умумий ҳисобда 79 та объект фойдаланишга топширилди. Айни пайтда Уйчи, Янгиқўрғон, Чортоқ ва бошқа туманларда ҳам кенг кўламли ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Рўйи рост айтиш керак, бугунги кунда «Обод марказ» лойиҳаси доирасида олиб бориляётган оммавий ободонлаштириш, янги лойиҳа асосида замонага монанд қурилиш-таъмирлаш ишлари аҳоли томонидан мамнулик билан кутиб олинмоқда.



## Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...

### Истиқдолнинг йигирма саккиз йиллиги арафасида Наманганда яна иккита туман маркази обод бўлди

#### «Афсоналар водийси» яратилмоқда

Хар бир худуднинг ўз истироҳат боғи мавжуд. Айниқса, Чуст, Чортоқ, Уйчи, Янгиқўрғон, Косонсой туманларида яратилган бундай гўшалар узок тарихга эга. Эътиборлиси, улар бугунги кунда ҳам аҳолига муносиб хизмат кўрсатиб келмоқда.

Юртбошимиз жорий йил 1 март кунини ҳам вилоятга ташрифи чоғида айнан «Наманган истиқдол боғи» маданият ва истироҳат боғи мажмуасидаги бунёдкорлик жараёни билан яқиндан танишганлари бежиз эмас. Зеро, 110 гектар майдонни камраб олган ушбу боғда очик ва ёпик сузиш ҳавзаси, худди шундай мини стадион, муз саройи, тўрт юлдузли меҳмонхона, 28 та йирик аттракцион, эртақлар шаҳарчаси, савдо мажмуалари ҳамда шохобчалари, кутубхона ва интернет-кафе, боулинг ва фитнес клублари, тўрт қаватли замонавий автотурагоҳ, хунармандлик маркази, амфитеатр, аквапарк каби иншоотлар жойлашади. Ўзига хос ландшафтга эга бўлган худудга ноёб манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилиб, ботаника боғи барпо этилади.

Туркиянинг «DOME+PARTNERS» компанияси лойиҳаси асосида қуриляётган мажмуанинг умумий қиймати 12 миллион доллар ва 116 миллиард сўмни ташкил этади. Ҳозирга қадар мажмуанинг биринчи босқичи ишга тушди. Хусусан, ёнги амфитеатрда турли оммавий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Тўла фойдаланишга топширилган, бу ерда 500 га яқин янги иш ўринлари яратилди, мазкур дам олиш ва кўнгличар маскан йилига 100 минг кишига хизмат кўрсатади.

#### Нанай — тоғлар орасидаги инжу

Наманганда туризмнинг барча йўналишларини сердаромат тармоққа айлантириш учун имконият, шароит бор.

Шу боис охириги 2-3 йил ичида вилоятда айни соҳани ривожлантиришга эътибор кучайди. Айниқса, вилоятнинг шимолий қисмида жойлашган баҳаво Наманай қишлоғида замонавий туристик мажмуа барпо этиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Наманай — Наманган шаҳридан 80 чақирим олинса, Чотқол тоғ тизмалари этағида жойлашган. Янгиқўрғон туманидаги ушбу аҳоли масканининг «Намуна», «Зарбдор», «Дўстлик», «Қайроқи», «Сойбўйи» каби ўн икки маҳалласида 30 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бир вақтлар сайёҳлик ва дам олиш масканлари, болалар оромгоҳлари билан донг таратган қишлоқ Қирғизистон билан чегарадош бўлгани, чегара худудларидаги ўзига хос мураккаблиқлар туфайли мавқени йўқотаёзганди. Президентимизнинг, аввало, яқин кўшнилари билан дўстона муносабатларини яхшилаш, савдо-иқтисодий, маданий, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш борасидаги сазй-ҳаракатлари билан Наманай қишлоғи яна эътиборга тушди.

Наманай кичик туризм маркази 27,9 гектар майдонда барпо этилиши режалаштирилган. Марказ таркибига 251 ўринли тўрт юлдузли ва 549 ўринли беш юлдузли меҳмонхона, 4000 ўринли киши ва ёнги томошалар зали, кўрғазмалар маркази, хунармандлик устaxonалари, шунингдек, катор кўнгличар иншоотлар киритилган. Наманай туризм маркази эса 14,5 гектар худудда жойлашиб, унда иккита беш юлдузли меҳмонхона, 549 кишига мўлжалланган устки нафас йўллари ва диабет касалликларини даволаш снхатгоҳи, 78 та вилла-меҳмонхоналар, замонавий савдо

#### МАВЗУТА ОИД МАЪЛУМОТ:

Президентимиз ўтган йилнинг 2-3 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида Наманган шаҳрида янги барпо этиляётган «Наманган истиқдол боғи» маданият ва истироҳат боғи мажмуасида амалга ошириляётган қурилиш жараёнини бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари нафақат вилоят, балки мамлакатимизда бекиёс бўлиши кўзда тутиляётган мазкур мажмуани сифатли ва хавфсиз барпо этиш бўйича зарур маслаҳат ва тавсиялар берди, маданий ва истироҳат боғига «Afsonalar vodiysi» номини беришни таклиф қилди. Ана шу ташрифдан сўнг бу ердаги бунёдкорлик ишлари янада жонланди. Зеро, лойиҳа бўйича мажмуада маҳаллий аҳоли ва вилоят меҳмонлари, хусусан, ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказишга хизмат қиладиган инфратузилма объектлари барпо этилиши кўзда тутилган.

маркази, ресторан ва кафелар, тоғ дор йўли сингари иншоотларни барпо этиш кўзда тутилган.

Шу кунларда мустиқилликнинг йигирма саккиз йиллиги «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» бош гоёси остида кенг нишонланмоқда. Байрам арафасида тўйга тўёна сифатида фойдаланишга топшириляётган кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари, янги иш бошляётган тадбиркорлик субъектлари — буларнинг барчаси одамларга қўшалок байрам шукуҳини бағишляпти.



# Зафарли одимлар нурга йўғрилган



**Нормурод ИСОҚОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

## Мамлакатнинг энг йирик корхонаси

Навоий вилояти азалдан саноат шаҳри сифатида ном қозongan. Истиклол йилларида вилоятнинг саноатлашган иқтисодий барқарор ҳудуд сифатидаги мақоми кучайса кучайдики, аммо сусаймади. Зеро, бундан йигирма саккиз йил аввал, истиқлолнинг илк даврларида айрим навоийликлар «энди шахримиздаги саноат корхоналарининг тақдирини нима бўлади, «марказсиз йўқ бўлиб кетмайдими?» деган шубҳага боришганди. Орадан ўтган муддат бу хавотирнинг мулғоқ ўринсизлигини кўрсатди.

Ақсинча, вилоятдаги саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми янада ортди. Хусусан, йирик саноат корхоналари — Навоий металлургия комбинати ҳамда «Навоийазот» АЖ модернизация қилиниб, замонавий технологиялар билан таъминланган ҳолда нафақат республика, балки Марказий Осиёдаги энг салмоқдор ишлаб чиқариш манзилга айланди.

Президентимиз томонидан комбинатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рангли ме-

талнинг 85 фоизи комбинат хиссасига тўғри келяпти.

Навоий вилоятидаги «Навоийазот» АЖ ҳам ана шундай катта саноат корхоналаридан бири. Мазкур корхонада кишлоқ хўжалиги, нефть-газ тармоғи, энергетика ва тоғ-кон саноати эҳтиёжи учун 70 турдан зиёд махсулот ишлаб чиқарилади. Ҳозир ушбу корхонада босқичма-босқич модернизация ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу йирик саноат корхоналари Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта аҳамият касб этади. Хусусан, вилоят аҳолисининг катта қисми ушбу саноат корхоналарида фаолият юритади. Бир сўз билан айтганда, уларнинг фаолияти кенгайиши Навоий вилоятининг саноат шаҳри мақоми янада оширади.

## «Нур» чашмаси янада нурланмоқда

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда Навоий вилоятига ташрифи чоғида табарруқ қадамжолардан бири Чашма зиёратгоҳида бўлиб, мажмуа атрофини кенгайтириш ва ободонлаштириш, сайёҳлар учун замонавий меҳмонхона қуриш юзасидан кўрсатмалар берган эди.

Шунга кўра, ўтган йили бу ерда эллиқ ўринли «Нурота»

меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Манзарали бута ва дараклар экилиб, фаввора бунёд этилди. Зиёратчилар хордик чиқариши учун сўри ва ўриндиклар ўрнатилди. Музей биноси, Хунармандчилик марказини барпо этиш давом этмоқда.

Шунингдек, мажмуа ёнида яна зиёратчи ва чет эллик сайёҳлар учун қулайликлар яратиш, кўрсатилган хизмат турларини ошириш мақсадида саксон ўринли меҳмонхона қуриляпти. «Чилустун» ва «Панжвакта» масжидлари ҳамда Абдул Ҳасан Нурий макбараси реконструкция қилинаётир.

## Манзил обод, кўнгил шод

Мамлакатимизнинг бой ва қадимий тарихидан маълумки, аждодларимиз томонидан маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш энг бебаҳо қадрият ва анъаналардан хисобланади. Миллийлигимиз бардавомлигига йўл очган истиқлол туфайли бугун юртимизда халқимизга хос энг эзгу амаллар ўз ҳаётии ифодасини топтоқда. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари шулар жумласидан.

Биргина «Обод кишлоқ» дастури доирасида Нурота туманининг Чуя ва Сойкечар, Хатричи туманининг Хўжақўрғон, Қизилтепаннинг Малиқобод, Хўжаҳасан, ҳамда Тошрабод, Кармана туманининг Ҳазора ва Жалойир кишлоқлари бутунлай янгича киёфа касб этди. Шунингдек, Учқудук, Қонимех, Томди туманларидаги энг чекка овуллар обод манзилларга айланди.

Президентимизнинг 2017 йил 29 сентябрдаги

«Навоий вилоятининг Томди, Учқудук, Нурота тумани ҳамда Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори биз, чўл худуди аҳолисига янгича ҳаёт бағишлади. Қарорга биноан, тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида солиқ имтиёз-

— сунъий кон айлантириш аппарати ёрдамида операция қилинди. Бу Италиянинг «Сорин» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган жиҳоз бўлиб, бутун дунё тиббиёти мураккаб юрак жарроҳлик амалиётида ана шу аппаратдан фойдаланади. У муассасага вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллий бюджетдан ортирилган маблағлар ҳисобига келтирилган.

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Мустақиллик байрами арафасида Навоий шаҳрида 216 та хонадонга мўлжалланган 7 қаватли янги уй қуриб битказилиб, ўз эгаларига топширилди.

Топшириш маросимида «Zarafshon golden group» компанияси томонидан имконияти чекланган фуқароларга ногиронлик аравачалари ва эшитиш мосламалари ҳам совға қилинди.

Яқин кунларда Навоий шаҳрида яна 4 та 327 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар, Кармана туманининг «Арғун» маҳалласида эса 120 та оила учун 1 та 5 қаватли уй-жой фойдаланишга топширилади.

## «Маҳалла»нинг янги биноси

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида янги даврни бошлаб берди. Фармонга биноан, барча вилоят, шаҳар ва туманларда маҳаллалар кенгашларининг янги бинолари барпо этилмоқда.

Айни пайтда вилоятимизда 300 дан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатади. Уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатувчи мувофиқлаштирувчи кенгашлар учун яратилган бундай шароит, албатта, маҳаллалар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юртимиз бўйлаб энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда вилоят марказидаги «Ёшлар хиёбони» ва Навбахор туманидаги «Кескантерак» маҳалласида «Ташаббуслар хиёбони»нинг ҳам тантанали очилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Шу пайтгача қўлга киритган ютуқларимиз осмондан тушгани йўқ. Халқимиз орасида юрган бир инсон сифатида айта оламани, юртдошларимиз келажакка ишонч билан баланд марраларни мўлжал олган.

## ДАРВОҚЕ...

Истиклол байрами арафасида Нурота тумани вилоят маркази билан боғловчи йўлнинг «Қорақарғ» довоми қисми қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қисқа вақт ичида бу ерда 71,5 миллиард сўмлик иш бажарилиб, йўлнинг эни 9 метрдан 15 метрга кенгайтирилди, ўткир бурилишлар баргараф этилиб, энг баланд нуқта 26,5 метргача пасайтирилди. Битта кўприк қурилиб, сой сувларини ўтказиш мақсадида йўл остида қувурлар ётқизилди.

Мақтабларга ота-оналардан ундирилаётган айрим тўловларни эркин тасарруф этиш имконияти берилди.

Самарқанд том маънода мамлакатимизнинг йирик sanoat, ilmu fan va madaniyat markazlaridan biri sanaladi. Istiqlol yillarida, xususan, s'ngti ikki yil ichida bu viloyatda ulkan u'zgarishlar, yangilaniشلar юз берди. Юзлаб замонавий иншоотлар, тиббиёт муассасалари, тураржой бинолари, кўприклар, темир йўллар, йирик sanoat корхоналари, таълим даргоҳлари қад ростлади.



Бадриддин НАСРИЕВ,  
Фукараларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари фаолиятини  
мувофиқлаштириш буйича  
Самарқанд вилояти кенгаши  
раисининг биринчи ўринбосари.

### Одамларни рози қилиш — бош вазифа

Албатта, бугун вилоятда олиб бориладиган кенг қўламли ислохотлар, қурилиш-бунёдкорлик ишларидан қўзланган пировард мақсад аниқ — ҳаётимизни ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқларимизда бирдек замонавий шарт-шароит яратиш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш.


Президентимизнинг ҳеч бир чиқши йўқки, унда давлат органлари раҳбарларининг халқимизга хизмат қилишдек энг муҳим вазифаси эслатилмас. Ҳеч бир маърузаси йўқки, унда одамларга муносиб турмуш шароити яратиш мақсади асосий ўринга қўйилмас. Халқимиз эртага ёки яқин келажакда эмас, бугун бахтли яшати керак, деган қатъий талаб, мақсад-муддао ҳам ана шу даъватлар ҳулосасидир.

### Бахт-саодат қўргони

Гапни янгидан бунёд этилган, ҳар жиҳатдан замонавий деган талабга жавоб берадиган Самарқанд туманининг Қорасув массивидан бошлаб қолайлик.

Бир йил аввал бу маскан очик майдон, ҳеч бир коммуникация тизими йўқ ҳудуд эди. Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида Самарқанд шаҳри аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ўтган йили Қорасув массивидан 50 гектарга яқин ер ажратилиб, бу ерда кўп қаватли уйлар қурилиши-га киришилди. 2018 йилнинг ўзида жами 1 минг 344 та хонадондан иборат 7 қаватли 32 та арзон уй барпо этилди. Бундан ташқари, Мудофана, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари ва ёш оилаларга мўлжалланган 5 қаватли 12 та тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Албатта, шунча уй-жой қурилиб, бу ерга минглаб аҳоли кўчиб келиши ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудда таълим ва тиббиёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари, умуман, аҳоли эҳтиёжи учун нимаки зарурат бўлса, барчасини шу ернинг ўзида яратишга эътибор қаратилади. «Обод маскан» деб номланган маҳалла бугун том маънода замонавий шаҳарча қўринишини олди.



## Кўрку тароват ва фаровонлик тобора улуғворлик касб этмоқда

АЙНИ ПАЙТДА ВИЛОЯТ АҲЛИ УЛКАН ЮТУҚЛАР, ФАХР-ИФТИХОР, ҚАТЪИЙ ИШОНЧ ВА КАТТА ИШТИЁҚ БИЛАН ЭРТАНГИ КУНГА ДАДИЛ ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

### Бир йилда шунча ишни амалга оширишни тасаввур ҳам қилмасдик

Гап одамларга муносиб турмуш шароити яратиш ҳақида борар экан, Президентимиз ташаббуси билан бошланган ғоят эзгу ташаббус — «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини алоҳида қайд этиш лозим. Айнан мана шу ташаббус самарасида олис ҳудудларда яшовчи аҳолининг йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларига ечим топилди.

Жумладан, вилоятда 2018 йилнинг ўзида 29 та қишлоқдаги 94 минг аҳолига қулай турмуш шароити яратилди. 9 минг 580 та яқка тартибдаги, 13 та кўп қаватли уй таъмирланди. 25 та сув иншооти ва 94,2 км. сув тармоғи қурилиб, 145 километрли электр тармоқлари

тортилди ва реконструкция қилинди. Қишлоқлардаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланган ички хўжалик йўлларини таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, жами 319 километрли йўллар соз ҳолатга келтирилди.

Яқин йилларгача бир йилда шунча ишни амалга оширишни тасаввур ҳам қила олмасдик. Қишлоқлар аҳолисининг муаммолари йилдан-йилга, дастурдан-дастурга ўтиб келарди. Масалга реал қаралса, ресурс ва имкониятлар тўғри тақсимланса, шундай қатта ишларни ҳам бажарса бўлар экан. Бу йил вилоятдаги ҳар бир тумандан учтадан, жами 42 та қишлоқда «Обод қишлоқ» дастури асосида, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида эса учтадан — 6 та маҳаллада бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

### «Ургут» эркин иқтисодий зонасида нима гаплар?

Ургутда, умуман, вилоятда тадбиркорлик жадал ривожланаётган бўлса-да, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ишбилармонларимизнинг бу имкониятларини янада кенгайтирди. Уларнинг халқаро миқёсда ишлаши, андозани хорижга қараб олиши, бугун ва эртанги кунни ҳам халқаро бозор талабидан келиб чиқиб кўра олишига имконият яратди.

Энди рақамларга эътибор беринг. Ҳозир эркин иқтисодий зонада 62 та инвестор томонидан умумий қиймати 252,7 миллион АҚШ долларига тенг 69 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалар тўлиқ ишга туширилса, 5026 та янги иш ўрни яратилади. Йилига 358,2 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва 51,9 миллион доллар миқдоридан экспорт амалга оширилади. Ана шу рақамларнинг ўзи «Ургут» эркин иқтисодий зонасининг вилоят иқтисодиёти ва тадбиркорлик муҳитидаги

ўрнини кўрсатиб турибди.

Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида умумий қиймати 2,3 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 300 та лойиҳа тўлиқ фойдаланишга топширилди. 4 минг 367 та янги иш ўрни яратилди. Инвестиция дастури асосида айни пайтга қадар 151 та объектда 472,4 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 22 та мактаб, 8 та тиббиёт муассасаси ва 12 та ичимлик сув объектларида белгиланган ишлар якунланиб, фойдаланишга топширилди.

### Самарқанд шаҳри туристик хабга айлантирилади

Кейинги йилларда юртимизда туризмни ривожлантириш борасидаги ислохотлар туфайли Самарқандга келадиган сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг дастлабки олти ойида вилоятга 1 миллион 433 минг турист таширф бўлган. Уларнинг 227 минг нафарини хорижлик сайёҳлар ташкил этади. Ушбу рақамларни икки йил олдинги кўрсаткичлар билан қиёслаганда, туристлар оқими тўрт баробар ошганини кўриш мумкин.

Яқин йилларда Самарқанд шаҳрини туристик хабга айлантириш режалаштириляпти. Бу сайёҳ-харакатлар туфайли келаси йилларда вилоятга сайёҳлар оқими кескин ошиши шубҳасиз. Хусусан, жорий йил 510 мингдан зиёд хорижлик меҳмон келиши кутилмоқда. Икки йилда бу кўрсаткични 2 миллионга, мамлакат бўйича эса 10 миллионга етказиш мўлжалланган.

\*\*\*

Мухтасар айтганда, Самарқанд вилояти истиқлол йилларида барча соҳалардаги юқори ўсиш кўрсаткичлари билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, қудратимиз ва салоҳиятимизни янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Энг муҳими, ўтган қисқа даврда истиқболдаги тараққиёт йўлининг мустақкам пойдевори яратилди. Айни пайтда эса вилоят аҳли ана шундай улкан ютуқлар, фахр-ифтихор, қатъий ишонч ва катта иштиёқ билан эртанги кунга дадил қадам қўймоқда.

### 2019 йил давомида

— Вилоятдаги ҳар бир тумандан учтадан, жами 42 та қишлоқда «Обод қишлоқ» дастури асосида, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида эса учтадан — 6 та маҳаллада бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

— Вилоятда умумий қиймати 2,3 триллион сўм бўлган 300 та лойиҳа тўлиқ фойдаланишга топширилиб, 4 минг 367 та янги иш ўрни яратилди.

— Январ-июнь ойларида вилоятга 1 миллион 433 минг турист таширф бўлди. Уларнинг 227 минг нафарини хорижлик сайёҳлар ташкил этади.

— Инвестиция дастури асосида 151 объектда 472,4 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 22 та мактаб, 8 та тиббиёт муассасаси ва 12 та ичимлик сув объектларида белгиланган ишлар якунланиб, фойдаланишга топширилди.

— «Ургут» ЭИЗда 62 та инвестор томонидан умумий қиймати 252,7 миллион АҚШ долларига тенг 69 та лойиҳа амалга оширилмоқда.



**М**устақиллик — энг улуғ, энг азиз неъмат. Бугун биз эришган, эришажак юксак марралар, руҳ ва дил тантанаси, озод ва обод Ватанимиз манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шу боис халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини ўзгача шуқуқ, меҳр-муҳаббат, хуш кайфият билан қутиб олади. Бу йил ҳам мамлакатимизда Истиқлолимизнинг шонли санаси муносиб қарши олинмоқда. Жумладан Сирдарё вилоятида ҳам.



**Анвар ТҲҲИЕВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

Куни кеча вилоят маркази — Гулистон шаҳрининг «Боғишамол» ва «Бўстон» маҳаллалари ўртасидан ўтувчи «Дўстлик» канали устидаги кўприкда ҳар бирининг узунлиги 70 метрли, турли ранглар ҳосил қилувчи чироклар билан безатилган фаввора ишга туширилди. Фаввора атрофи сайр қилувчилар билан гавжум. Тунги вақтлари фаввора турли рангларда жилдовланиб, кишига олам-олам завқ бағишламоқда.

Дарҳақиқат, бугун Сирдарё вилояти ўзгаришлар, янгиликлар марказида. Худудда бир неча ўнлаб ишлаб чиқариш объектлари, йирик sanoat корхоналари барпо этилмоқдаки, бу ҳам бўлса 830 минг аҳолиси бўлган вилоятнинг турмуш шароитини яхшилаш, оддий одамлар ҳаётининг моддий фаровонлигини таъминлаш, юксалтириш каби эзгу максалларга хизмат қилмоқда.

«Эл ғамини билган — элда дoston», дейди до-нишманд халқимиз. Кейинги икки-уч йилда Президентимиз ташаббуси билан Сирдарё вилоятида амалга оширилган бемисл янгиликлар, халқчил ислохотларни кўриб, аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаётганини хис қилиб, беихтиёр шу мақол дилдан тилга кўчади.

**Хар бир ўзгариш маҳалладан бошланади**

Бугун Сирдарё улкан ўзгаришлар майдонига айланган. Айниқса, вилоятнинг юраги

# Сирдарёда бошланган ташаббусдан келажакка интилиш ва ишонч ортиди



**ДАРВОҚЕ...**

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон» шиори остида 3-босқичли «Энг обод маҳалла», «Энг обод кўча», «Энг обод хонадон» кўрик-танловлари ташкил этилди.

бўлимиш Гулистон шаҳри ҳақиқий гўзаллик касб этган. Биргина Гулистон шаҳридаги «Бўстон» маҳалласи худудида ташкил этилган «Буюк келажак сари» номи билан кичик шаҳарчада 5 қаватдан иборат бўлган 13 та янги уй фойдаланишга топширилди. Биноларнинг 1 қаватига ижтимоий кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган аҳолига тақдим этилди. Қолган хонадонлар ҳам узоқ муддатли имтиёзли кредитлар асосида ёш оилаларга берилди. Қурилиш ишлари ҳали давом эттирилиб, яна 10 та 7 қаватли уйлар барпо этилмоқда. Бу ерда ёш авлоднинг замонавий билим олиши учун янги мактаб ҳам қуриляпти.

Вилоятдаги 222 та фуқаролар йиғини томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, кекса авлод вакиллари ҳар томонла ма қўллаб-қувватлаш мақсадида йил бошидан буён 144 нафар яқка-ёлғиз кексаларга дори-дармонлар, 367 нафарига озик-овқат махсулотлари, 901 нафарига эса дам олиш сихат-гоҳларига бепул йўлланмалар

Фуқаролар йиғинлари ходимларининг иш жараёни учун етарли шароит яратиш мақсадида 2019-2020 йилларда 62 та маҳалла биносини таъмирлаш, 24 тасида реконструкция ишларини бажариш ҳамда 30 тасини янгидан қуриш режалаштирилган.

**Ховосим — хавасим менинг**

Неча минг йилларга гувоҳ бўлган кўхна Ховос тумани маркази бугун ана шу эътибор огушида. Бирок алоҳида қайд этиш ўринлики, Ховос шаҳарчасида охириги эллик йил давомида биронта кўп қаватли уй қурилмаган. Одамлар эски, тор, зах уйларда яшаб келган. Инфратузилма иншоотлари ҳам оғир аҳволга келиб қолган, сизот сувларнинг юқорилиги аҳоли яшаш шароитини янада ёмонлаштирди. Айни ҳолат Президент Шавкат Мирзиёев эътиборидан четда қолмай, жорий йил 19 февраль куни вилоятга ташрифи чоғида ту-

ман марказини қайта қуриш, инфратузилмани яхшилаш бўйича мутасаддиларга топшириқ берган эди. Топшириқлар ижроси доирасида айни пайтда махсус ажратилган худудда комплекс қурилиш ишлари амалга

**БАЙРАМ ТУҲФАСИ**

**Байрам арафасида Сирдарё тумани «Истиқбол» маҳалласида 120 ўринли тикувчилик фабрикаси, Гулистон тумани «Бешбулоқ» маҳалласида 125 ўринли 13-сонли мактабгача таълим муассасаси, Оқолтин тумани Алишер Навоий номи маҳаллада иккита хусусий боғча, Сайхунбод тумани «Иттифоқ» маҳалласида дорихона, савдо дўкони, «Шодлик» маҳалласида савдо маркази, «Дўстлик» маҳалласида 160 ўринли боғча, Ховос туманидаги «Бунёдкор» маҳалласида 40 та 2 сотихли арзон уй-жойлар, битта 5 қаватли тураржой, 140 ўринли янги мактаб биноси, Гулистон шаҳридаги «Аҳиллик» маҳалласида 3-сонли оилавий поликлиника, «Тараққиёт» маҳалласида битта 6 қаватли тураржой ва 600 ўринли боғча, «Навбахор» маҳалласида 600 ўринли 6-мактаб, «Намуна» маҳалласида «ВООК» кафе биноси, Ширин шаҳридаги «Бунёдкор» маҳалласида эса 160 ўринли 4-сонли боғча фойдаланишга топширилди.**

оширилиб, 30 та кўп қаватли уй қурилмоқда. Жами квартиралар сони 760 тани ташкил этиб, уларнинг 600 таси арзон, 160 таси тижорат квартираларидир. 10 та тижорат уйининг 1-қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бўлади. Шунингдек, 150 та бир қаватли уйлар бунёд этилмоқда. Уйларни жорий йил кузда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бундан ташқари, худудда ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда.

**5 та ташаббус — амалда**

Янгиликнинг, яхши гапнинг қаноти бўлади. Юртбоши-

миз вилоятга келганида воҳанинг келажакга, элимизнинг орзу-армонлари ушалишига хизмат қиладиган 5 та муҳим ташаббус ҳақида гапириб, бу Сирдарё тажрибасига, намунасига айланиши, сирдарёликлар ташаббус кўрсатиши хусусида алоҳида тўхталган ва бунга катта ишонч билдирган эди. Ташрифдан бир неча кун ўтиб, пойтахтдан бу ерга Президент туҳфаси — китоб қарвонлари етиб келди. Китоблар кишлоқ кутубхоналари, мактаблар, маҳаллалар, оилаларга кириб борди. Шаҳару туманларда элга маънавият улашилди, фарзандларимизни китобга ошно қилишни ният қилган ташаббускор, ҳиммати баланд инсонлар томонидан янги кутубхоналар, китоб дўконлари очилди.

Бешта ташаббуснинг бири — хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳам айнан Сирдарё намунасидан бошланди. Президентимиз топшириқлари асосида «Пахтасаноат» холдинг компанияси томонидан Оқолтин туманининг 4 та худудида 4 та тикувчилик корхонаси ташкил этилиб, 480 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Сирдарёда бошланган ташаббус, тажриба бугун республика бўйлаб қанот ёзмоқда. Энг муҳими, бугун сирдарёликлар аниқ мақсад билан яшамоқда. Бу ҳар бир кунни эзгу ният билан бошлаш, ён-атрофимизда, маҳалламизда бўлаётган хайрли ишларга бош қўшиш, Президентимиз ташаббусларини доим қўллаб-қувватлаш мақсадидир.

Сурхондарё вилояти — юртимизнинг ўзига хос маданият, узоқ тарихга эга ҳудудларидан бири. Икки дарё оралигини Хуросон чўлларида ажратиб турадиган воҳа Доро ва Широқ, Спитамен билан Искандар Зулқарнайн муҳорабаларига гувоҳ бўлган. Алпомишни аллалаб катта қилган. Аммо кейинги йигирма, ўттиз йил ичида воҳанинг юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни бироз пасайгандек бўлди. Ҳудудда йирик корхона ва заводлар, янги ижтимоий соҳа объектлари қурилмади. Вилоят маркази Термиз шаклан ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаги шаҳарларни эслатиб, асосан, ҳарбийлар масканига айланиб қолганди.




**Рўзимурот АБАЗОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

### Оламшумул ўзгаришлар шукухи

Сўнгги пайтларда вазият тубдан ўзгарди. Президентимиз 2018 йилнинг февраль ойида, сўнгра жорий йилнинг апрелида Сурхондарёга ташрифлари давомида вилоятнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, йирик истикболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича талаб ва тақлифлари доирасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудда оламшумул ўзгариш ва янгиликлар рўй бера бошлади. Янгидан қурилиб ишга туширилган sanoat корхоналари, сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари вилоятнинг иқтисодий қувватини, экспорт салоҳиятини, аҳолининг турмуш даражасини юксалтирмоқда.

Термиз шаҳрида етти каватли бешта замонавий тураржой биноси, қиллоқ массивларида мингдан ортиқ яқка тартибдаги ва икки каватли уйлар барпо этилгани, айниқса, уй-жойга муҳтож оилалар, имконияти чекланган шахсларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилаётди.

Одамлар орасида юриш, эл билан тиллашиш — вазифамиз. Кўпчиликнинг дардини эшитамиз. Ҳал этилиши керак бўлган муаммолар ҳали бисёр. Муаммолар устида ишланишти, туну кун тинмай изланиляпти. Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг барча ҳаракатлари шунга йўналтирилган. Одамлар ҳам буни англаб туришибди. Яқинда Узун туманидан Сафарали Исаев билан суҳбатлашганим. У 1 гуруҳ



## Агар хоҳиш бўлса, ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкин

ногирони. Оила курганига 10 йил бўлган. Икки қиз, бир ўгли бор. Шунча йилдан буён ижарада яшаб келган экан. Уй қуришга қурби ҳам, кучи ҳам етмаган. Мазкур тоифадаги фуқароларнинг ҳаётдан мамнун бўлиб яшашларини таъминлаш юзасидан Президентимизнинг топшириқларидан сўнг Узун туманида қурилган уч хонали арзон уйлардан бирига кўчиб ўтди. Икки сотих ер майдони ҳам бор. Барча шароитлар муҳайё. Ногирон йигитнинг миннатдорлигини айтмайсизми. Дардига кулоқ тутиладиган замон келганини ҳис қиляпти. Қувонарлиси, Сафарали сингари бахтини топган йигитлар, оилалар оз эмас. Улар юзлаб, минглаб. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 300 дан ортиқ оила янги уйларга кўчиб ўтди.

### Ислохотларнинг салмоғи катта, самараси беқиёс

Бу ҳали Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ислохотларнинг бир бўлаги, холос. Таълим ва тиббиёт муассасаларини ривожлантириш, кенг, раван йўллар барпо этиш, аҳолини табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашга эътибор кучайтирилиб, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилгани одамларда эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаяпти. Хусусан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 56 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, 216 мингдан зиёд аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Қиймати 48 миллиард сўмлик Хўжамайхона шифобахш суви билан Бойсун тумани аҳолисини таъминлаш лойиҳаси доирасида 15 миллиард сўмлик ҳажмдаги ишлар бажарилди. Келгуси йил бу лойиҳанинг фойдала-

нишга топширилиши тоғли тумандаги 54 мингдан ортиқ аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлайди. Хўжапояк сув таъминоти корхонасида олиб борилган реконструкция ишлари Қумқўрғон ва Қизилқум туманлари аҳолисининг тоза ичимлик сувига эҳтиёжини янада яхшилади. Энди Тўпаланг — Термиз сув қувурини тортиш бўйича йирик лойиҳа тайёрланмоқда. Вилоятдаги 483 километр яқини йўлни таъмирлашга 171 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

### Ваъда ва баҳоналар кўп бўлган эди

Термиз шаҳридаги «Темирийўлчи» маҳалласини яхши биламиз. Аввал мурожаатлар туфайли кўп бора ҳудудга борганмиз. Ҳақиқатан вазият оғир эди. Қувурлар эскириб қолгани боис 30 йилдан буён ичимлик сувининг сифати бузилган, қисқача айтганда, жўмрақлардан истеъмолга яроқсиз, соғлиқ учун зарарли сув оқарди. Боз устига, айрим кўп каватли хонадонларга сув умуман чиқмай қолганди. Сувсиз тўртинчи каватда йиллар мобайнида яшаш азобини бир тасаввур қилиб қўринг. Аммо илгари қанча баённома тайёрламайлик, тегишли ташкилотларга қанча расмий чиқишлар қилмайлик, жавоби аниқ — «маблағ йўқ» бўлган. Ўтган йили ҳудуддаги совуқ сув таъминоти тизими буткул қайта қуриб чиқилди. Эски чириб кетган қувурлар янги полиэтилен қувурларга алмаштирилди. Янги насослар

ўрнатилди. Ўнқир-чўнқир кўчаларга асфальт ётказилди. Бу ягона мисол эмас. Мисолларни келтираверсак, қоғоз етмайди. Ислохотлар жараёнида шундай муаммолари мавжуд ўнлаб маҳаллаларимизда ҳаёт гўзаллашиб, юз минглаб одамларимиз фаровон яшай бошляпти.

### ХУШҲАБАР

**Жорий йил 29 август куни вилоят Бандлик бош бошқармаси ҳамда Термиз шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази янги бинога кўчиб ўтди. Янги бино барча қулайликларга эга бўлиб, унда аҳоли учун ҳам, соҳа ходимлари учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилган. Хизмат хоналари замонавий офис мебель жиҳозлари ҳамда компьютер техникалари билан таъминланган.**

**160 минг нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатувчи мазкур бино қурилиши учун 5 млрд. 800 млн. сўм маблағ сарфланди. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили вилоятнинг Бойсун, Сарийосиё ва Қизилқум туманлари, жорий йилнинг шу даврига Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Музработ, Олтинсой, Термиз ҳамда Шеробод туманларида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари учун янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.**

Президентимиз айтганидек, бутун барча даражадаги раҳбарлар хоҳиш бўлса ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкин эканини тушуниб етишмоқда.

### Тиббиёт ва таълим

Президентимиз 2018 йилдаги ташрифи чоғида тиббиёт ва таълим муассасаларидаги қатор лойиҳалар билан танишиб, уларни янада такомиллаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди. Шунга мувофиқ, ўтган давр мобайнида 42 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига 18 та тиббиёт муассасаси тубдан реконструкция

қилинди, 9 та хусусий тиббиёт муассасасини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун 1 миллион доллар миқдоридagi кредит маблағи ажратилди. Термиз шаҳрида барча қулайликларга эга бўладиган замонавий перинатал ва урология марказларини бунёд этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. 48 та таълим муассасасини таъмирлаш, реконструкция қилиш учун 41 миллиард, 26 та мактабгача таълим муассасасида 22 миллиард сўмлик қурилиш-обodonлаштириш ишлари амалга оширилди. Вилоят марказида дostonчилик ва бахшичилик мактаби барпо этилди. Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиаллари ташкил этилгани вилоятини етуқ, юқори салоҳиятга эга ёш мутахассислар билан таъминлашга муҳим аҳамият касб этаётди.

Муҳими, ислохотлардан ҳамма бирдек хурсанд. Одамлар ислохотлар билан пайтлар аграр ҳудуд бўлган воҳа иқтисодиётини янада юксалтириши, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши, серқуёш, бир йилда уч марта ҳосил олиш имкони бўлган вилоятимиз тез орада республика иқтисодининг локомативига айланишига ишонади.

Юқоридагиларнинг барчаси Сурхон воҳаси — қадимий Мовароуннаҳр остонасидаги 719 та маҳаллада истикомат қилаётган 2 577 339 нафар аҳолининг тинч, фаровон ва тўқун ҳаётини таъминлашга хизмат қилмоқда.

«Тошкент—Яккабоғ» ва «Тошкент—Ургут» йўналишларида мунтазам автобус қатновлари йўлга қўйилди.



**М**устақиллик йилларида бошқа ҳудудлар каби Тошкент вилояти ҳам ҳар томонлама ривожланди, шаҳар ва қишлоқлари обод бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалди. Шу кунларда йирик sanoat марказларидан бирига айланаётган вилоятда буй кўрсатаётган ислохотлар ободлик ва фаровонликнинг мустақкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда ҳудудда иқтисодийнинг барча тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, табиий шароит ва ҳаша ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш борасида эътиборга лойиқ ишлар олиб бориляпти.



**Отабек АНОРОВ,**  
Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

**Янги лойиҳалар жаҳон бозорига йўл очмоқда**

Ҳозирги замон юқори иқтисодий ўсиш даражасига эришишда sanoat тармоғининг ўрни катта эканини кўрсатмоқда. Вилоятимиз географик жиҳатдан ҳамда иқлим шароитига кўра бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Қулай иқтисодий муҳит хорижлик ҳамкорларни ҳам ўзига оҳанрабодек тортмоқда. Хорижий инвестицияларнинг катта қисми sanoat тармоғига тўғри келмоқда. Биргина «Ангрен» махсус индустриал зонасида ўтган қисқа вақт ичида бир қатор инвестиция лойиҳалари ҳаётга тағбиқ этилди. Бу борада Жаҳоний Корея, Сингапур, Австрия, Буюк Британия, Болгария, Ҳиндистоннинг етакчи фирма ва компаниялари билан узий ҳамкорлик қилинаётир.

Ҳудуддаги мавжуд имконият ва салоҳиятни юзага чиқариш мақсадида



**Янги лойиҳалар билан**

**юксалишнинг янги марралари забт этилмоқда**

Эътиборлиси, уларнинг 15 таси давлат аҳамиятига эга йирик лойиҳа, 769 таси эса хусусий бизнес ва инвесторлар иштирокида амалга оширилади.

**Оилавий тадбиркорлик ривожланмоқда**

Оила мустақамлиги мамлакатнинг қудратини белгиловчи муҳим омиллардан бири. Шу боис ҳар қандай жамиятда унинг фаровонлигини таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Юртимизда оилалардаги иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун оилавий тадбиркорлик ривожлантирилмоқда. Ҳозирда Тошкент вилоятида 1 минг 314 нафар оилавий тадбиркор рўйхатдан ўтиб, фаолият юритмоқда. Уларда 1 минг 628 юртдошимиз меҳнат қилипти, оиласини тебратяпти. Ишчиларнинг аксариятини тадбиркорнинг оила аъзолари ва қариндошлари ташкил этади. Бу даромаднинг ортишига ва оила фаровонлигига хизмат қилмоқда. Вилоятда сўнгги 5 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 9 минг нафардан ортик хотин-қизга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу уларнинг у ёки бу соҳада фаол бўлиши, жамият тараққиётига ҳисса қўшишига ёрдам берди.

**Туризм жозибadorлиги ортмоқда**

Тошкент вилояти ўзининг сўлим табиати, осмонларга туташ тоғларию зийратгоҳлари билан тилга тушган. Шунинг учун вилоят туризмининг ривожлантиришда ҳудуднинг юқори экотуризм салоҳияти, улкан тоғ тизмалари, ноёб ҳайвонот ва наботот дунёси, қулай иқлим шароитидан унумли фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Хорижлик ва маҳаллий меҳмонларга қулайлик яратиш учун меҳмонхона, соғломлаштириш мажмуаси, хостеллар, санаторийлар ва дам олиш масканлари ишга туширилди. Бундан ташқари, аҳолини туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш борасида

олиб борилган ишлар натижа-сида оилавий меҳмон уйлари сони 120 тага етди. Эътиборлиси, туризм хизматлари экспорти 48,8 млн. АҚШ доллари, йил якуни билан эса 65 млн. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Соҳага янги лойиҳалар татбиқ этилаётгани эса вилоятимиз туризм жозибadorлигини оширяпти. Паркент тумани «Кумушқон» маҳалласида «Туризм қишлоғи» лойиҳаси амалга оширилгани сўзимиз тасдиғи. Лойиҳа доирасида бунёд этилаётган меҳмон уйлари, замонавий туризм ахборот марказлари, мавсумий туризм объектлари, ўтовлар шаҳарчаси ва бошқа туризм объектлари ҳудуд киёфасини тубдан ўзгартириб юбориши тайин.

Пиrowардида қишлоқнинг ўзида 450 нафар аҳоли иш билан таъминланади. Қўшимча туризм хизматлари кўрсатилиши ҳисобига бюджетга 3 млрд. сўмдан ортик қўшимча солиқлар тўланади. Дунё миқёсида сайёҳлик соҳаси жадал ривожланаётганини ҳисобга олсак, бу каби янгиликлар халқимизнинг бой тарихи, миллий урф-одатлари ва меҳмондўстлигини намойиш этишда муҳим роль ўйнайди.

**Маҳалла — аҳолининг таянчига айланди**

Бугун маҳалла аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланиб улгурди. Вилоятдаги мавжуд 1 029 та фукаролар йиғини фаоллари ўтган давр мобайнида 389 мингдан зиёд оилалар билан мулоқот қилди. Аниқланган муаммоларнинг 75 фоизи жойида бартараф этилди.

Маҳалла раисларининг ташаббуси билан 4 минг 514 та янги иш ўринлари яратилди. «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида ҳар бир йиғинни мева-сабзавот етиштириш, кичик исихоналарни ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, куёнчилик каби йўналишларга ихтисослаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Халқимизда иш қуролинг соз бўлса, машаққатнинг оз бўлур, деган гап бор.

**БАЙРАМ ТУҲФАСИ**

Қутлуг тўй арафасида Чинозда ўндан зиёд турли йўналишдаги объектлар фойдаланишга топширилди. Чунончи, янги иш бошлаган «Peng Sheng shoes salita» қўшма корхонаси чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ashraf Ramazan» қўшма корхонаси эса аллақачон минг тонна маҳсулотини экспорт қилиш бўйича шартномавий келишувга эришган. Шунингдек, истиқлол айёмини оҳангаронликлар ҳам ўзгача кўтаринкилик билан қаршилашмоқда. Боиси шу кунларда sanoat ҳудудида янги ишлаб чиқариш объекти иш бошлади. «ECO HYGIENIC» МЧЖ томонидан амалга оширилган лойиҳанинг умумий қиймати 32 млрд. сўм бўлиб, корхона болалар тагликлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қувонарлиси, объект ишга тушиши билан 40 та янги иш ўрни яратилди.

Шу ақидага амал қилиб фукаролар йиғинлари моддий-техник базасини яхшилашга эътибор қаратяпмиз. Шу кунга қадар барча йиғинлар мебель ва компьютер жамланмалари билан таъминланди. Мустақиллик байрами арафасида эса Паркент тумани кенгашининг икки қаватли «Маҳалла маркази» биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бинода Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимаси, «Ўлбоғ» маҳалла фукаролар йиғини, милиция таяч пункти ва мажлислар зали учун хоналар ажратилган. Бу каби ишлар бундан кейин ҳам кенг жуғрофияда давом эттирилади.

Албатта, ютуқлар, ижобий натижалар ҳақида яна анча гапириш мумкин. Аслида ҳар биримиз бу ўзгаришларга ҳар жабҳада, ҳар кадамда рўбарў келяпмиз. Уларни янада жонлантириш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш эса биздан катта масъулиятни талаб қилади.

**МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:**

► Тошкент вилоятидаги 21 та мактабда мукамал таъмирлаш, 17 та мактабда реконструкция ва қўшимча бино қуриш ишлари йил якунига қадар тугатилади.

► Янги ўқув йили бошлангунига қадар қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланмайдиган барча умумтаълим мактабларининг фаолиятини бир ҳудудда жойлашган коллеж биноларида вақтинчалик давом эттиради.

► Ҳудуддаги болажонларнинг борлиқ ҳақидаги тасаввурини шакллантириш билан 488 та давлат, 210 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси шуғулланмоқда.

2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 39 триллион 833 миллиард сўм бўлган 784 та инвестиция лойиҳасидан иборат янги ҳудудий дастур шакллантирилди. Шунинг ўзиёқ ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар қўлами нечоғли кенг эканини кўрсатади.

Ангрен шаҳрини 2022 йилгача комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Маҳалла азал-азалдан тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик ҳаёт тарзида учраб турган муаммоларни ҳал этиш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маскани сифатида эътироф этилади.



## Фарғона улкан

### ташаббуслар майдонига айланган

ВИЛОЯТДА САНОАТ, ТРАНСПОРТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ТУРИЗМ ВА БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРМОҚДА



**Шавкатжон ЭРМАТОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Фарғона вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

#### Маҳалла — ибрат маскани

Фарғона вилоятидаги 1038 та маҳалла фуқаролар йиғинида 4 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Жорий йил вилоят аҳли учун унутилмас воқеаларга бой бўлмоқда. Жумладан, ўтган саккиз ой давомида Сўх туманидаги «Париконда» маҳалла фуқаролар йиғинида 40 та намунавий уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, Фарғона шаҳридаги «Хамкорлик» маҳалла фуқаролар йиғинида 140 нафар кам таъминланган оила учун кўп қаватли уйлар қурилди. Айниқса, Кува ва Бувайда туманларида маҳалла кўмагида 50 нафардан ортиқ кам таъминланган оилалар учун хатна тўйлари қилиб берилгани кўплаб инсонлар қалбига чексиз қувонч улашди.

#### Эски корхонада янги давр бошланди

Сўнгги йилларда ҳудудда кўплаб янги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Иқтисодий кўрсаткичлари паст бўлган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилди. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Президентимиз жорий йилнинг 21 февраль куни нефть-газ ва кимё саноатини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини инвесторларнинг ишончли бошқарувига бериш вазифасини қўйгани соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди. Шунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри инвестиция жалб этган ҳолда завод қувватларини ишга тушириш ва модернизация қилиш дастурини ишлаб чиқиш бўйича махсус қарор қабул қилинди. Унда Евро-4 ва Евро-5 стандартларига жавоб берадиган бензин ва дизель ёқилғиси ҳамда API стандартлари бўйича II ва III гуруҳдаги юқори сифатли автотомобил мойлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Режага мувофиқ, 2022 йилгача 875 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестицияга жалб этилади.

#### Истиқболли лойиҳалар

Давлатимиз раҳабари вилоятга инвестиция олиб келиш, саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир йил фавқулодда сафарбарлик эълон

#### ДАРВОҚЕ...

Жорий йил Кўкон шаҳридаги «Устабозор» ва «Зилол» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Қўштепа туманидаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғинида савдо мажмуаси, умумий овқатланиш шохобчаси, Кува туманидаги «Иттифок» ва Ўзбекистон туманидаги «Нурсух» маҳалла фуқаролар йиғинида эса маҳалла кутубхоналари иш бошлади.

қилди. Бу бежиз эмас. Чунки ҳудудда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги иш ўринлари яратилишига ўзига хос муаммолар бор. Хусусан, аҳоли жон бошига келадиган ялпи ҳу-

дудий махсулот республика кўрсаткичидан паст. Шу боис вилоятни 2019-2020 йилларда ривожлантириш бўйича умумий қиймати 26 триллион 401 миллиард сўмлик 643 та лойиҳадан иборат янги ҳудудий инвестиция дастури ишлаб чиқилган.

Жумладан, Кува тумани «Турк» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Каркидон сув омборида баллиқчилик йўналишидаги янги корxonани ишга тушириш борасида иш олиб борилмоқда. Лойиҳага Мисрнинг «Кабо» компанияси томонидан биринчи босқичда 2 миллион доллар, кейинги босқичда 5 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция киритиш режалаштирилган. Бу баллиқчилик тармоқларини ривожлантириш билан бирга, ўнлаб янги иш ўрни яратилиш, махсулот етиштириш асосида уни қайта ишлаш, экспортга йўналтириш ишларини янги босқичга олиб чиқади.

#### Фарғона анорларининг довуғи

Юртбошимиз ташаббуси билан Фарғонада анорчилик тармоқларини ривожлантириш борасида бошланган ислохотлар қисқа фурсатда буй-бастини кўрсатди. Соҳа ривожига йўлида амалга оширилаётган истиқболли режалар дастурига кўра, вилоятда 20 минг гектар майдонда дунёга машҳур бўлган Фарғона анорларини павариллаш ишларига киришилди. Айни кунда анор етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш ва экотуризмни йўлга қўйиш борасида амалий ишлар олиб борилапти. Фарғона давлат

университетида анорчилик йўналишида мутахассислар тайёрланаётган бўлса, агрофирма қошида «Анорчилик мактаби» ташкил этилди.

#### Беш ташаббус имкониятлари

Президентимиз раҳбарлигида жорий йилнинг 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари

борилмоқда.

Яна бир муҳим ташаббус — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарли фойдаланишни ташкил этишга қаратилгани билан аҳамиятли. Шу мақсадда вилоятимиздаги 10 та касб-хунар коллежида 12 та компьютер саводхонлиги тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш мақсадида 14 ёшдан 20 ёшгача ва 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида «Мен ўқиган китоб» кўрик-танлови ўтказилди. Барча шаҳар ва туман марказларида аҳоли ва ёшларнинг китобхонликка жалб этиш мақсадида «Electron Bookland»-лар ташкил этилмоқда.

Кейинги йилларда тадбиркорликнинг турли йўналишларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар сафи сезиларли равишда орди. Вилоятдаги 300 минг нафар хотин-қиз бандлигини таъминлаш борасида ўзига хос чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, «2019 йилда хотин-қизларни иш билан таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш» дастури асосида ишсиз хотин-қизлар учун 422 минг 248 та иш ўрни яратилиш мақсадида сектор раҳбарлари томонидан 19 минг 588 та лойиҳа шакллантирилди. Ўзтиборлиши, лойиҳанинг 17 та йўналиши бевосита қўл меҳнати билан боғлиқ ишларга тўғри келади.

Бир сўз билан айтганда, бугун Фарғона вилоятида Ватанимизнинг янада гулдаб-яшнаши, кишлоқларимиз ободлиги, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини амалга ошириладиган хайрли ишлар, янги ташаббуслар тасдиқлаб турибди.


#### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Айни кунда вилоятда хорижлик инвесторлар иштирокида 329 та корхона ишлаб турибди. Жорий йилнинг шу кунига қадар эса 46 та чет эллик сармоядор иштирокидаги янги корхона ташкил этилди. Кейинги 2 йилда тўғридан-тўғри хорижлик инвесторларни жалб этиш ҳажми қарийб 5 мартага ўсди. Шунингдек, бу йил вилоятга 1 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестиция жалб этиш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган.



# Кўхна воҳанинг 416 та маҳалласи жиноятдан бутунлай холи ҳудудга айланди

Шу кунларда қадимий Хоразм вилояти ўзгача чирой очган, ҳар ерда байрам нафаси кезади, ҳар соҳада ўзгариш, ютуқ ва янгиликлар кўзга ташланади. Айниқса, мустақиллигимизнинг 28 йиллиги шодиёналарига 512 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, 511 та маҳалла, 1 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари залворли тўёна ҳозирлаган. Биргина мисол: жорий йилнинг ўтган даврида 416 та маҳаллада биронта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Бу кўрсаткич муҳтарам Президентимизнинг маҳаллаларни жиноятдан холи қилиш борасидаги ташаббусларига жавобан йиғин фаолларининг ҳам астойдил жонбозлик кўрсатгани натижасидир.



Алтибай РАЖАБОВ,  
Фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари фаолиятини  
мувофиқлаштириш бўйича Хоразм  
вилояти кенгаши раисининг  
биринчи ўринбосари.

## Минглаб оилалар шинам уй-жойга эга бўлишди

Тинчлик ҳукм сурган ҳудуднинг манзараси гўзаллашаверади. Бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган қурилиш, ободонлаштириш ишлари Хоразм вилоятида ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Айни жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўзида вилоятимизда 10 та кўл қаватли 2 ва 3 хонадан иборат 7 қаватли уй-жойлар қад ростлаётди. Шундан 8 таси Урганч шаҳрида (ҳар бирида 42 та хонадон мавжуд), 2 таси Хива шаҳрида бунёд бўлмоқда. Шаҳарда ўтган 2 йил ичида биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига мўлжалланган 1728 та хонадондан иборат 48 та тижорат уйлари қуриб битказилгани эса ҳудуд киёфасини бутунлай очиб юборди. Қувонарлиси, янги уйлар минглаб оилаларнинг бахтли турмушига замин ҳозирлаётди.

## Оилалар тинчлиги — маҳалланинг безағи

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Хоразм томонларда никоҳ, оила масала-



## КУШХАБАР

Куни кеча Хива шаҳридаги «Шихлар» маҳалла фуқаролар йиғини учун янгидан қурилган бино фойдаланишга топширилди. Бинонинг очилиши катта шодиёнага айланди. Маҳалла идораси замонавий услубда қурилган, унда раис, масъул котиб, хотин-кизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис, ҳудуд профилактика инспектори учун алоҳида хоналар ажратилган. Муҳташам бинодан болалар учун ҳам хона мавжуд, қолаверса, маҳалла кутубхонаси ташкил қилинган каттаю кичикни бирдек севинтирди. Бинонинг очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳоқими Ф. Эрманов иштирок этди.

ларига ўзгача масъулият, буюқ ҳурмат билан қаралади. Бирор оила ажрашиш ёқасига бориб қолса, маҳалла-қўйнинг ёшулдилари бор имкониятни ишга солишади. Шу йилнинг ўзида нотинчлик юзага келган 2334 та оиладан 2287 тасида вазият ўнгангани, ажралишдан асраб қолингани ҳам маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари туфайлидир. Фуқаролар йиғинларининг Яраштириш комиссиялари таркиби ҳам ана шундай фидойи кишилардан тузилган.

8 547 нафар ижтимоий фаол, обрўли ва ташаббускор кексалар 19 033 та кам таъминланган, 4 834 та боқувчисини йўқотган, 1 060 та нотинч ва ноқобил оилаларга бириктирилгани ҳамда 1 960 нафар ичкиликка ружу қўйган, 318 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган шахсларга маънавий ҳомий бўлгани ҳам муқаддас ошненинг мустаҳкамлиги, фаровонлигига хизмат қилаётди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Хоразм вилояти кенгаши томонидан эҳтиёжманд оилаларга доимий ёрдам кўрсатилади. Жумладан, жорий йилда 50 нафар кам таъ-

минланган оила фарзандлари Хонка туманидаги «Жайхун кўёш» оромгоҳида бепул соғломлаштирилди. Ушбу мақсадларга 23,0 млн. сўм маблағ сарфланди. Кам таъминланган, ногирон, меҳнатга лаёқати чекланган, бошпанага муҳтож 51 нафар фуқарога уй-жой олиши учун бошланғич бадал — 700 000 000 (етти юз миллион) сўм пул маблағи тўлаб берилди.

## «Улли ҳовли»га ҳеч йўлингиз тушганими?

Маҳаллалар жамиятимизнинг таянчи ва сунянчига айланиб бораётди. Шу боис Президентимиз ушбу халқчил тузилмага алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йилда 21 та маҳалла биноси таъмирланди, 3 таси реконструкция қилинди, 8 таси янгидан қурилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар учун намунавий лойиҳалар асосида 2 та «Маҳалла маркази» бинолари қурилди.

Санъатсевар, тўйсевар Хоразм элида байрамлар бошқача ўтади, сурнай садолари янграб даврада ўйнамаган қолмайди. Бу йилги Истиқлол айёми муносабати билан энг олис ҳудудда яшаётган хоразмликларни қувонтиришга эришдик. Гап шундаки, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши ҳамда Ҳазорасп тумани ҳокимлиги билан биргаликда туманининг қумли саҳролар бағрида қаҳрамонлик кўрсатиб яшаб келаётган «Саримой», «Нукус», «Тупроққалъа» маҳаллалардан 40 нафар кекса нуроний вилоятимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилишди. Саёҳатчилар Урганч шаҳри Ислол Каримов кўчасидаги бунёдкорликлардан хайратланишди, Хива шаҳри «Ичан қалъа» музейи ҳамда Урганч туманидаги «Туркманлар» маҳалласида жойлашган «Улли ҳовли»

ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишди. Ўзбек ва туркман халқларининг маънавий оламини, муштарак кадриятларини тўла акс эттирган «Улли ҳовли»да кечган вақт, айниқса, мазмунли бўлди, мажмуада дастурхонлар ёзилиб, ош тортилди. Юртимиз тинчлигини сўраб дуолар қилинди.

Шу ўринда ушбу муҳташам ёдгорлик Хоразмнинг тарихий дурдоналари сафига яна битта марварид бўлиб қўшилгани таъкидлаш жоиз. Кейинги пайтда бу ерга сайёҳлар оқими орта бошлади.

Туризм ҳақида гап кетар экан, 2019 йилда вилоятда ушбу соҳа салоҳияти ва инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида қиймати 307,3 миллиард сўм миқдордаги маҳаллий инвестиция ва 35 миллион АҚШ доллари миқдордаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилганини қайд этиш ўринли. Шунинг ҳисобига 79 та лойиҳа амалга ошиб, 1300 дан зиёд янги иш ўринлари яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг шимолидаги гавҳари — Хоразм вилояти узок йиллардан бери ишга солинмай ётган бор салоҳияти билан дунёга юз бурмоқда. Танги, меҳнатқаш ва мардона хоразмликлар эса ислохотлар самарасидан руҳланмоқдалар.

## ДАРВОҚЕ...

Хоразм вилояти республикамизнинг шимоли-ғарбида жойлашган. Ер майдони 6,1 минг квадрат километр. Аҳолиси (2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра) 1 млн. 840 мингдан зиёд. Вилоят маъмурий ҳудудий тuzилиши бўйича 10 та туман, 2 та шаҳарга бўлинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари вилоятга ташрифи давомида берган топшириқлари ижроси юзасидан 2019-2020 йилларда умумий қиймати 8 трлн. 722 млрд. сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига 1003 та истиқболли лойиҳа амалга оширилади. Бу билан 15 минг 105 та янги иш ўринлари яратилади.

Вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси бўлим бошлиғи Ўқтам Жоббергановнинг маълумот беришича, ҳудудда ўтган олти ой давомида 96 млн. долларга яқин тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. Бу — 2018 йилга нисбатан 5 баробар кўп демакдир. Жорий йилда 46 та янги чет эл сармояли корхоналар очилди. Бу кўрсаткич ҳам аввалги йилга нисбатан 2 баробарга ўсган. Вилоятда фаолият юритаётган чет эл корхоналари сони 116 тага етди. Шундан 22 таси чет эл давлатлари сармоялари ҳисобига бунёдга келди. Инвесторларнинг энг кўпи Россия, Хитой, Туркия, Корея, Қозғистон ва Швейцария сармоядорларидир.

# ЎЗГАРИШЛАР ТУРМУШ ТАРЗИ, ТАФАККУРДА АКС ЭТМОҚДА



**Курбон САРИҚОВ,**  
Фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қашқадарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

Вилоятда шиддат ва улкан ўзгаришлар ичида кечган ўтган 2-2,5 йил мобайнида «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида шахар ва кишлоқларнинг янги, обод ва янада кўркам қиёфасини яратиш, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида 69 та кишлоқ ва 10 та маҳаллада қурилиш-обodonлаштириш ишлари жадал давом этмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан фукараларни ижтимоий химоя қилиш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида маҳаллий бюджет ва фонд маблағлари ҳисобидан жорий йил давомидида 34 минг 500 нафар ижтимоий химояга муҳтож, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган шахслар, якка-ёлғиз қаришлар ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, чин етим ва Мехрибонлик уйлари тарбияланаётган болаларга моддий қўмаклашиди. Уларни зарур озиқ-овқат, ногиронлик аравачалари, маиший техника воситалари, кийим-кечак ва уй-жойларни таъмирлашга ҳамда яшаш шароитларини яхшилашга қўмаклашиш мақсадида 7 миллиард сўмдан ортик моддий ёрдам кўрсатилди.

## 1700 нафар фукаро ишли бўлади

Қарши тумани Қоратепа кишлоқи ҳудудида фаолият кўрсатган «LT Textile International» корхонаси юз фоиз хорижий сармоя иштирокида амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан бири саналади. Айни пайтда уч босқичли лойиҳанинг 2-босқичини ишга тушириш бўйича олиб борилётган ишлар ҳам қизғин кечмоқда. Натijaда яна 700 та янги иш ўрни ташкил этилади. Лойиҳанинг 3-босқичида кластер тизимида ишлашга ўтиш режа қилинган. Бунда хорижий инвесторлар

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир вилоят ёки шахарга ташрифи ўша ҳудудлар ҳаётида муҳим ўрин эгалламоқда. Уларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни яхшилашга, катта бунёдкорликларнинг юзага келишига, одамлар онгида жиждий янгилишларнинг бўй кўрсатишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, шахарларнинг замонавий ва миллий асосда қайта қурилишига, янги даҳалар, мавзелар, кўчаларнинг барпо этилишига асос яратилмоқда.



## ДАРВОҚЕ...

Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хомашёсининг 13, қазиб олинаётган газнинг 64, нефтнинг 67, газ конденсатининг 87 фоизидан ортиги, шунингдек, ғалла ва мева сабзавотининг катта қисми Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади.

имкониятлар яратмоқда.

Дехқонobod калий заводи нафақат вилоятдаги, балки мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан биридир. У Марказий Осиёдаги калийли ўғитлар ишлаб чиқарадиган ягона завод ҳисобланади. Корхона фаолиятини бошлаган илк йилларда йиллик маҳсулот экспортни ҳажми 30 минг тоннага ҳам етмаган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 230 минг тоннадан ортиқни ташкил этди. Айни вақтда 18 та мамлакатта товар экспорти амалга оширилмоқда.

Бу йил бир қанча технологияларни янгиллаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш устида иш олиб боришмоқда. Натijaда иш ўринлари сони яна 900 тага кўпайиб, 3 мингга етади.

## Сайёҳлар оқими жилгадан дарёга айланади

Вилоятда кўхна тарихий мажмуалар, ёдгорликларни асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, кейинги йилларда Қарши шаҳридаги «Кўктумба», «Одина» жомеъ масжидлари, Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ, Қарши туманидаги Имом Мўъйин ан-Насафий, Касби туманидаги Султон Мирхайдар, Шаҳрисабз туманидаги



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Қашқадарё вилоятда аҳолининг замонавий уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жорий йилда 1673 тадан зиёд оилага мўлжалланган 365 та якка тартибдаги 2 сотихли уй-жойлар ва 44 та қўп қаватли тураржойлар фойдаланишга топширилди. Айниқса, ўтган 2 йил ичида кам таъминланган, ногиронлиги бўлган 127 нафар фукаро ва 215 нафар оғир ижтимоий вазиятта тушиб қолган аёллар уй-жой билан таъминланди.

«Оқсарой», «Дорут-Тиловат» ва «Дорус-Саодат» мажмуаларида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари якунига етказилди.

Бу эса, ўз навбатида, Қашқадарёда туризм соҳасини ривожлантириш учун асос яратди. Ушбу жараёнда, албатта, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги «Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан кенг имконият яратилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, вилоятда янги туризм йўналишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Режа олгита йўналиш — этнотуризм (Шаҳрисабз туманидаги Гилон ва

Кўл кишлоқларида), агротуризм (Китоб туманидаги Варганза ва Хазрати Башир кишлоқларида), экстремал туризм (Яккабоғ туманидаги Татар, Зармас ва Вори кишлоқларида), экологик туризм (Шаҳрисабз туманидаги Сарчашма ва Сувтушар кишлоқларида), астрономик туризм (Китоб кенглик станцияси ҳудудида) ва «Фестиваллар шаҳри» бренди остида МICE-туризмни (Шаҳрисабз шаҳрида) камраб олади.

## Беш ижобий ташаббус

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларнинг бой маънавий мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Қарши давлат университети рўнарасида ҳамда Дехқонobod туманида тadbirkor Шоди Раҳимов ташаббуси билан қурилган ахборот кутубхона маркази қошида китобга ҳайкал ўрнатилгани қайсибир маънода мамлакатимиз бўйлаб ёшларни китобхонликка жалб этиш борасида олиб борилётган кенг қўламли ишларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Бугун ҳар бир мактабда кутуб-

хона бор, улар фонди бойитиб боришмоқда. Маҳаллаларда ўтказилаётган китоб ҳафталикларида ёшларнинг интилишини кўришимиз. Демак, бу интилишни рағбатлантириш керак. Бугун чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда ҳам кутубхоналар ташкил этилмоқда. Чунки мутолаага ошнолик нафақат маънавиятни юксалтирилади, фикрлаш қобилияти, нутқ маданиятини бойитилади, дунёни танитилади, эзгулик ва адолат сари етаклайди. Вилоятимиздаги барча маҳаллаларда ташкил этилган «Маҳалла китобсеварлари» ҳафталиги аини мақсад рўёбига қаратилгани билан ахамиятли бўлди.

Шунингдек, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, мутолаа завқини уйғотиш, маҳалла ва ҳар бир оилада китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида таълим муассасалари, олис кишлоқларда кўча кутубхоналар ташкил этилиб, китоб савдоси, ярмарка, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. «Бадиий асарлар билимдонини», «Менинг биринчи китобим», «Мен ўқиган китоблар», «Мен китобни нечун севаман», «Энг ёш ва фахрий китобхон» каби ижодий беллашувлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида эса «Энг намунали маҳалла кутубхонаси», «Энг китобсевар маҳалла» кўриктанловлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ташаббус доирасида хотин-қизлар кўмитаси ва тижорат банклари билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилалар ўрганиб чиқилиб, 5529 нафар хотин-қизнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида 18,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Хотин-қизлар эндиликда тикувчилик, паррандачилик, чорвачилик, қўнғиччилик, иссиқхона йўналиши бўйича фаолият олиб борапти.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда вилоятда 30 дан ошмиқ миллион 100 минг нафарга яқин аҳоли ўзаро ҳамжихатликда ҳаёт кечирмоқда. Уларни эзгу ишлар, хайри ташаббуслар сари руҳлантириб турган энг улутвор мақсад эса муштарак. Бу — Ватани янада обод, турмушимизни бундан-да фаровон этиш!

Қашқадарёда боғчалар сони 1000 тага етди.



Халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини ўзгача шукуҳ, меҳр-муҳаббат, ҳуш кайфият билан қарши олади. Бу бежиз эмас. Бойси ортада қолган 28 йил юртдошларимиз ҳаётида, турмуш тарзида том маънода тараққиёт ва янгиланишлар даври бўлди. Ўзбекистон ўтган давр мобайнида миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил қадам ташлаб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, сўнгги йиллар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида олиб борилаётган чуқур ислохотлар ва унинг юксак натижалари нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф билан тилга олинмоқда.



# Бунёдкорлик кўлами тобора кенгаймоқда

**БУГУН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ КАЙФИЯТИНИ КЎТАРИБ, КЕЛАЖАККА БЎЛГАН ИШОНЧНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАМОҚДА**



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Tashkent City» яқинида қад кўтарган муҳташам «Humo Arena» муз саройи пойтахтимизнинг Олмазор ва Бешёғоч кўчалари кесишмасида, 9 гектар майдонда қурилган бўлиб, барча замонавий муҳандислик технологияларини ўзида уйғунлаштирган. Бу ерда хоккей, шорт-трек, фигурали учуш, кёрлинг билан бирга баскетбол, волейбол, гандбол, футзал, бокс, таэквондо ва бошқа турдаги беллашувлар ҳамда турли байрам тадбирлари, концертлар, кўрғазма ва форумлар ташкил этиш учун шароит яратилган.



**Фуркат МАХМУДХУҶАЕВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

топирилди. Шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг маҳаллаларда ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг ўтган 8 ойи давомида 2700 дан зиёд илгор лойиҳалар, турли спорт ва маданий тадбирлар ташкил этилди.

### Тарихимизга юксак эҳтиром

Яқин-яқингача Шайхонтоҳур туманидаги Сузук ота зиёратгоҳи ҳақида кўпчилик билмас, маҳалла ичида қолиб кетган мақбара ва эски масжид қаровсизликдан зах тортиб, нураб ётарди. Эътиборлиси, бундан икки йил аввал, аниқроғи, 2017 йил 26 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Сузук ота мажмуасига ташриф буюриб, мақбара ва масжидни реконструкция қилиш, мажмуа атрофини ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берган эди.

Шундан сўнг бу ерда кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Эътиборлиси, қисқа муддат ичида олиб боришга қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида мажмуа таниб бўлмас даражада чирой очди.

Қолаверса, ушбу масканда олиб боришга қурилиш ишлари доирасида Шайхонтоҳур туманидаги «Сузук ота» маҳалласи ҳам бутунлай ўзгача кифоа касб этди. Жумладан, маҳалла идораси ва бошқа объектлар қад ростлади. Таъкидлаш лозимки, бугун маҳаллада миллий аънаваларимизни давом эттириб келаётган уста-хунармандлар талайгина. Эътиборлиси, ана шундай хунармандлардан бир

қанчасига Сузук ота мажмуасида бунёд этилган янги хунармандлар уйлари берилди.

### «Tashkent City» маркази дунё ишбилармонлари эътиборида

Сўнгги йилларда пойтахтимизда замо-

ерда олий даражадаги тadbирлар, йирик халқаро анжуманлар ўтказилади.

Яқин кунларда «Tashkent City» худудида Lot№4 қурилиши бошланади. Қувонарлиси, бир ярим гектардан ортиқ майдондаги баландлиги 266,5 метрли бу осмонўпар бино Марказий Осиёдаги энг баланд иншоот бўлиши кутилмоқда. «Осмон барча учун» шiori остидаги муҳташам иморат 51 қаватдан иборат бўлиб, лойиҳадан хоҳлаган инсон ўз масканига эга бўлиши мумкин.

Президентимиз жорий йил 30 август куни «Tashkent City»га яна бир бор ташриф буюриб, конгресс-холл ва беш юлдузли меҳмонхона, худуддаги ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишларини юқори баҳолаб, бу объектлар ишга тушганда хизмат турларини кўпайтиришга эътибор қаратиш, халқимизнинг бу ерга келиб мазмунли дам олиши учун қулайликлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Халқаро туристлар учун бир қатор қулайликлар яратилиши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, Тошкент метрополитенининг «Дўстлик» бекатидан Қўйлик бозоригача бўлган қисмида ҳам қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган. Ушбу йўналиш 11 километрдан иборат бўлиб, «Дўстлик», «Оҳангарон», «Тузель», «Илтифот», «Роҳат», «Янгиобод» ҳамда «Қўйлик» бекатларини ўз ичига олади.

### Хулоса ўрнида

Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасидаги бунёдкорлик ишлари, Яшнобод туманининг Махтумқули кўчасида барпо этилаётган замонавий болалар тиббиёт маркази, пойтахтимиз худудини кесиб ўтувчи ариқ ва каналлар бўйларида олиб боришга қурилиш ва ободончиликлар... Эҳ-ҳе, бу каби эзу ишларнинг санач адоғига етиб бўлмайди. Ўйлаймиз-ки, қилинаётган бу сайёҳаракатлар жонажон Ўзбекистонимизни дунёнинг тараққий этган мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга, халқимиз турмуш тарзини янада тараққий эттишига хизмат қилади.

### ДАРВОҚЕ...

Пойтахтимизнинг энг гавжум чорраҳаларидан бири бўлган Махтумқули ва Оҳангарон кўчалари кесишмасида уч қаватли янги кўприк барпо этилмоқда. Ушбу йирик иншоотнинг Паркент кўчасидан Оҳангарон шоссесига ўтувчи қисмида узунлиги 500 метрдан зиёд туннель қурилмоқда. Қолаверса, Қорасув даҳасидан Махтумқули кўчасига чикувчи йўлнинг мазкур туннель устидан ўтган қисмида айланма кўприк бунёд этилади. Иккала кўприк устидан ўтувчи учинчи қават Махтумқули ва Темур Малик кўчаларини туташтиради.

навий шаҳарсозлик асосида барпо этилаётган янги тураржой массивлари, кўп қаватли уйлар, истироҳат боғлари, маҳалла гузарлари, муҳташам спорт иншоотлари бош кентимиз кўркига кўрк бағишламоқда. Жумладан, Тошкентнинг қоқ марказида бунёд этилаётган «Tashkent City» маркази нафақат ўзбекистонликлар, балки бутун дунё ишбилармонлари диққат марказида бўлиб турибди.

Маълумки, «Tashkent City» бизнес-марказлар, меҳмонхоналар, офислар, кўп қаватли уйлар, рестороанлар ва бошқа объектларни ўз ичига олган замонавий комплекс бўлиб, келгусида бу

**Тошкентда баландлиги 266,5 метр бўлган 51 қаватли осмонўпар бино қурилади.**

Бугун ахборот тарқатувчи манбалар кўп. Бирини ҳазм қилишга улгурмай туриб, иккинчиси қаршингиздан чиқади. Шов-шувли, сенсацион, хуллас, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеликларга муносабат фикрларнинг бари шу манзилда жам. Аммо улар орасида фойдалиси билан бирга, киши хаёлини чалғитувчилари ҳам йўқ эмас. Ростни ёлғондан, оқни қорадан ажратиш эса кишидан ахборотларни саралай олиш кўникмасини талаб қилади. Хўш, бизда бу кўникма қай даражада шаклланган?

# ЁЛҒОН АХБОРОТ ТАРҚАТГАНГА ЖАЗО БЕЛГИЛАНГАНМИ?

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР БОШҚАЛАРНИ ҲАҚОРАТ ҚИЛИШ, КАМСИТИШ, МАСХАРАЛАШ КАБИ ХУНУК ИЛЛАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Бугунги ахборот майдонидаги вазиятлар, билдирилаётган муносабатни қолдирилаётган изоҳлар медиасаводхонлигимизни юксалтириши мавриди келганини амалда исботламоқда. Жараёнлар таҳлили техника янгиликлари инсониятни бошқараётгани, уларни ўзи истаган ўзига бураётганини кўрсатмоқда. Инсон ўзи яратган технологиялардан қачон унумли фойдаланади? Нима қилинса, меъёр ва чегарадан чиқилмайди? Миллий тажрибада медиасаводхонликни шакллантириш учун нималарга эътибор қаратиши жоиз? Мутахассислар билан ўтказган дavra суҳбатимизда шу каби саволларга жавоб топдик.



## Постга қолдирилган изоҳлар учун муаллиф жавобгар... (ми?)

Хусайин  
РАЖАПОВ,

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими:

— Ижтимоий тармоқда саҳифасига пост ёзиб қолдирилган фойдаланувчи фикрларининг тўғри-нотўғри, ҳақиқат ёки ёлғонлиги учун ўзи жавобгар. Шу қунларда муаллиф пости тагига ёзиб қолдирилган изоҳлар учун ким жавобгар, деган савол кизгин баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Вазият эса миллий қонунчилигимизнинг «бўш» жойларини кўрсатиб қўйди. Бу борада хориж тажрибаси бизникидан тамомила фарқ қилади.

Чунончи, Германия қонунчилигида бу масала алоҳида қонун билан тартибга солинади. Унга кўра, интернет фойдаланувчилари таркибий хизмат кўрсатувчи провайдерлар, кириш хизматларини кўрсатувчи провайдерлар ҳамда саҳифа эгаси бўлган фойдаланувчиларга ажратилади. Саҳифа эгаларининг бошқа шахслар изоҳлари учун жавобгарлиги «техник имконият мавжудлиги» ҳамда «жойлаштирилган маълумотни билиш» орқали белгиланади. Бу унга ноқонуний маълумотларни ўчириш ёки уларга чеклов ўрнатиш имконини беради.

Жанубий Кореяда ёлғон ахборот тарқатилиши оқибатида зарар етказган ёки зарар етказилишига сабаб бўлган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилади. Қолаверса, Корея Фуқаролик кодексига «биргалликдаги жавобгарлик» тушунчаси мавжуд. Судлар мазкур нормалар асосида интернет фойдаланувчиларининг ўз саҳифаларидаги учинчи шахслар томонидан қилинган тухмат ва бошқа ёлғон ахборотларни ўчириб юбориши кераклиги, ақс холда жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлигини ўқиради.

Швецияда 1998 йилдаёқ бу бўйича махсус қонун қабул қилинган. Ушбу қонун билан интернет саҳифалари эгаларига ноқонуний ёки муаллифлик ҳуқуқини бузувчи маълумотларни зудлик билан олиб ташлаш мажбурияти юкланди. Табиийки, мазкур мажбурият саҳифа эгаларининг ўз аъзолари фаолиятини доимий кузатиб боришини тақозо этади.

Хориж тажрибаси учинчи шахс қолдирилган қонунга зид изоҳлар учун у ёки бу даражада саҳифанинг эгаси жавобгарликка тортилишини кўрсатмоқда. Ўзбекистон қонунчилигида бу ҳолатга кескин ва қатъий чекловлар қўйилмаган. Аммо тарқатилаётган ахборот учун маъсулият ва жавобгарлик белгиланган. Назаримда, интернет фойдаланувчилари шарҳларга нисбатан ҳушёрликни фақат жавобгарликдан кўриб эмас, ижтимоий мажбурият сифатида зиммасига олиши лозим. Бунинг учун эса уларда медиасаводхонлик шаклланган бўлиши керак.

## Онлайн хулққа ҳар ким амал қилиши керак

Шухрат САТТОРОВ,  
Жанубий Кореянинг Ён-сей университети тадқиқотчиси:

— Технологияни оммалаштириш назариясига кўра, ресурс фойдаланишга қулай, осон ва ахборотга бой бўлса, аҳоли ўртасида тез оммалашади. Бирок улардан фойдаланишда онлайн хулқ чегараларидан чиқиб кетмас. Афсуски, сиёсий ва ҳуқуқий маъсулият, жавобгарлик хисси юклатилмагунча инсонларнинг онлайн макондаги хатти-ҳаракатларини назорат қилиб бўлмайди. Шунингдек, кишилар иш билан банд бўлса, тармоқлардаги керакли ва кераксиз нарсаларга ўралашиб қолмайди. Ғарбда бу борада ёндашув тамомила бошқача. Уларнинг ҳозирги авлоди ижтимоий тармоқларга бефарқ. Улар бугун бизни таъсирлантираётган янгиликларни оддий қабул қилмоқда.

Ўзбекистонда одамлар ижтимоий тармоқларда жуда фаол. Аммо улар давлатнинг қарор чиқаришига таъсир қилувчи айрим ресурслардан деярли фойдаланишмайди. Мисол учун, regulation.gov.uz, meningfikrim.uz порталларида аҳоли иштироки сезилмайди. Сўнгги кузатувларимга кўра, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилардаги сўқонғичлик, бошқаларни ҳақорат қилиш ҳамда камситиш, масхаралаш каби хуноқ иллатларнинг ривожланишига хизмат қилмоқда. Энг ачинарлиси, бу — оммавий трендга айланмоқда, ижтимоий тармоқдаги хулқ реал ҳаётдаги юриш-туришга таъсир кўрсатмоқда.

Технологиялар асрида ҳуқуқатлар олдида инсонларнинг виртуал оламдаги хулқ-атворларини тўғри йўналтириш, салбий таъсирлардан уларни химоя қилиш вазифаси ҳам турибди. Тўғри, бу жуда мураккаб вазифа. Шу боис бирорта мамлакат бу жараёнда аниқ бир режага асосланган мақсадли ҳаракат ишлаб чиқмаган. Айни жиҳатдан бизнинг қонунчилигимиз ҳам фуқароларнинг интернет тармоғида ўзини тутиш одобини белгилаб берувчи, виртуал камситиш ва ҳақоратларнинг олдини оловчи, инсонларнинг интернетдаги хатти-ҳаракатларини, шунингдек, турли номларда саҳифа юритишни тартибга солувчи, маъхумликка қарши курашувчи, фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини химоя қилувчи ҳужжатларга муҳтож.


**P/S:** Чегараю ёш танламаётган глобал тармоқ ташлаётган қармоқ ҳавфидан огоҳ бўлинг! Эътиборсизлик, хиссиётга берилиб қолдирилган изоҳлар, ўйламай қўйилган постлар кўпчилик фойдаланувчилар томонидан кузатилаётганини ёлда тутинг. Тарқатаётган ахборотингиз шахсийлик хусусиятига эгадир. Бирок уни ижтимоий тармоқдаги саҳифанингизга жойлашингиз билан у омма мулкига айланади. Катта ёки кичик ёшдаги фойдаланувчига таъсир ўтказиши. Шундай экан, ёлғон хабарлар тарқатувчиси-ю онлайн хулқ талабларини бузувчига айланманг. Назоратсиз глобал маконда ўз-ўзингизни назорат қилинг.

Содикат МАХСУМОВА  
«Mahalla»

Янгича мобил технологияларга асосланган мактаб дарсликлари тақдим этилди.



Бадий фильмлар, спектакллар ва клипларда баъзида китобга меҳри баланд ёшлар ёки ўқитувчи каби илм зиёсини таратувчи касб эгалари юриш-туриши бир аҳволда тасвирланади. Яқинда «Наво» телеканалда намойиш этилган видеоклипда ҳам қўлига китоб кистириб олган ёш йигит худди шу тарзда гавдалантирилди. Бу ҳолат мени ўйга толдирди: зиёли киши образига бундай ёндашув томошабинда қандай таассурот уйғотади? Бу ҳол эндигина ҳаёт ҳақидаги тасаввурга эга бўлаётган ёшларимиз онгида китобга, илмга, зиёли инсонларга нисбатан салбий қарашни шакллантириб қўймамикан?



# Зиёлиларнинг «зиёнли» тарғиботи

ҚАРАНГ-А, КИШИ ИЛМГА БЕРИЛСА, КУЛГИ БЎЛАРКАНУ ИСТЕЪДОДИ БЎЛСА-БЎЛМАСА ҚЎШИҚ АЙТСА, ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ БЎЛИБ ҚОЛАР ЭКАН

## Киши илмга берилса, кулги бўлармиш...

Ёш хонандалардан бири Дилсўзининг «Мени эслама» кўшиғига олинган клип ҳам ана шундай сюжет асосига қурилган. Унда илмга кизиккичи кучли бўлган кизни синфдошлари роса масҳара қилишади. Масалан, ошхонада ҳам у билан ҳеч ким бирга ўтиришни истамайди. Ҳатто бўшаган идиш-товокларни унинг столига қўйиб кетишади. Клип сўнггида худди шу киз ўзига оро бериб, сахнага кўтарилади,

хеч қутилмаганда қўшиқ қуйлай бошлайди-ю, бояги олифталарнинг у ҳақдаги фикрлари бутунлай тескари томонга ўзгариб кетади. Қаранг-а, киши илмга берилса, кулги бўларкану истеъдоди бўлса-бўлмаса қўшиқ айтса, ҳурматга лойиқ бўлиб қолар экан.

Бахриддин Зухриддиновнинг «Уйланганга маза бўлар» (қўшиқнинг номига эътибор беринг!) кўшиғига олинган клипда, шунингдек, бошқа бир қанча эстрада хонандаларининг клипларида ҳам шунга ўхшаш сахналарни кузатиб, бу санъат-

корлар нимани тарғиб қиляпти ўзи, деган фикрга борасан киши.

— *Психология назариясида ҳар бир инсоннинг феъл-атворини алоҳида изоҳлаб берадиган бўлим йўқ, — ёнди психология фанлари номзоди Лутфилла Турсунов. — Чунки ҳар бир одам ўзига хос характерга эга. Аммо айрим белгилар кишининг ким эканидан орақ беради. Масалан, экранда кўзойнақ таққан, китоб, дафтар, қўлёзмалар кўтариб олган киши образи намойиш этилса, биламизки, бу инсон зиёлидир. Аммо ҳо-*

*зир шундай кишиларни китоб оламига шўнғиб, ижтимоий ҳаётдан узилиб қолган, юриш-туриши, кийиниши, гап-сўзига эътиборсиз ва журъатсиз бир қиёфада тасвирлаш одатга айланмоқда.*

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: аслини олганда, инсон қанча кўп китоб мутолаа қилса, шунча маданиятли бўлмайди? Ҳар бир сўзини мулоҳаза қилиб, кейин баён этмайди? Ҳаётда бундай инсонлар ўз темпераментини тўғри йўналтириб, характерини янада сайқаллаб боради. Тўғри, уларда одатий бўлмаган,

ўзига хос характер шаклланади, лекин бу атрофдагиларни улардан узоқлаштиришга эмас, аксинча, кизиккиш, ҳавас билан қарашга сабаб бўлади.

Юқоридаги каби ҳолатлар жамият ҳаётида бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Биринчидан, айтиб ўтилган касб эгаларига нисбатан паст назар билан қарашни шакллантиради. Иккинчидан, ёшлар онгида «Мен ҳам китоб ўқисам, шундай бўлиб қоламан», деган нотўғри фикр туғилиб, илм олишдан совийди. Учинчидан эса, уларни келажакдаги эзгу режалардан чалғитилади.

## Бесўнақай ва қатъиятсиз шоир

Китобхонликни ривожлантириш, халқимизнинг маънавий камолотини ўстириш йўлида астойдил ҳаракат қилинаётган бир пайтда айрим ўзбек фильмларида ҳам бундай сахналарнинг мавжудлиги кишини ўйга толдиради. Баъзи фильмлардаги сўзлар ва сахналар ижтимоий ҳаётга ҳам қўйиши бунинг ёмон оқибатга олиб келишини кўрсатади. Мисол учун, «Бойвачча» фильмидан сўнг кўзойнақ таққан кишиларга «лупа» деб лақаб қўйиш ёшларимиз орасида «мода»га айланиб қолди. «Шабнам», «Осмондаги болалар», «Менинг акам бўйдоқ» каби бир қатор фильмларда ҳам зиёли кишиларнинг устидан кулиш, масҳара қилиш ҳолатлари бор.

Айрим спектаклларда ҳам ана шундай сахналар кўзга ташланаётганига нима дейиш мумкин? Муқимий номидаги мусикали драма театрида сахналаштирилган «Орагимни алмаштираман» спектаклида шоир образи бесўнақай, қатъиятсиз бир одам қилиб тасвирланади.

Бугун қўлчилик ёшлар кино ва клипларни томоша қилиб, улардаги образларга тақдир қилиб улғайишмоқда. Агар биз ушбу санъат асарларида зиёлиларни юқоридаги каби нотўғри шаклда ташкил этаверсак, ёшларимизда китоб ва китобхонларга нисбатан бепасандлик, масҳаралаш кайфияти кучайиб кетиши мумкин. Бу уларнинг ахлоқи ва дунёқарашини дарз кеткизиш демакдир. Зеро, китоб ақл чархи бўлса, зиёлилар жамият таянчи кабиндир.

Ҳўп, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Саҳифани «Mahalla» муҳбири Санжар ЭШМУРДОВ тайёрлади.

## МЕНДА ТАКЛИФ БОР

# Китоб тарғиботида инновацион усуллардан қачон фойдаланамиз?

МЕТРО БЕКАТЛАРИДА МЎЪЖАЗГИНА ГАЗЕТА, КИТОБЛАР ТЕРИЛГАН ЖАВОНЛАРНИ ЎРНАТСА БЎЛАДИ. ЙЎЛОВЧИЛАР БИР БЕКАТДАН ОЛГАН КИТОБЛАРИНИ КЕЙИНГИСИДА ҚОЛДИРИШАДИ

Яқинда тиббий текширувдан ўтиш учун Тошкент тиббиёт академиясига боргандим. Тушгача текширувдан ўтиб, ишга ҳам вақтида улгураман, деб ўйлагандим. Аммо ҳаёлим пучга чиқди. Шифохона тўла одам — навбатнинг кети кўринмайди. Бунинг устига бундай талатўнда навбат талашиб безор қилган беморларнинг шовқинидан соғ одам ҳам касал ортириши ҳеч ган эмас.

Бугунги сўрасангиз, касалхонада эшикма-эшик туриб навбат кутиш билан куним кеч бўлди. Лекин афсусланмасам ҳам бўлар: кун давомида бу ерга нажот излаб келган беморларнинг олгинга тенг вақтлари нималарга сарф бўлаётганини англадим. Ана шунда миямга бир нечта фикр келди. Биринчи фикр шу бўлдики, агарда шифохоналаримизнинг одамлар билан тўла залларида газета, журнал ва китоблар териб қўйилган жавонлар бўлса, навбат кутиш ёки жанжал кўтаришдан минг бор фойдаланароқ бўлар экан. Қолаверса, асаблар дам оларди. Энг асосийси, юқорида таъкидлаганимиз вақт ва моддият муаммоси ҳаминқадар ечимини топарди.

Бунда беморларга турлича адабиётларни тавсия этиш мумкин. Масалан, тушкунликка тушиб қолган беморлар учун машҳур адиб О.Генрининг «Сўнгги



япроқ» номли ҳикоясига ўхшаш асарлар умид ва ишонч бағишлайди, унинг соғайишига руҳан ёрдам беради. Аслида-ку, бу амаллар катта маблағ ёки куч талаб қилмайди. Аммо бу тадбир бемор учун энг фойдали дармон бўлиши мумкин.

Шунингдек, метро, ҳатто, автобус бекатларида ҳам мўъжазгина газета, китоблар терилган жавонларни ўрнатса бўлади. Йўловчилар бир бекатдан олган китобларини кейингисига қолдиришади. Натيجада биргина ижод маҳсулидан юзлаб киши баҳра олиши мумкин.

Кузатган бўлсангиз, айни пайтда мамлакатимизда кўплаб халқ кутубхоналари, турли китоб дўконлари ва «Book safe»лар кад ростламоқда. «Китоб карвони» каби акциялар мунтазам ўтказилаётгир. Бинобарин, бундай янги тадбирлардан

сўнг халқимизнинг китобга меҳри ва муҳаббати янада ортиши табиий. Аммо бу тадбирларнинг сонини ва инновацион ғоялар орқали сифатини ошириш фойдалан холи бўлмасди.

Ривожланган мамлакатларда китобхонликни тарғиб қилишда инновацион ғоялардан кўп фойдаланилади. Биргина мисол, Германияда шаҳар кўчаларининг четларида қизил телефон буткалари бор эди. Мобил алоқаларининг ривожига тўғрйли хозир улардан фойдаланилмайди. Лекин узокни кўзловчи немислар уларни китоб жавонларига айлантиришди. Эндиликда йўловчилар телефон буткаларидаги китобларни олиб мутолаа қилишади ва кейинги учраган буткада қолдириб, йўлида давом этишади.

Сирасини айтганда, аҳолини китоб мутолаасига даъват этишда бундай ўзига хос усуллар самарали натижа беради. Шу боис биз ҳам халқимизнинг маънавиятини ошириш йўлида янги инновацион ғоялардан унумли фойдаланишимиз керак. Бу борада аҳоли гавжум масканларда турли акциялар, интеллектуал ўйинлар ташкил қилиш жоиз. Зеро, маънавий онгимиз юксалсагина моддий жиҳатдан барқарор жамиятнинг кура оламиз.

Ўзбекистон санъат музейи янги қиёфага киради.

# БОҶИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИ ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

ЁХУД УЙЛИ ОДАМГА ЯНА УЙ БЕРИШ ҚАЙСИ МАНТИҚҚА ТЎҒРИ КЕЛАДИ?

Нима деб ўйлайсиз, халқ ва ҳокимият ўртасида девор ўрнатилгани яхшими ё кўприк? Албатта, кўприк бўлгани ҳар икки томон учун манфаатли. Сир эмас, узоқ йиллар халқ ва ҳокимиятнинг улкан деворлар ажратиб турди. Одамлар ҳоким ё каттароқ мансабдаги кишиларни деярли кўрмас, кўрганда ҳам унинг яқинига йўлай олмас эди. Оқибатда нимага эришди? Халқ ўз дардини кимга айтишни билмади, ҳокимият вакиллари эса муаммоларни кўрмади, кўрса ҳам кўрмасликка олди. Бундай узилиш сабаб муаммолар тўпланиб, давлат ва жамият олдида «даволаш» мушкул бўлган оғриқли масалалар қалқиб чиқди.

Шу маънода турли даражадаги раҳбарларнинг олис ва чекка худудларга бориб, одамлар билан мулоқотга киришадиганини узилиш ришталарни тиклашга уриниш сифатида баҳолаш мумкин. Мулоқот шакллари бугун шахсий, виртуал, сайёр ва оммавий қабуллар кўринишида давом этмоқда-ки, ҳаммасида одамларни қийнаётган масалалар ечим топиб, жойлардаги асл вазият яққол намоён бўлаётир.

## «Нима қилай, ўғлим ҳеч қаерда ишламайди»

Яқинда Қарши шаҳрида бўлган сайёр қабулда ёши 75-80 лар чамаси бир онахон газ, электр токи ва солиқдан анча қарз бўлиб қолгани учун моддий ёрдам беришларини сўради. Сухбат жараёнида маълум бўлишича, унга бу борада ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган 12 нафар фарзанди бор, уларнинг ҳаммаси уй-жойли экан.

Онахонга «Ўзингиз ўйланг, шу моддий ёрдамни имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган, муҳтож кишига берганимиз маъқул эмасми?! Ахир, улар кўпроқ хақли. Шундай қилинса, адолатдан бўларди»,

деди мутасадди. Аммо у бунга унамади, жавобдан кўнгли тўлмади. Начора, унинг мурожаати каноатлантирилиб, бир маргалик моддий ёрдам ажратилмади.

«Муаммоси» ечим топган онахонни суҳбатга тордик. «Нима қилай, кенжа ўғлим ҳеч қаерда ишламайди. Бу ёқда коммуналдан қарз бўлиб ўтирибмиз. Шунга ёрдам сўрадим-да, болам», дея ўз хатти-харакатини изоҳлади онахон.

## 19 та асосиз мурожаат

Шахрисабз туманида бўлиб ўтган қабулда 19 та мурожаат жойига бориб ўрганилганда, ҳеч қандай асосга эга эмаслиги аниқланди. Масалан, шахрисабзлик Ш.Д. исми аёл ер сўраб мурожаат қилган. Ҳолат ўрганилганда, туман ҳокимлиги томонидан берилган ерни фуқаро ўз максаллари йўлида сотиб юборгани маълум бўлди.

Буларни бежиз эсламадик. Чунки охириги пайтда шундай кайфиятдаги одамлар сони кўпайгандек. Эҳтиёжи хамин-қадар бўлса-да, давлат менга ёрдам берсин, дейишни ўзига эп кўришади. Қурби етса-да, ҳаммадан илнж кутади, кўмак сўрайверади. Фақат ўз манфаатини, иши тезроқ битишини ўйлайди, иккиланмай



бировга оғирини ташлаб қўяди. Озгина меҳнат қилишдан қочади.

## 106 та эҳтиёжманд оила уйли бўлди

Юртимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, айниқса, ногиронлиги бор шахсларни, хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда бу йўналишда юриштирилган сиёсат қай даражада экани барчага маълум. Шу қунгача мамлакатимиздаги қанчадан-қанча муҳтож инсонларга ижтимоий ёрдам қўли чўзилгани, уларга барча қулайлиги бор уй-жойлар берилганига гувоҳимиз. Бундай одамларнинг қувончига бевосита шерик бўлганлар ҳам талайгина.

— Биргина Қарши шаҳри мисолида олсак, жорий йилда 106 та эҳтиёжманд оилалар уйли бўлди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Махсуда Мустафоева. — «Шайхали» ва «Қат» маҳаллалари худудиде кўркам тураржойлар фойдаланишга топширилди. Ушбу хонадонлар ҳақиқий муҳтожлар, ногиронлиги бор шахслар, ночор хотин-қизларга берилди. Масалан, шу уйлاردан

бўлдики, бугун у яшаётган уй турмуш ўртоғининг номига расмийлаштирилган. Фуқаро эса эри билан қонуний никоҳда. Қўринадик, Н.Бозорова тураржойга эга. Ўз навбатида, уй ҳам яшаш учун яроқли, унда зарур шaroитлар мажмул. Икки нафар фарзанди эса аллақачон вояга етган.

Яна бир жиҳат. Н.Бозорова ижтимоий тармоқлар орқали мутасаддилар томонидан бу оилга зарур эътибор қаратилгани, бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилгани каби мавзуда мурожаат қилади. Лекин бу ҳолатга маҳалла эътироз билдирди.

— Н.Бозорованинг моддий аҳоли эътиборга олинб, бир неча бор кўмак кўрсатилган, — дейди маҳалла масъул котиби Олтин Бўриева. — Шаҳар ҳокимлиги томонидан маънавий техника жиҳозлари билан таъминланган. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан эса Тошкентда таҳсил олаётган ўғлининг контракт пулининг бир қисми тўлаб берилган. Маҳалладан доимий равишда моддий нафақа пули тайинлаб келинади. Лекин аёл ҳали ҳам ёзишда давом этапти. 26 август куни Н.Бозоровани вилоят ҳокими қабул қилиб, унга имкон қадар ёрдам бериш учун мутасаддиларга топширик берди.

Бундан ташқари, Қарши шаҳар ҳокимининг 2019 йил 24 июндаги қарори билан Н.Бозорованинг ўғли Р.Хусанова Қарши шаҳар «Арабхона» маҳалласининг Саройферон кўчасидан яққа тартибда уй-жой қуриш учун 200 квадрат метр ер майдони эътироф этиш ҳуқуқисиз берилган. Ер майдони ажратилган худуд марказдан йнрок ҳам эмас, бу ерда аллақачон тураржойлар қурилган, аҳоли яшайпти. Қолаверса, фуқарога ҳомийлик асосида қурилиш материалларининг бир қисми етказилган. Фақат бунда кишидан озгина меҳнат қилиш, ўзи ҳам бироз жон куйдириши талаб этилади, холос.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Конституциясини қабул қилганининг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда қилган маърузасида таъкидлаганидек, «Афсуски, жамиятимизда ханузгача боқимандалик кайфияти бутунлай барҳам топгани йўқ. Барчамиз бир нарсани тушуниб олишимиз керак: яхши яшаш учун энг аввало, яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни ҳам чуқур ҳис этишимиз зарур. Бунга эришиш эса фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ».

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Арзон уйлар кимларга ажратилади?

— Турмуш ўртоғим Қарши шаҳрида ишлайди. Қишлоқда уйимиз бор. Лекин биз Қарши шаҳрида қурилатган арзон уй-жойлардан бирини олмақчи эдик. Арзон уй-жойлар кимларга берилади?

Шохсанам РЎЗИЕВА,  
Чирқоч тумани.

Махсуда МУСТАФОЕВА,  
Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:  
— «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва

уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, бунда ариза берувчида мулк ҳуқуқи асосида тураржойини йўқлиги ва тураржойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз жойда яшаш, бошқа оила (оилалар) билан бир уйда (бир хонадонда) яшаш, кўп болали (уч ва ундан ортик), ариза берувчи оиласининг даромади, кам таъминланган оилада ёлғиз ўзи икки ва ундан ортик вояга етмаган фарзандларни тарбиялаётган аёллар (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумоти асосида), биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар қабилар инобатга олинади.

## Эътироз ўринлими?

Қарши шаҳар ҳокимлигидаги тегишли комиссияга ҳозиргача аҳолидан уй-жой олиш учун 350 дан зиёд ариза келиб тушган. Шулар орасида фуқаро Нилуфар Бозорованинг мурожаати ҳам бор. Қарор билан тасдиқланган Низомда ҳам алоҳида қайд этилган: маълум ижтимоий мезонларга мос келувчи фуқароларгагина арзон уй-жой билан таъминлашда устуворлик берилади.

— Шу талабдан келиб чиқиб, ариза берувчи — Н.Бозорованинг аҳоли ҳам тегишли комиссия томонидан ўрганилди, — дейди Қарши шаҳридаги «Қўрғонча» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳром Саҳибов. — Ҳақиқатан ҳам унинг ногиронлиги бор. Турмуш ўртоғи ҳозирда қамок жазосини ўтаётти. Қарамоғида 3 нафар фарзанди бор, икки нафари вояга етган. Лекин тегишли низомга кўра, комиссия Н.Бозоровага арзон уй-жой олишда тавсия беришни рад этган.

Н.Бозорованинг ҳолати тегишли ижтимоий мезонлар асосида баҳоланганда, маълум

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»



«Чархпалак» телесериали, «Забаржад», «Чаёнгул», «Тўмарис» синга-ри кино ва сахна асарлари билан мухлислари қалбидан жой олган актриса, «Дўстлик» ордени соҳиби, «Ўзбекфильм» давлат унитар корхонаси ҳамда Мудофаа вазирлиги қошидаги «Турон» театр-студияси актёри Элмира Раҳимжоновна билан санъат ва ҳаёт йўллари ҳақида суҳбатлашдик.

Элмира РАҲИМЖОНОВА:

# БУГУН ЗАМОНАВИЙ ТЎМАРИСЛАРГА ЭҲТИЁЖ КАТТА



— Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан «Дўстлик» ордени билан тақдирландингиз. Хушxabарни эшитганингиз кўнглингиздан қандай туйғулар кечди?

— Эҳтимол, сиз кутган гапларни айта олмасман, лекин кўнглимда борини оддий сўзлар билан тушунтиришга уриниб кўраман. Биласизми, актриса ҳаётда жуда кўп нарсалардан ўзини мосуво қилиб яшайди. Кўпинча қариндошларнинг тўйига боришга ҳам имкони бўлмайди. Гоҳида ҳафталаб сафарларга кетиб оила бағридан узокда бўламан. Баъзан фарзандларимга ўзим истаганчалик эътибор қарата олмаيمان. Шу боис гоҳида ҳаммасига қўл силтаб кетишни, оддий ўзбек аёли сифатида оила бағрида яшашни истаб қоламан. Кейин кўз олдимга ота-онам, шу даражага эришишимга сабабчи бўлган устозларим келади. Улар мен учун қанчалик машаққат чекканини ҳис этаман. Ана шу туйғу олдинга интилимимга сабаб бўлади.

Мукофотни олганим ҳақидаги хабарни эшитганимда дастлаб ана ўша меҳрибонларимнинг сиймоси кўз олдимга келди. Хушxabарни эшитган яқинларим, дўстларимнинг ўзимдан кўра кўпроқ қувонганини, севинч кўз ёшларини кўриб, ҳаётимдан, таянган йўлимдан мамнун бўлдим.

Киносинов жараёнида режиссёр мукофотга эмас, актёрнинг ўша образга қанчалик мос келишига, унинг истеъдодига қарайди. Ижодкор кўнгли одами! Кўрсатилган озгина эътибор ҳам уни янги марралар сари бошлайди. Мукофотни топириш вақтида айтилган илк фикрларни эшитиб, уни қабул қилиб олган ўзимга бўлган ишонч, масъулият ҳисси

икки баробар ошди. Бунинг учун ўзим, оилам ва дўстларим номидан Президентимизга миннатдорлик билдираман.

— Актёр қандай инсон бўлиши керак?

— Актёрнинг қалбида болаларча соддалик сақланиб қолган бўлиши керак. Бола қўлга кирита олмаган нарсалари учун йиғлайди. Ўзига ишончи йўқолади. Аммо озгина рағбат бериб, тўғри йўлга йўналтирсангиз ҳамма ишнинг уддасидан чиқади. Актёр ўша соддаликни, бегуборликни йўқотиб қўймаса, у юлдуз бўлиш учун ёки кун кечириб ваҳидан эмас, одамларга айтадиган гапи бўлгани боис роль ўйнайди. Режиссёр истаган образни ярата олади. Ёзувчининг айтмоқчи бўлган гапини ўзининг дил ихзори — дардлари, изтиробларига омухта қилиб, томошабинга етказиб беради. Қизиги буни олдиндан билмай-сиз. Образга киришганингиздан кейин ичкаридан, руҳиятнинг инсон акли етмайдиган олис нуқталарида яшириниб ётган туйғулар уйғонади. Буни ифода этиб бериб бўлмайди. Шунчаки, ҳис этиш керак.

Энг қизиги, бундай истеъдод саноклигина одамларга nasib этади. Афсуски, бугун кўпгина ёшларимиз роль ўйнаш деганда айтиладиган гапларни ёллаб сўзлаб беришни тушунади. Образнинг ичига киришга уринмайди. Бу йиллар давомида машаққатли меҳнат қилишни, тинимсиз ўқиб-ўрганганини талаб этади. Эҳтимол, мана шу локайдлик, ўз устида ишламаслик сабаб қанчадан-қанча истеъдодлар кашф этилмай қолиб кетаётгандир. Шунинг учун ёшларнинг телефондан бош кўтармай, китоб ўқимай тасвирга олиш майдонига бемалол келиши ғашимни келтиради. Лекин уларга танбех бериш ниятим йўқ. Улар ўзи ўқиб-ўрганмай бирон натижага

эришиб бўлмаслигини ҳис этмаса, сизу бизнинг гапларимиз кор қилмайди. Бунинг учун актёр театрга ишлаши керак. Театрда шундай бир сеҳр борки, у сизни ўзига махлиб қилиб қўяди. Эҳтимол, театрга юлдуз бўлиб танилиб кетмасиз, балки катта микдорда пул ҳам топмаслигингиз мумкин, лекин ҳеч қандай бойлик билан қўлга киритиб бўлмайдиган мўъжиза сизни ўзига тортаверади.

— Театр ҳақида гап очдингиз, айтингчи, бугун қўйилаётган сахна асарларидан кўнглингиз тўладими?

— Яхши асарлар ҳам кўйилапти. Лекин бугунги кун томошабини кечаги одамлар эмас. Одамларни кўпроқ пул топиш қизиқтирапти. Улар, ҳатто, фарзанди билан бемалол ўтириб суҳбатлашишга ҳам вақт тополмаяпти. Мана шу ўзгаришлар сабаб театрларда бугун кечагаги қараганда томошабин камроқ бўлиши мумкин. Демак, одамларнинг назари тўқ бўлиши керак. Дунёга келиб шунчаки яшаб ўтиб кетмаслик зарурлигини англаш даркор. Шунда театр-га ҳам, кинога ҳам вақт топади.

— Театрдаги Тўмарис, кинодаги Забаржад образларини ёнма-ён қўйиш хатодир, лекин назаримда улар орасида қандайдир уйғунлик борга ўхшайди. Бу Элмира Раҳимжонованинг руҳиятидаги бир қисм Тўмарис, бир қисм Забаржад эмасми?

— Эҳтимол, таҳмин тўғридир. Лекин бу ерда бошқа ўхшашликни кўраман. Тўмарис ҳам, Забаржад ҳам шарқ аёли!

Уларнинг мардлиги, садоқати, жасорати шарқона табиати билан боғлиқ. Одамнинг кўнглида ўзигагина аён бўлган хайкириги бўлади. Тўмарисда ҳам, Забаржадда ҳам ана ўша хайкирик, замонга, одамларга айтмоқчи бўлган гапи бор.

Лекин бир гапни айтишим керак, «Забаржад»дан кўнглим тўлмаган. Сценарий муаллифи Эркин Аъзам билан Забаржад образи ҳақида суҳбатлашганимизда у умуман бошқа аёл эди. Кино тийёр бўлгач қарасам, у биз кутгандек образ бўлиб гавдаланмабди. Шундай бўлса ҳам аксар томошабинлар ижобий қабул қилди.

Режиссёр Сайфиiddин Мелиев «Тўмарис» спектаклини сахналаштираётганини айтиб, Тўмарис ролини берганида рози бўлмадим. Аммо режиссёримиз мени ўзимга ишонтирди. Ижроим кутилмаганда «Эътироф — 2016»да эътироф этилди.

— Бугун замонавий Тўмарисга эҳтиёж борми?

— Тўмарис аслида афсона дейилади. Ҳар қандай афсонанинг замирида ҳақиқат бор. Тўмарис неча минг йиллар аввал яшаган аёл бўлса ҳам бугун замонавий Тўмарисларга эҳтиёж катта. Тўмарис фарзанди учун ҳамма нарсага тийёр. Сиз у ҳақидаги китобни ўқисангиз, унинг бола тарбиясида қандай йўл тутгани, керак вақтда фарзандини рағбатлантириб, зарурат бўлганида қандай жазолаганини билиб ундан сабоқ олиш кераклигини туясиз. Афсуски, аксариятимиз Тўмарисни мактаб дарслиги ва сахнадаги образ даражасида билимиз. Аслида ундан ўрناк олишимиз керак бўлган жиҳатлар кўп.

Замонавий оналаримиз эса, қундалик ташвишлардан ортмайди. Болага етарлича эътибор қаратмайди. Буни вақтнинг тизгиллиги, ўзига ҳам қарашга им-

кони йўқлигини айтади. Аслида аёл истаса, ҳамма нарсага улгиради. Худо уни шундай яратган. Мендан «Тўмарис ким?», деб сўрашади. У ОНА! Бўлди, унга бошқа таъриф беришга эҳтиёж йўқ. Ўзим ҳам бошқаларга намуна бўладиган даражада яхши она эмасдирман, лекин бугун замондош аёлларимизни аввало ОНА бўлишини истаيمان.

— «Она» номли қисқа метражли фильмдаги ролингиз Олмота ва Грузияда ўтказилган халқаро кинофестивалларда «Энг яхши аёл роли учун» номинацияси ғолиби бўлди. Кичик кино билан ҳам катта ютуққа эришиш мумкин экан...

— Ҳажм жиҳатдан кинонинг катта-кичиги бўлмайди. Қисқа метражли фильмда ҳам ижодкор ўз гапини айта олиши ёки сериалда роль ўйнаб ҳам томошабинга ҳеч нарса бермаслиги мумкин. Бу фақат актёрнинг ўзига боғлиқ эмас. Лекин очиги, мазкур ижроим кетма-кет халқаро фестивалда махсус номинацияга муносиб кўрилиши сира ҳаёлимга келмаган. Бу ёш режиссёрлар Ботир Абдурахмонов ва Абдуазим Илҳомовларнинг ютуғи. Ёшларнинг изланиши, тиниб-тинчимаслиги менда илик таассурот қолдирди.

— Тилақларингиз...

— Барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги билан чин қалбдан табриклайман. Юртимиз тинч бўлсин! Аҳлилимиз ва меҳр оқибатимиз йўқолмасин!

Боборован  
ҒОЗИДДИНОВ  
суҳбатлашди.

Ўзбекистонлик Меҳринигор Абдурашидова «Шарқ тароналари» Гран-присини қўлга киритди.

# ЧИНИҚТИРИШ БИЛАН КАСАЛЛИКЛАРНИ ЕНГИШ МУМКИНИМИ?



Фарзандларим ҳар йили ёзги таътилни қишлоқда, бобо-бувисининг баҳаво ҳовлисида мароқ билан ўтказишади. Тупроқ кечиш, сой сувиди чўмилишнинг гашти ўзгача. Бу саломатлик учун ҳам кони фойда экани ҳаммага маълум. Танаси чиниққан боланинг касалликларга чидамлилиги ошади. Бу эса унинг соғлом бўлиб вояга етишида катта аҳамият касб этади. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси 1-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси, педиатр Насиба Сотиболдиевага муурожаат қилдик.

## Юқумли касалликларга чидамни оширади

— Танани чиниқтиришга унинг муайян ташки омилилар таъсирини сезувчанлигини аста-секин пасайтириш орқали эришилади, — дейди Насиба Сотиболдиева. — Маълум даражадаги совук билан мунтазам таъсир кўрсатиш, асосан, паст ҳарорат таъсирини, иссиқ билан таъсир кўрсатиш эса юқори

ҳарорат таъсирини чидамликни оширади. Чиниққан одам, айниқса, шамоллаш ва юқумли касалликларга камроқ чалинади.

Чиниқтириш тартибини ёш, шахсий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда шифокор белгилайди. Бирор хасталик билан оғриган бемор учун чиниқтириш муолажалари вақтинча тўхтатилиб, соғайгандан сўнг яна давом эттирилади.



## Тана соғлом бўлади

Болаларни чиниқтириш, биринчи навбатда, бола организми ва иммунитетини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, боланинг мавсумий ўткир респиратор инфекциялар билан касалланишини, баъзи вирусли ва аллергия касалликлар енгил ўтишини таъминлайди. Чиниққан бола танаси соғлом, фаол, жисмоний яхши ривожланган бўлиб, ошқозон-ичак тизими, нафас олиш, юрак-қон томир тизимида муаммолар кам учрайди.

Чиниқтиришнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, буларга ҳаво, сув ҳамда қуёш ванналари мисол бўла олади. Баъзи ота-оналар бу муолажаларни мавсумий ёки маълум бир ёшдан сўнг қўлланадиган керак, деб ўйлайди. Аслида, чиниқтиришни бола туғилгандан сўнг, тўрт фазл давомида олиб бориш лозим.

## Тоза ҳавода сайр — кони фойда

Тоза ҳаво болалар организмни кислород билан таъминлайди, кислород сарфи ва моддалар алмашинуви эса болаларда катталарга караганда кучлироқ бўлади. Шунинг учун, соғломлаштиришни болалар хоналарини тўғри ва етарлича шамоллатиб туришдан бошлаш керак. Чиниқтириш тарикасида очик ҳавода сайр қилиш, ҳаво, ҳаво-қуёш ванналарини қабул қилиш усулларини фойдаланилади. Умумий ҳаво ванналарини ҳарорат соя жойда 20-22 даража бўладиган вақтдан бошлаш керак. Кичик мактаб ёшидаги болалар учун биринчи муолажа 10-15 дақиқа давом этади ва кейинги кунларда 2-3 минутдан узайтириб борилади. Ёзда ҳаво ванналарининг умумий муддатини 1,5-2 соатгача узайтириш мумкин. Салқин кунларда бу муолажа-

Болани ёшлигидан чиниқтириб бориш уларни ўткир ва сурункали касалликлардан асрайди, касалликларга қаршилигини оширади ва болани соғлом ўсишига ёрдам беради.

ни очик айвонларда ўтказиш максатда мувофиқ.

## Офтобда эҳтиёткорлик билан тобланинг!

Офтобда кам бўладиган болаларнинг рахит ва бошқа юқумли касалликлар билан кўпроқ оғриб туриши кўпчиликка маълум. Қуёш нурлари организмни чиниқтирадиган кучли омил, чунки қон айланишининг кучайиши билан териди пигмент моддалари кўпайиб боради. Тери жигаранг тусга кириб, ультрабионафша нурларини бирмунча чуқурроқ катламдаги ҳужайраларга ўтказмай қўяди. Бирок қуёш ванналаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак. Уларни овқатлангандан кейин камида 40-50 дақиқадан кейин қабул қилиш лозим. Болалар офтобда тобланганда биринчи ваннанинг муддатига эҳтиёт бўлиш ва тананинг ҳар бир томонини кўпи билан 3 дақиқа офтобга солиш керак. Сўнгра ҳар кун бир дақиқадан кўшиб борилади.

## Сув билан чиниқтираемиз

Чиниқтириш учун маҳаллий муолажалар, яъни совук сув билан юзиш, оёқни солиб ўтириш, оёқ панжаларини чайиш, ванналар, баданини ҳўл сочик билан ишлаб асаб, бошдан сув қуйиш, душда чўмилиш ҳам қўлланади. Сув билан чиниқтириш болаларда асаб, суяк-мушак тизими, тери касалликларининг олдини олишда самарали ҳисобланади. Ювиниш (аввал юз-қўллар, сўнгра кўкракни ювиш) илиқроқ сув билан бошланади, кейин эса сув ҳароратини уй ҳавосига мос ҳолда пасайтирилади. Болалар учун сув ҳароратини 15-16 даража иссиқликка пасайтириш мумкин.

Оёқни дастлаб 34-36 даража иссиқликдаги сувда ювиш керак, кичик кундан кейин эса ҳарорат 24-20 даражага секин-аста тушириб борилади. Бошланган муолажаларни йил бўйи давом эттириб туриш фойда беради.

Сув билан чиниқтиришнинг энг кучли усули очик сув ҳавзаларида чўмилишдир. Кичик мактаб ёшидаги болалар сув ҳарорати 20-22 даража бўлган пайтдан бошлаб чўмилиши мумкин. Кунига 1-2 маҳал чўмилишга руҳсат берилди. Сувга аста-секин тушиш сўнг сузиб кетиш тавсия этилади. Терлаб ёки қизиб турган ҳолда сувга сакраш қатъиян ман қилинади. Бу — совук сувдан мускулларнинг тиришиб, қисқариб қолишига ва бундан ҳам жиддийроқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Чўмилиб бўлгандан кейин баданини курук қилиб артиш ва соя жойга ўтириб дам олиш керак.

Ўпка сили, юрак касалликлари, камқонлик ва холсизлик, ревматизм, эпилепсия тутқаноқлари, шунингдек, яқинда (1-2 ой илгари) бошдан кечирилган ўткир болалар касалликлари бўлганларни очик сув ҳавзаларида чўмилишга ва баданини офтобда тобланишга мутлақо йўл қўйилмаслиги лозим.

Катта ёшдаги болалар қанча кўп тоза ҳавода ҳаракат қилса, фойдаси шунча сезилади. Масалян, мактабга автобусда эмас, балки пиёда боргани, кино кўргандан кўра, кўчада футбол ўйнагани, табиат қўйнига чиққани маъқул. Ёнг асосийси, ҳаракат тўрт девор орасида эмас, балки очик ҳавода бўлиши зарур.

Кийим терлатмайдиган бўлиши шарт. Шамоллашга совук қотишдан кўра, терлаш кўпроқ сабабчи бўлади.

«Mahalla» мухбири  
Шахноза  
РАҲИМХҲҲАЕВА  
ёзиб олди.

## ОТА-ОНАЛАРГА ФЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР:

- Болани ҳар қандай ҳавода кўчага олиб қичинг.
- Фарзандингизни ҳаракатчан ўйинларга жалб қилинг.
- Терлаш даражасида қалин кийинтирманг.
- Овқатни мажбурлаб едирманг.



- Агар бола кўп касал бўлаётган бўлса, ўқиш жараёнини бўшаштиринг (музыка, чет тили, қўшимча дарсларни қамайтиринг).
- Денгиз, ўрмон ва тоққа кўпроқ саёхат уюштиринг.
- Болалар хонасини тез-тез шамоллатиб туринг.

- Агар бола кўп касал бўлаётган бўлса, ўқиш жараёнини бўшаштиринг (музыка, чет тили, қўшимча дарсларни қамайтиринг).
- Денгиз, ўрмон ва тоққа кўпроқ саёхат уюштиринг.
- Болалар хонасини тез-тез шамоллатиб туринг.

## Чиниқтириш муолажаларида амал қилиш зарур бўлган ҳолатлар:

- Муолажалар босқичма-босқич кучайтириб борилади. Масалан, ҳаво ёки офтобда туриш вақтини аста-секин ошириб бориш, сув ҳароратини эса қамайтириб бориш тавсия этилади.



- Таассуротларни ўзгартириб борамиз. Айтилик, болани очик ҳаво таъсирини ўргата бўлдик. Кейин баданини сочикни ҳўллаб артишга, сўнгра бошидан сув қуйишга, сув ҳавзаларида чўмилишга ўтиш мумкин.

- Тизимли ва тўхтовсиз бўлсин. Чиниқтириш муолажаларини йилнинг ҳамма фаслларида ҳар кун ёки кунора тўхтовсиз ва мунтазам равишда ўтказиб туриш керак.

- Ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оламиз. Чиниқтиришни бошлашдан аввал боланинг саломатлиги қандай эканига эътибор қаратиш жуда муҳим. Бунда бизга шифокор тавсиялари ёрдам беради.

Самарқандда яна бир университет филиали ташкил этилади.



Қулоқ нафақат эшитув аъзоси, балки бош мияга энг яқин орган ҳам ҳисобланади. Шу боис унинг шикастланиши ёки турли инфекциян касалликларга учраши инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Қулоқ органининг асосий қисмларидан бири — бу қулоқ пардасидир.



## ҚУЛОҚ ПАРДАСИ ТЕШИЛСА, ТИКЛАНДИМИ?

МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, 55 ФОИЗ ёрилган қулоқ ноғора пардаси ҳеч қандай аралашувсиз МУСТАҚИЛ ТИКЛанади. ЖИДДИЙ КЛИНИК ҲОЛАТЛАРДА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ўТКАЗИЛАДИ

Қулоқ пардаси (ноғора парда) — ташқи қулоқни ўрта қулоқдан ажратадиган мембрана. Ушбу тузилманинг асосий вазифаси овозни узатишдир. У овоз узатиш занжиридаги биринчи ҳалқа ҳисобланади. Ноғора парда эшитув суякларни бўйлаб эшитиш тизимининг чуқурроқ қисмларига овозли тебранишларни сифатини бузмаган ҳолда узатиш имконини беради.

Шунингдек, ноғора пардаси ташқи муҳит таъсирини жуда сезувчан орган бўлиб, унинг лат ёйиши, тешилиши ёки йиртилиши оқибатида эшитиш қобилияти вақтинчалик ёки қайта тикланмас даражада йўқолиши, ўрта қулоққа инфекция тушиш хавфини туғдиради. Қулоқ ноғора пардасининг яхлитлиги бузилиши эшитиш қобилиятига жиддий зарар етказиши мумкин.

### Бунга қандай омиллар сабаб бўлади?

Қулоқ пардасининг тешилишига турли жараҳатлар сабаб бўлади. Қулоқ тозалаганда тозалагични қулоқ ичкари ўрта қулоққа киритиб юбориш ёки қулоқ ичига кириб қолган ёт жисмлар, хуеусан, турли хашаротларнинг зарар етказиши шулар жумласидан. Шунингдек, қулоқ остида янграган кучли овоз, учганда, транспорт орқали тоғли минтақаларда

Қулоқ пардаси тешилганини қандай билиш мумкин? Унинг ўзига хос белгиларидан бири — қулоқда шовқин пайдо бўлишидир. Атрофдаги товушларни эшитиш ва нутқнинг бузилиши, қулоқдан шаффоф суюқлик, қон ёки йиринг оқиши, бош айланишини чақирадиган кўнгил айниши ва қайт қилиш ҳам қулоқ тешилишининг белгисидир.

бўлганда ҳаво босимининг ўзгариши ёки қулоқ атрофига қабул қилинган зарба, ўрта қулоқдаги ўткир яллиғланиш, баротравма, эксудатив, ўрта отит каби қулоқ касалликлари ҳам ноғора пардаси тешилишига олиб келади.

Қулоқ пардаси тешилганини қандай билиш мумкин? Унинг ўзига хос белгиларидан бири — қулоқда шовқин пайдо бўлишидир. Атрофдаги товушларни эшитиш ва нутқнинг бузилиши, қулоқдан шаффоф суюқлик, қон ёки йиринг оқиши, бош айланишини чақира-

диган кўнгил айниши ва қайт қилиш ҳам қулоқ тешилишининг белгисидир.

### Энг охири чора — операция... (ми?)

Кўпчилик қулоқ пардаси тешилса, тикланмайди, деб ўйлайди. Бирок қулоқ пардаси жароҳатдан сўнг кўп ҳолларда тикланади. Статистик маълумотларга кўра, 55 фоиз ёрилган қулоқ ноғора пардаси ҳеч қандай аралашувсиз мустикал тикланади. Битиб кетиш танадаги ҳар қандай жароҳатда бўлгани каби табиий равишда содир бўлади.

Жиддий клиник ҳолатларда жарроҳлик амалиёти ўтказилади. Операция умумий ёки маҳаллий анестезия остида ўтказилиши мумкин. Агар тешикни ёпиш учун материал керак бўлса, кўпинча бунинг учун қулоқ супраси устидаги тери олинади. Манипуляция микроасбоблар ва ўз-ўзидан сўриладиган чокларни қўллаш орқали микроскоп назорати остида амалга оширилади.

Тикланиш даврида қатъий рию қилиниши керак бўлган бир қатор тавсиялар мавжуд. Биринчидан, бурунни кескин қоқиш мумкин эмас, бурундан интенсив нафас олиш ва ўрта қулоқдаги босимни кучайтирадиган бошқа ҳаракатлар бажариш тақиқланади. Сузиш тавсия этилмайди. Чунки қулоққа суюқлик тушмаслиги керак. Бундан ташқари, ҳаво транспорти билан саёҳат қилиш мумкин эмас.

Агар қулоқ пардаси тешилган бўлса, пайсалга солмасдан лоршифокор назоратида даволаниш шарт. Акс ҳолда, қулоққа турли инфекциялар тушиши оқибатида яллиғланиш жараёни жадаллашиб кетади. Бу эса асорати оғир бўлган бошқа хасталикларга сабаб бўлиши мумкин.

Азимжон АШУРОВ,  
«Silver» клиникаси, лор  
отолорингологи.

## ЕР ҚАТТИҚ ПАЙТИ ТИШ ЧИҚИШИ ОҒРИҚЛИМИ?



БОЛАНИНГ ТИШИ КЕЧ ЁКИ ЭРТА ЧИҚИШИГА ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАР, ОРГАНИЗМДА МОДДА АЛМАШИНУВИ ЁКИ ИЧАК ФАОЛИЯТИНИНГ БУЗИЛИШИ САБАБ БЎЛИШИ МУМКИН

Тиш чиқиши гўдак ҳаётидаги муҳим ҳодисалардан бири. Бу ҳолат боланин неча ойлигида содир бўлиши турли омилларга боғлиқ. Бунга ирсият, яъни чақалоқ ота-онасининг тиши қачон чиққани ёки унинг организмда



кальций микдори қай даражада экани сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, иссиқ климатда яшовчилар ҳамда қиз болаларда тиш эртароқ чиқади.

Одатда, болаларнинг тиши олти-саккиз ойлик даврлигида чиқади. Бу бир ёки бир ярим ой фарқ қилиши мумкин. Бирок бола бир ёшга тўлганида ҳам биронта тиш кўринмаса — шифокорга мурожаат қилиш керак. Чунки боланин тиши кеч ёки эрта чиқишига инфекциян касалликлар, организмда модда алмашинуви ёки ичак фаолиятининг бузилиши сабаб бўлиши мумкин.

### Бола тиши чиқаётганида инжиқ бўлиб қолади

Кексаларимиз ер қаттиклигида, яъни йилнинг иссиқ ойларида тиш чиқиши кийин бўлади, дейиш мумкин. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аввало, ёз фаслида ичак инфекциялари фаоллашади. Боланинг иммунитетини унинг тишлари чиқиши сабабли сусяяди. Шу туфайли ичак фаолиятининг бузилиши кузатилиши мумкин. Бундан ташқари, организм иссиқ кунларда кўп суюқлик йўқотади. Бу эса модда алмашинуви-га таъсир кўрсатади. Шу боис болага ёз кунлари, айниқса, тиши чиқаётганида кўпроқ суюқлик бериш керак.

Умуман, бола тиши чиқаётганида инжиқ бўлиб қолади. Тана ҳарорати ошиши, ич кетиши, милклариди оғриқ бўлиши, уйқу режимининг бузилиши ҳамда иштахаси йўқолиши мумкин. Аммо эслатиб ўтамиз, юқоридидаги аломатларни айрим касаллик белгилари билан адаштириб юборманг. Масалан, боланин тана ҳарорати ошиб, бола йўталиб, бурун оқаётган бўлса, у ҳолда бола шамоллаган бўлиши мумкин. Ёки боланин ичи кетиши кучайиб бориб, унга қайт қилиш ҳам қўшилиб кетса, демак, бола инфекциян касалликка учраган, уни дарҳол даволаш лозим.

### Болани қандай парваришlash керак?


Боланинг милки шишиб, сўлаги кўп оқа бошласа ва ҳамма нарсани оғизга олиб бораверса, унинг тиши чиқаётган бўлади. Хўш, бундай пайтда нима қилиш керак? Энг аввало, кўпроқ эмизish тавсия этилади.

Шунингдек, стоматитнинг олдини олиш учун стерилланган бинтига бармоғингизга ўраб (кўлингизни совунаб ювинг, тирноқлар олинган бўлсин) қайнаган сувга ботиринг, сўнгра болакай милки устини аста артиб олинг. Овқатдан кейин болага бирор бўлак сабзи, олма ёхуд қоттан нон беринг. Чунки чайнаш милкни мустаҳкамлайди, қон айланишини яхшилайдиган ҳамда тишларнинг ўсишига ва соғлом бўлишига имкон беради.

Милклардаги оғрикни сусайтириш учун махсус резина ўйинчоқлар ҳамда совутилган мойчечак дамламасидан беринг. Совуқлик милклардаги қичишишни тўхтатади. Зарур бўлган ҳолларда дорихоналарда оғрик колдирувчи махсус геллардан фойдаланиш мумкин.

Мухтасар айтганда, фарзандингиздаги ҳар бир ўзгаришга эътиборли бўлинг. Чунки организмдаги ўзгаришлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Шунин унутмангки, унинг соғлом ва ақлан етук бўлиб вояга етиши фақатгина сизга боғлиқ.

Фохриддин РЎЗИЕВ,  
Қарши шаҳар тез тиббий  
ёрдам станцияси шифокори.







# «КАТТА ЕТТИЛИК» ДАВЛАТЛАРИ НЕГА РОССИЯНИ ҚЎШИБ ОЛИШНИ ИСТАМАЯПТИ?

САММИТЛАРИДА, АСОСАН, РОССИЯ МАВЗУСИ ЁКИ УНИНГ ЭРОН, ВЕНЕСУЭЛА, СУРИЯ, ШИМОЛИЙ КОРЕЯ, УКРАИНА ЗИДИЯТЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ. ВАҲОЛАНКИ, УЧРАШУВДА РОССИЯНИНГ ЎЗИ ИШТИРОК ЭТМАС ЭКАН, БУ МАВЗУЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ МАЪНИСИЗ

Жаҳоннинг иқтисодийети юксак ривожланган етти мамлакати — АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Япония, Франция ва Италия раҳбарлари «Катта еттилик» клуби доирасида бу сафар Франция мезбонлигида тўпланишди. Дунёнинг энг ўткир муаммолари муҳокама қилинган учрашувда экспертлар кутганидек, АҚШ ва Буюк Британиянинг тузилмага аъзо бошқа мамлакатлар билан қарама-қаршилиги юз бермади. Кўплаб масалалар юзасидан фикрлар хилма-хиллигига қарамай, «Катта еттилик» еттиликча қолди.



## Дунё учун АҚШ — Россия муносабатлари муҳимрок

Аслида дунё учун Россия ва АҚШ муносабатлари муҳимрок. Улар ўртасидаги ийлиқлик оз бўлса-да, дунё барқарорлигига хизмат қилади. Тўғри, дунёнинг турли минтақаларида таъсир доирасини бўлиш интилинлари, манфаатлар тўқнашуви алоқаларга соя солиб келган. Телеэкранлар қаршисида табассумлар, қўл сикшлар ҳаммаси рисоладек кечаётганини аңлатмайди. Олий даражадаги музокаралардан кейин ҳаммаси «эски тос, эски ҳаммом» бўлган кезлар кўп бора юз берган.

Бугун Сурия, Украина, Венесуэла, Эрон, Афғонистон, Шимолий Корея мавзуси билан боғлиқ муаммолар кун тартибига чиққан. Албатта, АҚШ — Россия вакилларининг мулоқоти тўхтаб қолган 2015-2019 йилларда бу мамлакатлардаги вазият қанчалик тараққийлагани гувоҳ бўлди. Аммо 2019 йилнинг май ойида АҚШ Давлат қотиби Майк Помпеонинг Сочида Россия президенти Владимир Путин ва ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан учрашуви-дан кейин дунёдаги кескинлик оҳанги бироз пасайди.

Айниқса, Венесуэладаги ҳукумат ва муҳолифат зиддиятида «пауза» пайдо бўлди. АҚШ Суриядан қўшинларини олиб чиқишга киришди. Украина шарқда тинчлик ўрнатишга қаратилган «Минск-2» келишувини доирасида Украина ва Донбассдаги айирмачи расмийлар ўртасида музокаралар қайта тикланди. Нихоят, Молдовадаги сиёсий инқирозга биринчи марта Россия, Европа Иттифоқи ва АҚШ воситачилигида ечим топилди. Россияпараст социаллистар ва европапараст АСУМ блоқи коалицияси ҳукуматни шакллантиришга муваффақ бўлди.

\*\*\*

«G7» форматигадаги учрашувлар эндиликда сиёсатни эмас, балки у ҳақдаги хотираларни эслатмоқда. «Еттилик» давлатларининг рўй бераётган ҳодисаларга таъсир ўтказиши сезиларли даражада пасайган ва бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди. «Еттилик» аъзолари жараён иштирокчилари мактабини йўқотиб, АҚШ қўзғусига айланди. Қўзғулар билан эса ҳеч ким гаплашишни хошламайди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

## Яқуний ҳужжатда нималар акс этди?

Франциянинг Атлантика океанига туташ Биарриц курорт шаҳарчасидаги етакчи дунё давлатларининг 44 йиллик учрашуви тарихида биринчи марта яқуний ҳужжат имзоланиши барбод бўлишига бир баҳа қолди. Ҳужжат имзоланди, бироқ атиги бир саҳифадан иборат бўлди ва савдо масалалари, Эроннинг ядро дастури, Украина, Ливия ва Гонгконгдаги вазиятни ўз ичига олди.

Рўйхатда биринчи банд бўлиб савдо масалалари турибди. Унда таъкидланишича, «G7» очик ва адолатли савдо ҳамда жаҳон иқтисодийети барқарорлиги тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, «еттилик» иштирокчиларининг Жаҳон савдо ташкилотини самаралироқ қилиш учун бир неча соҳалар бўйича ўзгариш истаги билдирилган. Эрон ядро дастури иккинчи банд бўлиб турибди. «Биз икки мақсад борасида тўқнаш ақлимиз: Эронда ядро қуролига йўл қўймаслик ва минтақада тинчлик ҳамда барқарорлик ўрнатишига қўмақ бериш», деб таъкидлашган клуб аъзолари.

Учинчи ўринда Украинадаги вазият ҳукмрон. Ушбу бандда Франция ва Германия яқин ҳафталадарда «норманд формат»да учрашув ташкиллаштиришга эътибор қаратилган. Яқуний баёноتنинг тўртинчи бандида Ливия масаласига эътибор қаратилган. «Катта еттилик» етакчилари ушбу давлатда ярашувни қўллаб-қувватлашади. Баёноتنинг охириги бандида Гонгконгдаги вазиятга тўхталган. Баёнот муаллифлари у ерда зўравонликдан қочишга чақирилган ва 1984 йилда Буюк Британия ҳамда Хитой ўртасида тузилган декларация муҳимлигини таъкидлаб ўтишган.

## Саммитга Эрон томони нима учун чақирилди?

Анжуманда «ёниб» турган дунё муаммолари туриб, Бразилиядаги ўрмон ёнғинларини кутқариш мавзусига кўпроқ эътибор қаратилди, десак янглишмаймиз. Бразилия «Катта еттилик» давлатларининг Амазония ўрмонларидаги ёнғинларни ўчиришдаги ёрдами рад этди. Аввалроқ Франция президенти Эммануэль Макрон «еттилик» Амазониядаги ўрмон ёнғинларини ўчириш учун 20 млн. евро микдорида шопилинч ёрдам юборишини айтган. Канада ҳам 15 млн. доллар ажратишга ваъда берган. Бироқ Бразилия ушбу ёрдамни олишни истамаган.

Саммит мезбони Франция президенти Эммануэль Макрон кўплар учун қутлимгаганда Биаррицга Эрон ташқи ишлар вазири Мухаммад Жавод Зарифни таклиф этди. Эрон бош дипломати билан музокараларнинг асосий мавзуси Вашингтон ва Техрон ўртасидаги охириги бир неча ойлардан бери жиддий мोजарога сабаб бўлиб келаётган Эроннинг ядровий дастурига оид халқаро келишувни саклаб қолиш бўлди.

Маълумки, АҚШ Техроннинг ядровий қурол яратишига йўл қўймаслик мақсадида 2015 йилда имзоланган шартномадан бир томонлама тартибда қайт кетган ва санкцияларни қайтадан тиклаган эди. Бунга жавобан Форс кўрфази давлати ядровий дастурига оид битимдан босқичма-босқич чиқишини ва ҳужжатда кўрсатилган даражадан юқори микдорда уранин бойитишини эълон қилди. Макроннинг Зариф билан учрашуви ҳам муваффақиятли деб тан олинди. Ваҳоланки, Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари 2015 йилдаги келишувни қайта қўриб чиқиш хусусидаги музокаралар олиб борилмаслигини ошкор қилди.

## Россия ташкилот аъзолигига қайтадими?

Биаррицда Россия иштирокида «Катта саккизлик» шаклига қайтиш эҳтимоли ҳақидаги савол ҳам кун тартибига қўйилди. «G8»ни тиклашни аввалгидек АҚШ президенти таклиф этди. Негаки, клуб саммитларида, асосан, Россия мавзуси ёки унинг Эрон, Венесуэла, Сурия, Шимолий Корея, Украина зиддиятларидаги иштироки муҳокама қилинади. Ваҳоланки, учрашувда Россиянинг ўзи иштирок этмас экан, бу мавзуларни муҳокама қилиш маънисиз кўринади. Гоёни истеъфога кетаётган Италия бош вазири Жозеппе Конте қўллаб-қувватлади, Япония бош вазири Синзо Абэ нейтрал позицияни саклаб қолди. Франция, Буюк Британия, Германия ва Канада Россиянинг «Катта саккизлик»га қайтиш таклифига рад жавобини беришди. Уларнинг фикрича, Москва 2014 йилда клубдан чиқарилишига олиб келган Крим аннексияси ва Украина шарқдаги уруш оқибатлари ҳануз бартараф этилмаган.

Эслатиб ўтамиз, Россияни «Катта саккизлик»дан 2014 йилнинг мартада мамлакат клубга раислик қилаётган пайтда чиқариб юбориши: Сочида белгиланган учрашувга ҳеч қайси давлат вакили келмади.

Келгуси «G7» саммити 2020 йилда АҚШда ўтказилади. Францияда Дональд Трамп ҳамкасбларни Россиянинг етакчи давлатлар раҳбарлари учрашувидаги мақомини тиклаш заруратига ишонтира олмади. Айни пайтда АҚШ президенти 2020 йилги Майамида ўтадиган йиллик тадбирга Россия президенти Владимир Путинни таклиф этиши мумкинлигини назардан соқит қилмади.

Япониянинг Ўзбекистондаги янги элчиси тайинланди.

# СПОРТИМИЗДАГИ НАТИЖАЛАР ЯКУНИЙ МАРРА ЭМАС

ҲУДУДЛАРДА ЕНГИЛ КОНСТРУКЦИЯЛИ  
СЕНДВИЧ ПАНЕЛЛАРИ АСОСИДА  
ЯНГИ СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛАДИ

Мамлакат довуғини дунёга тез ёйишда ҳеч бир соҳа спорт билан тенглашолмайди. Юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли дунёнинг турли минтақаларида бўлиб ўтаётган нуфузли мусобақаларда спортчиларимиз юксак ғалабаларни қўлга киритишга таянгандан фахрланамиз. Янада муҳим жиҳати, спорт ва жисмоний тарбия ривожини энг аввало, соғлом авлодни тарбиялаш, миллат генофондини яхшилаш, умр кўриш давомийлигини оширишга хизмат қилади.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг учрашув ва мулоқотларда инсонлар саломатлигини асраш, айниқса, ёшларнинг спорт билан мунгазмани шугулланишига зарур шароитлар яратиш масалаларига алоҳида урғу бериши бежиз эмас.

Спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар хусусида мутахассислар билан суҳбатимизга ҳам ана шу ифтихор туйғуларини сабаб бўлди.

## Осиё ўйинлари дастурига киритилди

— Сўнги икки йил ичида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган соҳани янада ривожлантириш, халқаро майдондаги ғалабалар салмоғини ошириш, спортда бошқарув тизимини такомиллаштириш борасидаги фармон ва қарорлар биз — спорт ахли учун улкан имкониятлар эшигини очиб берди, — дейди Миллий олимпия қўмитаси вице-президенти, Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Солен Полатов. — Ўтган йилги мусобақалар тақвимидан ўрин олган энг нуфузли спорт анжумани — Индонезияда ўтказил-

ган XVIII ёзи Осиё ўйинларида спортчиларимиз 21 та олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза — жами 70 та медални қўлга киритди. Мамлакатимиз олтин медаллар сони бўйича 5-ўринни эгаллагани ўзбек спорти тарихида энг яхши натижа бўлди. Зотан, бунгача Ўзбекистон спорт делегацияси Осиё ўйинларида олти мартаба иштирок этган бўлса-да, ҳеч қачон бу қадар ёрқин ғалабаларни қўлга киритмаган. Қувонарлиси, миллий спортимизнинг Осиё ўйинлари дастуридан ўрин эгаллаши бутун ўзбек спортининг улкан ютуғи бўлди.

20 йил деганда миллий қурашимиз Осиё ўйинлари дастурига кирди. Қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг ажралмас қисми бўлган кураш қитъамизнинг энг нуфузли мусобақасида катта қизиқиш ва ҳаяжон билан қарши олинди. Бу эса ҳар бир ватандошимиз қалбида фахрий ифтихор туйғуларини уйғотиши шубҳасиз. Бевосита мусобақага келадиган бўлсак, унда ўзбек ўгил-қизлари яққол устунликка эга бўлдилар.

Дарҳақиқат, ўтган йил спортчиларимиз учун ғалабали оларга бой бўлди. Юртимизда 500 га яқин мусобақа ва 52 та ўқув-маш-

ғулот йиғини ўтказилди. 205 та нуфузли халқаро мусобақаларда (жаҳон ва Осиё чемпионатлари, халқаро турнирлар) 1804 нафар спортчи иштирок этди. Улар кескин ва муросасиз баҳсларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 520 та олтин, 544 та кумуш ва 588 та бронза, жами 1652 та медални қўлга киритди.

Шунингдек, 14 та халқаро ўқув-йиғини ҳамда 3 та илмий-амалий конференция ва конгрессда юртимиз спортчиларининг иштироки таъминланди.

## Энг яхшилар аниқланди

— Бутун ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари қайд этаётган натижаларга дунё ҳавас қилмоқда, — дейди Бокс бўйича терма жамоа мураббийи Бехзод Хидиров. — Осиё бокс конфедерацияси йилнинг энг яхшиларини аниқлаш мақсадида сўрновнома ўтказди. Натижаларга кўра, Исроил Мадримов «Осиёнинг энг яхши боксчиси», дея эътироф этилди. Ушбу йўналишда умидли боксчимиз Иқболжон Холдоров учинчи бўлди. «Осиёда йилнинг энг яхши техник мутахассиси» йўналишида шифокор Дилшод Казакоевга тенг келадигани топилмади. Ҳамюртимиз Александр Хамидов эса 2018 йилда «Осиёнинг энг яхши хаками» номинациясига сазовор бўлди. Шунингдек, юртимизда «Осиёнинг энг яхши спортчиси» номинацияси ташкил этилиб, унга жаҳон чемпионатида 102 килограммгача вазн тоифасида даст кўтаришда жаҳон рекордини янгилаб, олтин медал билан тақдирланган, ёшлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпионатларида муваффақият қозongan Акбар Жўраев муносиб деб топилди. Спортчи белгиланган намунадаги гувоҳнома ҳамда 10 000 АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағи билан тақдирланди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси томонидан илк мартаба катта масштабдаги «National Sports awards — 2018» (Миллий спорт мукофоти — 2018) ташкиллаштирилиб, унда



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ: ЎЗБЕКИСТОНДА УМРБОД МАОШ ОЛАДИГАН СПОРТЧИЛАР БОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорига асосан, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари учун умрбод ойлик тўловлар тўлаб борилади.

Ҳозирда умрбод ойлик тўлов тўлаб бориладиган Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндори сони 57 нафарга етган.

Агар спортчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқса ёки мусобақада бошқа давлат номидан иштирок этса, бутунжаҳон антидопинг ташкилоти (WADA) томонидан тақиқланган дори воситалари қўллагани аниқланиб, Олимпия ва Паралимпия ғолиб ва совриндорлигидан маҳрум этилса, суд қарорига мувофиқ озоликдан маҳрум этилса ёки вафот этса, умрбод ойлик тўлови тўхтатилади.

Таъкидлаш жоизи, спортчи келгуси Олимпия ва Паралимпия ўйинларида яна ғолиб ва совриндор бўлса, унга умрбод ойлик тўловлар оширилган миқдорда тўланади.

18 хил йўналишда спортчилар танлаб олиниб тақдирланди. Ушбу танлов Миллий Олимпия қўмитаси расмий сайтида ўтказилган сўрновнома асосида амалга оширилди.

## Спорт объектлари учун 281 миллиард сўм ажратилди

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 31 июлдаги фармойиши билан 2019 йилда жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастур тасдиқланди.

Унга кўра, жорий йилда 51 та объектда 281 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Уларнинг 25 таси янги спорт иншооти сифатида қад кўтарилди, 21 та мавжуд спорт мажмуасида реконструкция ва 5 та мажмуада капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, илк марта Жиззах вилоятининг Фориш, Самарканд вилоятининг Нуробод, Тошкент вилоятининг Бўка, Тошкент, пойтахтимизнинг Уч-тепа, Мирзо Улуғбек туманларида енгил конструкцияли сендвич панеллари асосида янги спорт иншоотлари қурилади.

## Хулоса ўрнида

— Юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш ёшларимизнинг кўлида, — дейди «Абдирашид полвон Мирзаев» кураш клуби тренери Абдирашид Мирзаев. — Спорт — тинимсиз меҳнат ва матонат демакдир. Бу соҳада меҳнат қилаётганлар эса доим эътиборда. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма саккизи йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ юртимиз спортни ривожини йўлида ўз хиссаларини қўшиб келадиган катор спортчи ва мураббийлар катори мен ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» мукофотига сазовор бўлдим. Бу — йиллар давомида қилган меҳнатимга берилган баҳо. Мен каби мураббийлар бундай эътибор ва эътирофдан сўнг дунёга донги кетган чемпионларни етиштиришдан толмаймиз.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

## ДАРВОҚЕ...

Жорий йилнинг 3 январида Президентимиз томонидан имзоланган «Жаҳон чемпионатида юқори натижаларга эришган спортчиларни тақдирлаш тўғрисида»ги фармойишга биноан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича 2018 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган бир гуруҳ спортчилар ва уларнинг мураббийларининг ҳар бирига бир марталик пул мукофоти ажратилди.

Унга кўра, жаҳон чемпионатининг олтин медални соҳиблари 12000, кумуш медал соҳибдорлари 6000, бронза медалига эга чиққан спортчиларимиз эса 3000 АҚШ доллари миқдоридagi мукофот пули билан тақдирланиши. Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишга асосан, шогирди чемпион бўлган мураббийга 6000, вице-чемпионларни етиштириб чиқарган мураббийларга 3000 ва шогирди бронза медалга эга чиққан мураббийларга 1500 АҚШ доллари миқдоридagi мукофот пули топширилган.

Ўзбекистонлик таэквондочилар жаҳон чемпионатида 3та медални қўлга киритишди.



# БИРИНЧИ ЎЗБЕК ВРАЧ АЁЛИ ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИ

**1922 йилнинг кузида Туркистон Республикаси «Кўмак» жамияти томонидан Германияга тахсил олиш учун юборилган 16 нафар талаба орасида Хайриниса Мажидхонова ҳам бор эди. Ўша даврнинг илгор фикрли ёшлари қаторида Европага билим олиш учун йўл олган бу қиз ким эди ва у ҳақда нималарни биламиз?**



Хайриниса Мажидхонова 1905 йил 25 декабрда Тошкент шаҳрида зиёли оилада дунёга келди. Отаси маърифатпарвар инсон бўлган Мажидхон Жалилов Россиянинг Москва, Санкт-Петербург каби қатор шаҳарларига сафар қилган, жадидчилик ғоялари билан яхши таниш эди. Шу боис у оила аъзоларининг, хусусан, қизларининг европача таълим олишига шароит яратди. Мирободдаги янги мактабда тахсил олган Хайриниса замонавий билимларни пухта эгаллади, рус ва немис тилларини ўрганди.

## Тараққиёт ва истиқбол қайғуси

— Эътиборли томони, ўсмир киз ўша пайтдаги жаҳид мабрутинни кузагиб борарди, — дейди тарихчи Баҳром Ирзаев. — Айни шу нарса унинг дунёқарашини шакллантиришга таъсир кўрсатди. Хайринисани кенг фикрлашга ўргатишда биринчи ўзбек хотин-қизлар билим юртида ўқиётган опаси Ойпошшахон ҳам катта ёрдам берди.

1922 йили Хайриниса Мажидхонованинг «Туркистон» газетасида чоп этилган мақоласи шундай дейишимизга асос беради. Мақолада эндигина 17 ёшни қаршилаган қизнинг Ватан истиқболи ҳақидаги орзу-истаклари ўрин олди. Ордан қариб юз йил ўтганига қарамай, мақолада илгари сурилган фикрлар тараққиёт учун долзарб аҳамиятга эга эга экани эътиборимизни тортади.

«Туркистоннинг дунё савдо майдонида тутқон вазияти XVII асрдан бери тубан даражада қолди келди. Бу аср умуман муслулмон мамлакатларининг таназзул даври бўлиб, таназзулнинг ҳам кўп сабаби қаровон йўлларининг аҳамияти кетиб, ғарбдилар тарафидан денгиз йўлларининг юксалтирилиши эди. XIX асрда ҳам Туркистон Ғарбий Овруподан узок бўлганлиги учун, тараққиёт томонидан бошқа муслулмон мамлакатларидан ҳам тубан даражада турди... Фақат Россиядан темир йўл келиб, савдо майдони кенгайди... Бундан очик аниқлашадирки, бизнинг

мозийимизни порлоқ қилгон — элимиздан ўтган қаровон йўли бўлса, истиқболимизни порлоқ қилгучи, элимизни жаҳон савдо майдонида тутқандиргучи улуг темир йўлдир. Улар бизнинг савдомизни кенгайтур, бизга бойлик ва ободлик берур ва ўзимизга катта саноат турғазини имкон очар», — деб ёзганди муаллиф.

Ёш Хайриниса мақолада ўз ватани келажиги ҳақида куюн-чаклик билан фикр билдиради: «Туркистон иқлимининг қизғинлиги ва ерининг мунбит (ҳосилдор)лиги уни доим қийматлик ҳосилот берувчи зироат мамлақати равишида қолдирғусидир. Иккинчи томондан Туркистон тоғларининг маъданга бойлиги бунда тоғ саноатининг юксалишига сабаб бўлғусидир. Бу икки асос — ҳаётни таъмин қилиш йўлларининг юксалиши натижасида (пахта заводлари, ипак фабрикалари, маъдан заводлари, шекилли) катта саноатнинг бошқа хиллари ҳам юксалғусидирлар. Туркистоннинг табиий бойликларини ишлашга олғали, катта саноатни турғизгали ва натижада янги темир йўллар ўтказгали кучи етсун ҳозирги хўжалиқдан ортиб қолиб тўпланган бойликнинг бўлиши керак. Ҳозирги зироатнинг маҳсулотини ордириш учун бирдан-бир чора бўлса зироатда ҳар хил янги ишлаб чиқориш усуллари, янги қуроллар ва машиналарни қўлланишидир». Ўша даврларда бу тарзда илгор фикрлайдиган хотин-қизларни камдан-кам учратиш мумкин эди. Шу маънода немислар юртига ўқишга юборилувчи ёшлардан бири сифатида Хайриниса Мажидхонованинг танлангани ҳам бежиз эмасди.

## Хорижда тахсил

Талабалар сафида ўзбек қизларидан тошкентлик Хайриниса Мажидхонова, Саида Шерахматбоева ва хоразмлик Марям Султонмуродованинг хорижга йўл олиши улкан жасорат эди. Негаки, у пайлар қизларнинг оддий мактабга қатнашининг ўзи жиддий қаршилиққа сабаб бўларди.

*1938 йилнинг 9 октябрида ўтказилган машъум «Учлик» суди қўйилган айбларнинг ҳеч бири исботланмаганига қарамай, Хайриниса Мажидхоновага ўлим жазосини белгилади. Ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ ижро этилди.*

Хайриниса Мажидхонова 1923-24 йилларда Берлинда «Хорижликлар учун немис тилини ўрганиш» мактабига ўқиб, ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома олди. 1924-26 йилларда Дармштадтдаги (Darmstadt) ўқитувчилар семинариясида немис тили ва адабиёти йўналишида ўқиди. 1926-28 йилларда амалиётни Берлин шаҳридаги ўқув муассасаларида ўтаб, ўрта махсус маълумот олгани тўғрисидаги дипломини қўлга киритди. Билимга чанқок қиз Берлинда педагогик амалиёт билан бир пайтда машҳур доктор Феккельманнинг тиббиёт ходимларини тайёрловчи хусусий мактабига ҳам тахсил олди.

## Қатағон қиличи

Хайриниса Мажидхонова 1928 йили Ўзбекистонга қайтиб келгач, шифокор бўлиб ишлаш бошлади. 1935 йили Тошкент тиббиёт институтини битиргандан сўнг эса ўқитувчилардан олиш уйда врач-терапевт ҳамда Файзулла Хўжаев номидаги Ўзбек пойабзал трести амбулаториясида шифокор-врач бўлиб ишлади.

Афсуски, олдида буюк мактабларни қўйган Хайриниса Мажидхонова ёвуз сиёсатнинг қурбонига айланди. Навкирон 32 ёшида шўро қатағонига учради. Бу пайтда у хали оила қуриб

улгурмаганди.

1937 йилнинг 13 сентябрида «1922-28 йилларда Германияда ўқиган ва 1928 йил СССР худудига жоус сифатида қайтган» деган сохта айблов билан Хайриниса Мажидхонова ҳам қамокка олинди. Шу куни берилган ордер асосида у яшаётган отасига тегишли Катта Миробод кўчаси 43-уй, 1-хонадонда тинтув ўтказилди. Китоблари, таржималари, хатлари, суратлари, хатто шахсий буюмлари олиб кетилди.

Сабаб нима эди? Тергов жараёнида маълум бўлдики, айблов ортида 1927 йилнинг ёзи таътили вақтида дугонаси Марям Султонмуродова билан бирга Парижга қилган саёҳати ва у ерда Мустафо Чўқай ҳамда Бухородан Германияга тахсил олиш учун юборилган Аҳмад Наимлар билан бўлган тасодуфий учрашув турарди.

Хайриниса тухматлардан иборат айбловларнинг барчасини рад этди, қийноқларга чидади. Бирок бу унинг ЎзССР Жиноят Кодексининг 57-1 (Ватанга хиёнат, ҳарбий ва давлат сирларини сотиш, шпionoаж), 62- (аксилсөөт тарбиот), 67- (аксилнқилобий ташкилотта аъзолик) моддалари билан айбдор деб топилишига тўсқинлик қила олмади.

1938 йилнинг 9 октябрида ўтказилган машъум «Учлик» суди қўйилган айбларнинг ҳеч бири исботланмаганига қарамай, унга ўлим жазосини белгилади. Ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ ижро этилди.

## Узоқ кечиккан оқлов

Сталин ўлимидан сўнг ноҳақ қатағонга учраганлар оқлана бошлагач, опа-сингиллари Хайринисанинг сўнгги тақдирини билан қизикдилар. Бирок маъсул идоранинг «Хайриниса Мажидхонова 1942 йил жазони ижро этиш даврида вафот этган» деган маълумотидан сўнг оила аъзолари қайта бу масалани кўтаришмади. Боиси, улар совет жазо органларидан қаттиқ юрак олдириб қўйилган, 1937-38 йилларда қизнинг аксилнқилобий фаолиятини



яширганликда айблов 75 ёшли Мажид оқсоқолни не қўйларга солишгани эслади эди.

Тақдирни қарангки, Хайриниса Мажидхонованинг номи оқланиши истиқлол йилларига келибгина амалга ошди, яъни 1999 йил 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан унга нисбатан оқлов эълон қилинди.

## Азиз ёди унутилмайди

Ҳа, қаттол шўро тузумининг қонли сиёсати Хайриниса Мажидхонова сингари миллиатимизнинг кўплаб илгор фикрли вакиллари маҳв этди. Боиси, Ватан озодлиги ва тараққиёти уларнинг энг юксак орзу ва максаси эди. Халқни зулм ва истибод остида сақлашни қўзлаган шўро ҳокимияти учун эса миллиатпарвар, фикри очик инсонлар энг хавфли душман ҳисобланган ва ўзининг қатағон қиличини доимо уларга қаратган. Ватанимиз мустақилликка эришгачгина, бундай ноҳақликка чек қўйилди. Озод юртда яшаш насиб этган ва мамлакат тараққиёти учун хизмат қилаётган бугунги авлод вакиллари шу улуг мақсад йўлида қурбон бўлган халқимизнинг асл фарзандларини ҳеч қачон ёддан чикармайди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»

Моддий маданий мерос объектларини бузганлик учун жавобгарлик қучайтирилди.

## ИМТИЁЗ

## Маҳалла фаолларига санаторийларга бепул йўланма берилади

— Эндликда фуқаролар йиғини фаолияти рейтинг баҳоланиши ҳақида эшитдим. Айтингчи, баҳолаш тартиби қандай? Бунда юқори баҳога лойиқ кўрилган йиғинлар ходимлари учун қандай имтиёзлар берилади?

Собир ҲАРАОВ,  
Тошкент шаҳри.



Элмурод ҚАРШИЕВ,  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бўлим бошлиғи:

— Хукуматнинг тегишли қарори билан «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Унга кўра, фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлиги ярим йиллик ва йил якуни бўйича баҳоланади. Рейтинг баҳолаш қонунийлик, ошқоралик, ҳолислик, адолатлилик, тенглик ва шаффофлик принципларига асосланади.

Баҳолаш Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) кенгаши томонидан амалга оширилади. Рейтинг баҳолаш натижасида «намунали», «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» фуқаролар йиғинлари аниқланади ҳамда «намунали» деб топилган йиғинлар ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахслар моддий рағбатлантирилади. Жумладан, уларнинг ҳар бирига — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,75 бараваригача пул маблағлари ажратилади. Республика ҳудудидagi санаторийлардан бирига соғлигини тиклаш учун бир мартабалик бепул йўланма берилади.

## ТАРТИБ

## Мажбурий меҳнат учун жавобгарлик кучайтирилди

— Айрим ҳолларда қайсидир мансабдор ўз ходимларини мажбурий меҳнатга жабб этгани, мазкур ҳолат тасдиғини топғач, мутасаддилар арзимас миқдордаги жаримага тортилгани ҳақида эшитиб қоламиз. Яқинда айти ҳолат бўйича жавобгарлик кучайтирилди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Нозима САЛИМОВА,  
Фарғона вилояти.



Камол НОРҚУЛОВ,  
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси маъсул ходими:

— 2019 йил 28 августда Президент томонидан «Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун имзоланди. Унга кўра, маъмурий тартибда меҳнатга жалб қилганлик учун жавобгарлик оширилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солиниши сабаб бўлиши белгиланди (ҳозирда бир баравардан уч бараваригача). Агар ушбу ҳуқуқбузарлик такроран содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан 100 бараваригача жарима солинади.

Вояга етмаган шахсни мажбурий меҳнатга жалб этиш энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача (ҳозирда беш бараваридан ўн беш бараваригача), агар бу ҳуқуқбузарлик такроран содир этилса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиниши сабаб бўлиши белгилаб қўйилди.

## МЕҲНАТ

## Ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга йўл қўйиладими?

— Давлат таъкилотиди ишлариди. Ишдан бўшаи чоғида иш ҳақидан икки йил давомида маълум миқдордаги сумма ушлаб қолинганини билдим. Айтингчи, ходимнинг розилигисиз шундай қилиш мумкинми? Умуман, қайси ҳолларда ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга йўл қўйилади? Тартиби қандай?

Нозимжон ИСРОИЛОВ,  
Сирдарё вилояти.

Дилмурод  
РАЖАБОВЕВ,  
Адлия вазирлиги  
бўлим бошлиғи:

— Қонунчиликка мувофиқ, ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш унинг ёзма розилиги билан ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин. Белгиланган



солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, суд қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш, ходим томонидан иш беришга етказилган зарарни қоплаш, интизомий жазо тарикасида тайинланган жаримани ундириш бунга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бу ҳолат олдиндан берилган мақсади пуллар (масалан, хизмат сафарлари учун берилган ва ишлатилмай қолган аванс) бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун ҳам амалга оширилиши мумкин.

Иш ҳақидан ушлаб қолинган ҳақнинг умумий миқдори ходимнинг иш ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим. Ушбу чеклов алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлиқни ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда ушлаб қолинган ҳақнинг миқдори етмиш фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

## ҲУҚУҚ

## «Қарзимни ололмай жон-ҳалакман...»

— Бир танишимга уч йил аввал катта миқдорда пул қарз бергандим. Қўлимда унинг қарз олгани тўғрисида тилхати ҳам бор. Бироқ қарзни қайтариш мuddати яқинлашгач, у Россияга кўчиб кетибди. Бир йилдан бундан унинг тополмай жон-ҳалакман. Ҳеч қим унинг қаерда эканини билмайди. Айтингчи, бундай вазиятда қандай йўл тутади? Кимга мурожаат қилади?

Мухиддин БЕКМУРОДОВ,  
Самарқанд вилояти.

Бойназар ХАЙДАРОВ,  
Самарқанд шаҳридаги  
«Мустақил ҳимоячи» адво-  
катлик фирмаси раҳбари:

— Фуқаролик кодексида кўра, сизнинг қўлингиздаги тилхат шартнома шаклига эга. Сиз мазкур ҳужжат билан

ўзингиз яшаб турган ҳудуддаги Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар, туман ёки вилоят судига мурожаат қилишингиз лозим.

Суднинг мазкур масала бўйича тегишли қарори чиққанидан сўнг, уни амалга ошириш Бош прокуратура ҳузуридagi Мажбурий ижро



бюросининг ҳудудий бўлими ёки бўлимасига юклатилади. Пировардида, сизнинг қарзингизни ундириб бериш билан бевосита улар шуғулланади. Қарздор агар четга кочиб кетган бўлса, МИБ халқаро қонун нормаларига мувофиқ, унинг мол-мулки, банкдаги ҳисоб рақамларини аниқлайди ва шулар ҳисобига қарзни ундириб беради.

## ҚОНУНЧИЛИК

## Паспортнинг амал қилиш мuddати тўхтатиб турилиши мумкин

— Паспортнинг амал қилиш мuddати маълум сабабларга кўра тўхтатиб турилиши мумкинлиги ҳақида эшитиб қолдим. Шу ростми? Шундай бўлса, бу ҳолат қайси ҳолларда амалга оширилади?

Нодир САИДОВ,  
Қашқадарё вилояти.

Ортик ХАМИДОВ,  
Қарши шаҳар 4-сон  
НИБ тергов бўлими  
бошлиғи:

— Дарҳақиқат, шундай. Жиноят-процессуал кодексига паспортнинг амал қилишини тўхтатиб туришга оид норма киритилди. Яъни, эндиликда кидирувдаги айбланувчи ёки судланувчи паспортдан

фойдаланиб чет элга чиқиб кетиши ёки хорижда ҳаракатланиши мумкин деб ҳисобланса, мазкур паспортнинг амал қилиши суд тартибда тўхтатиб турилиши мумкин.

Бу ҳолат айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товланишнинг, унинг бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Паспортнинг амал қилишини тўхтатиб туриш деганда паспортнинг, биометрик паспортнинг, хорижга чиқиб ўтиш биометрик паспортнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиб туриш тушунади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тугатишга ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий мақоми бекор қилинишига олиб келмайди.

Газетамизнинг навбатдаги сони 2019 йил 12 сентябрь, пайшанба куни чоп этилади.



МУАССИС:  
ФУҚАРОЛАРИНИНГ  
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА  
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ГАЗЕТА



Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
2017 йил 6 сентябрда  
0019 рақами билан  
қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир  
Бахтиёр  
АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов  
Мусаҳиҳлар: Н. Азимова,  
М. Назарова  
Навбатчи: С. Турсунов  
Дизайнерлар: И. Болтаев,  
Ш. Бароқов

Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Котибият: 71 237-56-80,  
Факс: 71 233-10-73.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета таҳририят компьютер марказида  
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.  
Формати — А-3, 8 босма  
табук.  
22 660 нускада чоп этилди.  
Буюртма Г-945  
Топширилди — 00:50